

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ
ТАҲЛИЛИ**

UZBEK LAW REVIEW

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА
УЗБЕКИСТАНА**

ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ	SCIENTIFIC ANALYTICAL JOURNAL	НАУЧНО АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
--------------------------------------	--	--

**2019
№4**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

БОШ МУҲАРРИР:

Гулямов Саид Саидахарович – юридик фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – ю.ф.д., профессор.

Рахимов Фахри Хайдарович – ю.ф.д., профессор.

Адилходжаева Сурайё Махкамовна – ю.ф.д., профессор.

Оқолов Омонбой – ю.ф.д., профессор.

Имомов Нурилло Файзуллаевич – ю.ф.д., доцент.

Эсанова Замира Нормуратовна – ю.ф.д., профессор.

Шодманов Фурқат Юсупович – ю.ф.д., профессор.

Самарходжаев Ботир Билялович – ю.ф.д., профессор.

Шамухамедова Замира Шаисламовна – ю.ф.д., доцент.

Эргашев Восит Ёқубович – ю.ф.н., доцент.

Холмўминов Жуманазар Тоштемирович – ю.ф.д., профессор.

Файзиёв Шухрат Хасанович – ю.ф.д., профессор.

Махкамов Отабек Мухтарович – ю.ф.д.

Зуфаров Рустам Ахмедович – ю.ф.д., профессор.

Мухитдинов Фахриддин Мухитдинович – ю.ф.д., профессор.

Тошев Бобоқул Норқобилович – ю.ф.д., профессор.

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович – ю.ф.д., доцент.

Маълумот олиш учун куйидагиларга мурожаат этиш сўралади:

Гулямов Саид Саидахарович,
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович
ТДЮУ, Халқаро тижорат ҳуқуқи кафедраси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047,
Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36

"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон нусхаси Интернетдаги www.lawreview.uz сайтида жойлаштирилган.

Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар, талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.
2020 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва қўлайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент давлат юридик университетига мурожаат этилади. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И.Р. Рустамбеков**

Наشريёт муҳаррири: **Н. Ниязова**

Техник муҳаррир: **Ш. Ҳўжаев**

Лицензия № 02-0074

Босишга рухсат этилди – 03.02.2020

Наشريёт ҳисоб табоғи – 5

«IMPRESS MEDIA» босмахонасида босилди

Адади – 100 нусха.

**ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
ЖУРНАЛ**

4/2019

МУНДАРИЖА

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ ВА БОШҚАРУВИ

Р.Рахимов Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ваколатлари ва назорат функцияларини такомиллаштириш.....	5
Ф.Рахимов Ўзбекистон Республикасида гендер тенглигини таъминлашнинг ҳуқуқий асоси.....	10
Б.Қодиров Нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари.....	13
Х.Одилқориев Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш: ҳозирги ҳолати ва истиқболлари.....	15
О.Махкамов, А.Лихтин Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизматининг ўзига хос хусусиятлари.....	21
Р.Кенжаев Ўзбекистонда ерларни муҳофаза қилишнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик аҳамияти.....	26
Ш.Зулфқоров Ўзбекистон Республикасида сиёсий партия фракциялари фаолиятида депутатларнинг иштирокини кучайтириш масалалари.....	29
З.Исраилова Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти самарадорлигини оширишнинг айрим ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатлари.....	34
Ш.Ахмедова Қўлай атроф-муҳитни таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг экологик қонунчилигини такомиллаштириш масалалари.....	37
ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ВА ПРОЦЕССИ	
Н.Имомов Тижоратчи юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини белгилашнинг айрим масалалари.....	42
В.Эргашев Ашёвий ҳуқуқ объектини белгилашга доир муаммолар.....	45
Д.Қараходжаева, Н.Хидирова Электрон тижорат тушунчаси ва унинг фаол амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи омиллар.....	49
С.Иноятова Фуқаролик ҳуқуқларининг ўзини ўзи ҳимо қилиш хусусиятлари.....	51
А.Юлдашов Муаллифлик ҳуқуқида шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари.....	55
А.Тожибоев Стартап тушунчаси, моҳияти ва унинг юридик табиати.....	57
Ф.Зайнобиддинова Инвестициявий фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш механизми.....	60
М.Таджибаева Камситиш инсофсиз рақобатнинг бир белгиси сифатида.....	63
И.Салимова Франция ва Германия суд тизимида тааллуқликликка оид низоларни ҳал этишнинг ўзига хос жиҳатлари.....	66
Ш.Исмоилов Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари.....	69
ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ	
Н.Салаев Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида коррупцияга қарши курашиш масалалари.....	74
Б.Исмоилов Иқтисослашган коррупцияга қарши курашиш институтларни яратиш бўйича игор ҳрижий тажриба.....	79
Ж.Иброҳимов Терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва профилактикаси масалалари.....	85
Д.Валижонов Халқаро ташкилотлар билан ўзаро фаолияти доирасида Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг халқаро ҳамкорлик масалалари.....	90
ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР	
И.Рустамбеков Форс-мажорга ҳолатларига доир айрим масалалар ва уларнинг халқаро арбитражда қўлланилиши.....	92
Б.Мусаев Германияда ҳусусий бандлик агентликлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тажрибаси.....	98
Х.Абдурахмонова Ўзбекистон Республикасида ёлғиз оналикнинг давлат томонидан ҳимояланиши: миллий ҳуқуқ тизими ва ривожланган мамлакатлар амалиёти мисолида.....	102
Ш.Ишметова Халқаро савдо ҳуқуқини ривожланишнинг замонавий тенденциялари.....	105
Э.Ахунджанов Темир йўл транспортда йўловчи ташиш муносабатларини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш.....	109
М.Якубова "Барқарорлаштирувчи изоҳ" ва "қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги қоида" чет эл инвестори ва давлат ўртасидаги инвестиция низоларини олдини олиш ва ҳал этиш воситаси сифатида.....	112

EDITORIAL BOARD

GENERAL MANAGER:

Dr. Gulyamov Said – Professor, Doctor of Sciences in Law.

MEMBERS OF EDITORIAL BOARD:

Mrs. Akhmedshaeva Maviyuda – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Rakhimov Fakhri – professor, doctor of sciences in Law.

Mrs. Adilkhodjaeva Surayo – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Okyulov Omonboy – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Imomov Nurillo – associate professor, doctor of sciences in Law.

Mrs. Esanova Zamira – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Shodmanov Furqat – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Samarkhodjaev Botir – professor, doctor of sciences in Law.

Mrs. Shamukhamedova Zamira – associate professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Ergashev Vosit – associate professor, candidate of sciences in law

Mr. Kholmuminov Jumanazar – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Fayziev Shukhrat – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Makhkamov Otabek – doctor of sciences in Law.

Mr. Zufarov Rustam – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Mukhitdinov Fakhridin – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Toshev Bobokul – professor, doctor of sciences in Law.

Mr. Rustambekov Islambek – associate professor, doctor of sciences in Law.

For further information please contact:

Mr. Gulyamov Said,
Mr. Rustambekov Islambek
35, Sayilgoh Street, Tashkent,
TSUL, Department of "International commercial Law",
Council of Young Scientists
100047, Uzbekistan. Tel.: 233-66-36

Electronic copy of "Uzbek Law Review" journal can be found at www.lawreview.uz

The journal was registered in the list of the High Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan in 2013.

The findings, conclusions and interpretations expressed in the journal are those of the authors alone and can in no way be taken to reflect the views of the Republic of Uzbekistan or the Tashkent State University of Law.

Published in 2020.

Copyright by Tashkent State University of Law. All rights reserved. Enquiries concerning reproduction should be addressed to Tashkent State University of Law, 100047, 35, Sayilgoh Street, Tashkent, Uzbekistan.

ISSN 2181-8118

General Secretary: **I.Rustambekov**

Publishing editor: **N.Niyazova**

Technical editor: **Sh.Khujaev**

License No. 02-0074

Authorized to issue – 03.02.2020

Bulk – 5

Printed in «IMPRESS MEDIA» Printhouse

Number of copies – 100

SCIENTIFIC-ANALYTICAL JOURNAL

4/2019

CONTENTS

STATE LAW AND MANAGEMENT

R.Hakimov Improvement of Authority and Control Functions of the Legislative Power in the Republic of Uzbekistan	5
F.Rahimov Legal Framework for Gender Equality in the Republic of Uzbekistan	10
B.Kodirov Issues of Legal Regulation of the Activities of Non-Governmental Higher Education Institutions	13
H.Odilkoriev Further Democratization of the Judicial and Legal System: Current Situation and Prospects	15
O.Mahkamov, A.Lihtin Competencies of Modern Leadership Frames: Understanding, Necessity and Perspective	21
R.Kenjaev Social, Economic and Environmental Importance of Land Protection in Uzbekistan	26
Sh.Zulfikorov Issues of Strengthening the Participation of Deputies in the Activities of Factions of Political Parties in the Republic of Uzbekistan	29
Z.Israilova Some Legal, Organizational Aspects of Improving the Effectiveness of Local Government Representative Bodies in Uzbekistan	34
Sh.Ahmedova Ways to Improve the Environmental Legislation of the Republic of Uzbekistan in the Field of Ensuring a Favorable Environment	37

CIVIL LAW AND CIVIL PROCESS

N.Imomov Some Questions of Determining the Organizational and Legal Forms of Commercial Legal Entities	42
V.Ergashev Problems in Determining the Objects of Property Rights	45
D.Karahodjaeva, N.Hidirova The Concept of E-Commerce and Factors that Prevent its Active Functioning	49
S.Inoyatova Features of Self-defense of Civil Rights	51
A.Yuldashov Features of Legal Relations in Copyright	55
A.Tojiboev Concept, Essence of Startup and Its Legal Features	57
F.Zaynobiddinova Mechanism of Legal Regulation of Investment Activities	60
M.Tadjibaeva Discretion as One of the Signs of Unfair Competition	63
I.Salimova Features of Resolution of Disputes on Jurisdiction in the Judicial System of France and Germany	66
Sh.Ismoilov Special Legal Regulation of Workers Under the Age of Eighteen Years	69

CRIMINAL LAW AND CRIMINAL PROCESS

N.Salaev Matters on Countering Corruption in the Legislation of the Republic of Uzbekistan	74
B.Ismoilov Advanced Foreign Experience in Creating Specialized Institutions for Combating Corruption	79
J.Ibrohimov Issues of Prevention and Profiling of Crimes Related to Terrorism	85
D.Valijonov Issues of International Cooperation of the Prosecutors' Office of the Republic of Uzbekistan in the Framework of Interaction with International Organizations	90

INTERNATIONAL LEGAL RELATIONS

I.Rustambekov Some Issues of Force Majeure and Its Application in International Arbitration	92
B.Musaev Experience of Legal Regulation of Activities of Private Employment Agencies in Germany	98
H.Abdurahmanova State Protection of Single Motherhood in the Republic of Uzbekistan: on the Example of the National Legal System and Practice of Developed Countries	102
Sh.Ishmetova Contemporary Development Trends of International Trade Law	105
E.Ahundjanov Issues of Legal Regulation of the International Carriage of Passengers and Baggage in Railway Transport	109
M.Yakubova "Stabilization Clause" and "Regulation on Revision" as a Tool for Preventing and Resolution of Investment Disputes Between a Foreign Investor and a Receiving State	112

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:

Гулямов Саид Саидахарович – доктор юридических наук, профессор.

ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ:

- Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна** – д.ю.н., профессор.
Рахимов Фахри Хайдарович – д.ю.н., профессор.
Адилходжаева Сурайё Махкамовна – д.ю.н., профессор.
Оқюлов Омонбой – д.ю.н., профессор.
Имомов Нурилло Файзуллаевич – д.ю.н., доцент.
Эсанова Замира Нормуратовна – д.ю.н., профессор.
Шодманов Фурқат Юсупович – д.ю.н., профессор.
Самарходжаев Ботир Билялович – д.ю.н., профессор.
Шамухамедова Замира Шаисламовна – д.ю.н., доцент.
Эргашев Восит Ёқубович – к.ю.н., доцент.
Холмўминов Жуманазар Тоштемирович – д.ю.н., профессор.
Файзиёв Шухрат Хасанович – д.ю.н., профессор.
Махкамов Отабек Мухтарович – д.ю.н.
Зуфаров Рустам Ахмедович – д.ю.н., профессор.
Мухитдинов Фахриддин Мухитдинович – д.ю.н., профессор.
Тошев Бобоқул Норқобилович – д.ю.н., профессор.
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович – д.ю.н., доцент.

<p>Для получения информации просим обращаться: Гулямов Саид Саидахарович, Рустамбеков Исламбек Рустамбекович ТГЮУ, кафедра Международное коммерческое право. Республика Узбекистан, Ташкент, 100047, ул. Сайилгох, 35. Тел.: 233-66-36 (1073).</p>
<p>Электронная версия "Обзор законодательства Узбекистана" размещена на Интернет сайте: www.lawreview.uz</p>
<p>Журнал включен в список Высшей Аттестационной Комиссии Кабинета Министров Республики Узбекистан в 2013 г.</p>

Результаты, заключения, толкования, выраженные в этом документе, принадлежат только их авторам и не отражают политики или мнения Республики Узбекистан или Ташкентского государственного юридического университета.

Опубликовано в 2020 г.

Авторские права принадлежат Ташкентскому государственному юридическому университету. Все права защищены. Публикация может производиться, распространяться или передаваться в какой-либо форме с разрешения Ташкентского государственного юридического университета. По вопросам воспроизведения обращаться в Ташкентский государственный юридический университет. Республика Узбекистан, Ташкент, 100047, ул. Сайилгох, 35.

ISSN 2181-8118

Ответственный секретарь: **И.Рустамбеков**
 Издательский редактор: **Н.Ниязова**
 Технический редактор: **Ш.Хужаев**
 Лицензия № 02-0074

Подписано к печати – 03.02.2020 г.
 Уч.- изд. лист. – 5

Отпечатано в типографии «IMPRESS MEDIA»
 Тираж – 100

**НАУЧНЫЙ-АНАЛИТИЧЕСКИЙ
ЖУРНАЛ**

4/2019

СОДЕРЖАНИЕ

ГОСУДАРСТВЕННОЕ ПРАВО И УПРАВЛЕНИЕ

Р.Хакимов
 Совершенствование полномочий и надзорных функций законодательной власти в Республике Узбекистан..... **5**

Ф.Рахимов
 Правовые основы обеспечения гендерного равенства в Республике Узбекистан **10**

Б.Кодиров
 Вопросы правового регулирования деятельности негосударственных высших образовательных учреждений **13**

Х.Одилкориев
 Дальнейшая демократизация судебно-правовой системы: современное состояние и перспективы **15**

О.Махкамов, А.Лихтин
 Особенности кадровой политики и системы государственной гражданской службы в Республике Узбекистан **21**

Р.Кенжаев
 Социальное, экономическое и экологическое значение охраны земель в Узбекистане **26**

Ш.Зулфикоров
 Вопросы усиления участия депутатов в деятельности фракций политических партий в Республики Узбекистан **29**

З.Исраилова
 О некоторых правовых, организационных аспектах повышения эффективности деятельности представительных органов государственной власти на местах в Узбекистане **34**

Ш.Ахмедова
 Пути совершенствования экологического законодательства Республики Узбекистан в области обеспечения благоприятной окружающей среды **37**

ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО И ГРАЖДАНСКИЙ ПРОЦЕСС

Н.Имомов
 Некоторые вопросы определения организационно-правовых форм коммерческих юридических лиц..... **42**

В.Эргашев
 Проблемы по определению объектов вещных прав **45**

Д.Караходжаева, Н.Хидирова
 Понятие электронной коммерции и факторы, препятствующие её активному функционированию..... **49**

С.Иноятова
 Особенности самозащиты гражданских прав **51**

А.Юлдашов
 Особенности договорно-правовой отношений в авторском праве **55**

А.Тожибоев
 Понятие, сущность стартапа и его правовая природа **57**

Ф.Зайнобиддинова
 Механизм правового регулирования инвестиционной деятельности..... **60**

М.Таджибаева
 Дискриминация как один из признаков недобросовестной конкуренции **63**

И.Салимова
 Особенности разрешения споров о подведомственности в судебной системе Франции и Германии..... **66**

Ш.Исмоилов
 Особенности регулирования труда работников в возрасте до восемнадцати лет **69**

УГОЛОВНОЕ ПРАВО И УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС

Н.Салаев
 Вопросы противодействия коррупции в законодательстве Республики Узбекистан **74**

Б.Исмоилов
 Передовой зарубежный опыт по созданию специализированных институтов по борьбе с коррупцией **79**

Ж.Иброхимов
 Вопросы предупреждения и профилирования преступлений, связанных с терроризмом..... **85**

Д.Валижонов
 Вопросы международного сотрудничества прокуратуры Республики Узбекистан в рамках взаимодействия с международными организациями **90**

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ

И.Рустамбеков
 Некоторые вопросы форс-мажорных обстоятельств и их применения в международном арбитраже..... **92**

Б.Мусаев
 Опыт правового регулирования деятельности частных агентств занятости в Германии **98**

Х.Абдурахмонова
 Защита государством одинокого материнства в Республике Узбекистан: на примере национальной правовой системы и практики развитых стран **102**

Ш.Ишметова
 Современные тенденции развития международного торгового права **105**

Э.Ахунджанов
 Международно-правовое регулирование перевозки пассажира в железнодорожном транспорте **109**

М.Якубова
 «Стабилизационная оговорка» и «положение о пересмотре» как инструмент предотвращения и разрешения инвестиционных споров между иностранным инвестором и принимающим государством **112**

Р.Хакимов,

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири
ўринбосари – ректор, юридик фанлар доктори,
проф.в.б.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ ВА НАЗОРАТ ФУНКЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: мақола Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият ваколатлари ва назорат функцияларини кучайтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларига бағишланган. Муаллиф парламент назорати ва ҳокимият тармоқлари ўртасида мувозанатни сақлаш муаммоларини очиқ беради. Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва самарали парламент назорати орқали давлат бошқарувини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асосларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалдаги миллий қонунчиликда уни таъминлаш нуқтаи назаридан келиб чиқадиган ҳуқуқий камчиликларни таҳлил қилиш асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга янги тақлифлар тақдим этилади.

Калит сўзлар: қонунчилик, парламент, Ўзбекистон, парламент назорати, Олий Мажлис, демократик ислохотлар, ҳокимиятни бўлиш принципи, парламент назорати тартиби.

Аннотация: статья посвящена организационно-правовым аспектам усиления полномочий и контрольных функций законодательной власти в Республике Узбекистан. Автор раскрывает проблемы парламентского контроля и поддержания разумного баланса между ветвями власти. Особое внимание уделяется правовой основе для обеспечения верховенства закона в обществе, верховенства права и совершенствования государственного управления посредством эффективного парламентского контроля. На основе анализа правовых пробелов в действующем национальном законодательстве с точки зрения его обеспечения, представлены новые предложения по законодательству.

Ключевые слова: законодательство, парламент, Узбекистан, парламентский контроль, Олий Мажлис, демократические реформы, принцип разделения властей, порядок осуществления парламентского контроля.

Annotation: the article is devoted to organizational and legal aspects of strengthening the powers and control functions of the legislative power in the Republic of Uzbekistan. The author reveals the problems of parliamentary control and maintaining a reasonable balance between the branches of government. Special attention is paid to the legal basis for ensuring the rule of law in society, the rule of law, and improving public administration through effective parliamentary control. Based on the analysis of legal gaps in the current national legislation in terms of its provision, new proposals for legislation are given.

Key words: legislation, parliament, Uzbekistan, parliamentary control, Oliy Majlis, democratic reforms, principle of separation of powers, procedure for exercising parliamentary control

Ҳокимиятлар бўлиниши принципага асосланган демократик бошқарув тизимида давлат ҳокимияти

органлари фаолиятини ошқоралик ва ҳисобдорлик тамойилларидан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ўз навбатида ҳар қандай демократик давлат, унинг ҳуқуқий тизими асосида ётган яна бир демократик принцип бўлмиш – халқ ҳокимиятчилиги принципнинг мазмуни ва асосий талабларидан ҳисобланади. Ушбу принципларни давлат қурилиши ва жамият тараққиёти соҳасида босқичма-босқич амалга ошириш кўп жиҳатдан бевосита халқ томонидан шакллантириладиган ва унинг номидан иш юритадиган парламентнинг самарали фаолият юритишига боғлиқ бўлади.

Ўзининг вакиллик, қонун ижодкорлиги ва назорат каби асосий функцияларини амалга ошира бориб парламент ҳукумат сиёсати, унинг ҳаракатлари халқ, жамият манфаатларига ва эҳтиёжларига мос келиши ва самарали бўлишининг муҳим қафили бўлиб қолади.

Бунда ижроия ҳокимияти фаолияти самарадорлиги ва қонунийлигини таъминлаш, ҳокимият тармоқлари ўртасида оқилона мувозанатни қўллаб-қувватлашда ҳаққоний сиёсий-ҳуқуқий воситаларидан бирини парламент назорати ташкил қилади.

Қайд этиш жоизки, парламент назорати институтининг аҳамияти борасида ҳуқуқшунос олимлар ўртасида хилма-хил қарашлар учрайди. Япониялик олим Хиронори Ямамотонинг таъкидлашича, халқ манфаатларини ифодаловчи орган сифатида парламент фаолияти маъмурият (ижроия ҳокимияти органлари) томонидан амалга ошириладиган давлат сиёсати инсонлар эҳтиёжларини намоён этиши ва қаноатлантиришига қаратилган. Шунингдек, парламентлар давлат сиёсатини умуммиллий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш самарадорлигини, келишувчанликни таъминлашга йўналтирилган бўлиши лозим [1]. Унинг фикрича, парламент назоратининг роли айнан шунда намоён бўлади.

Профессор А.Акиловнинг фикрича, парламент назорати институтининг аҳамияти унинг бевосита ҳукумат фаолиятини ва энг аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида янада юқори самарадорлигига эришиш мақсадида амалга оширилишида намоён бўлади [2].

Юқорида гувоҳ бўлганимиздек, парламент назоратининг аҳамияти борасида олимлар ўртасида хилма-хил қарашлар мавжуд бўлса-да, парламент назорати институтининг аҳамияти давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш воситаси сифатида хизмат қилишини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистонда мустақилликнинг ўтган йилларида босқичма-босқич ва изчилликда парламент – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳокимиятлар бўлиниши принципи, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш тизимини муҳим элементи сифатида назорат функциясини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар олиб борилди. Парламент назоратининг асосий шакллари ҳали 1992 йилдаёқ қабул қилинган мамлакат Конституциясида мустаҳкамланган эди. Жумладан, бюджет сиёсатини амалга ошириш соҳасида назорат қилишнинг муҳим шакли бўлган Вазирлар Маҳкамасининг тақдимида биноан Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижроси устидан назорат қилиш назарда тутилган эди.

Умумхалқ референдуми яқунлари бўйича Конституцияга 2003 йилнинг апрелида киритилган

тузатишлар [3] Ўзбекистонда икки палатали парламентни шакллантириш ва фаолият юритишининг конституциявий-ҳуқуқий асосларини белгилаб берди, унинг назорат соҳасидаги ваколатларини сезиларли даражада кенгайтди. Парламент назоратини таъминлашнинг муҳим омилларидан бўлиб, Конституцияга Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгарлиги тўғрисидаги норманинг мустаҳкамланиши хизмат қилди. Иккала палатанинг биргаликдаги ваколатига Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиغا биноан Бош вазир ваколатини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича ваколати киритилган эди. Бунда илгари парламент фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бош вазирни тайинлаш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаган холос. Ҳисоб палатасининг ҳисоботларини кўриб чиқиш сингари парламент назоратининг муҳим шакли жорий этилди. Шунингдек, қайд этилган тузатишлар билан парламентнинг юқори палатаси – Сенатнинг мутлақ ваколатига Бош прокурор, Марказий банк бошқаруви раиси ҳисоботларини эшитиш киритилган эди. Ундан ташқари, Сенатга Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ва лавозимдан озод этиш, амнистия тўғрисидаги актларни қабул қилиш бўйича ваколатлар берилди.

Парламент назорати тараққиёти соҳасидаги ислохотларнинг мантиқий ва объектив давоми сифатида 2010 йилда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясини алоҳида эътироф этиш мумкин.

Ушбу Концепцияга мувофиқ Конституцияга, давлат қурилиши соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатларига 2011 [4] ва 2014 [5] йилларда киритилган тузатишлар парламент назоратининг конституциявий-ҳуқуқий асосларининг янада тараққий этишини, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш механизмининг таъминлади.

Мазкур тузатишларга мувофиқ Асосий Қонунга сайловларда парламентнинг қўйи палатасида нисбатан кўпроқ депутатлик ўринларини қўлга киритган сиёсий партиялардан Бош вазир номзодини илгари суриш тартиби белгиланиб, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми институти (Конституциянинг 98-моддаси), парламент ва жамоат назорати (Конституциянинг 78, 32-моддалари) жорий этилди. Мамлакат парламентига мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш; ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиш қўшимча ваколатлар берилди.

Сўнгги йилларда амалга оширилган ушбу барча янгиликлар 2016 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш учун ўзига хос замин ҳозирлади [6].

Парламент назоратини амалга оширишда унинг вазифасини аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Парламентлараро иттифоқ экспертларининг (1889 йилда ташкил этилган, БМТда халқаро ташкилот сифатида рўйхатдан ўтказилган ва унда доимий кузатувчи мақомига эга бўлган 167 мамлакат

парламентларининг мустақил халқаро ташкилоти) фикрича, парламент назоратининг муҳим вазифаларидан бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқат ва давлат муассасалари томонидан ўзбошимчалик ёки ноқонуний ва конституцияга зид бўлган мансабни суиистеъмол қилишларни аниқлаш ва олдини олиш;

- ҳуқуқат фаолияти самарадорлиги ва тежамкорлигини ошириш мақсадида фуқаролар тўлаётган солиқларнинг ҳуқуқат томонидан масъуллик билан сарфланишини таъминлаш;

- қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқат дастурларида назарда тутилган мақсадларга эришиш устидан назорат қилиш;

- давлат сиёсатини юритиш самарадорлигининг шarti бўлган давлат операциялари ошқоралигини ва жамиятнинг ҳуқуқатга бўлган ишончини ошириш [7].

“Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунда парламент назоратининг вазифаси сифатида юқорида қайд этилган вазифалар тўғридан-тўғри назарда тутилмаган бўлса-да, уларнинг асосий мазмуни мустаҳкамланган. Чунончи, Қонунга биноан парламент назоратининг асосий вазифалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳисобланади [8].

Қонунда парламент назоратини амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар субъектлари таркиби аниқ белгиланган. Хусусан, қуйидагилар парламент назорати субъектлари эканлиги белгиланди: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати; Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари, комиссиялари; Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари; Қонунчилик палатаси депутатлари; Сенат аъзолари; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).

Қонунда парламент назоратининг объектлари доираси батафсил тартибга солинган бўлиб, бунда парламент назоратини амалга ошириш чегараси аниқ белгилаб берилди. Жумладан, Қонуннинг 4-моддасида белгиланишича, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти парламент назорати объектидир.

Сиёсий-ҳуқуқий тадқиқот натижаларининг таҳлили кўрсатишича, ижроия ҳокимияти фаолияти устидан назорат қилиш бўйича фаолият парламент назорати тўғрисидаги тасаввурлардан нисбатан эскирган тушунча ҳисобланади. Хусусан, америкалик олим Жозель Абербахнинг таъкидлашича, парламент назорати – бу Конгресс томонидан федерал департаментлар, муассаса ва комиссияларнинг ҳаракатлари, улар томонидан амалга оширилаётган дастурлар ва сиёсатлар, шу жумладан, ушбу дастур ва

сиёсатларни амалга ошириш вақтида, шунингдек, мазкур фаолият натижалари бўйича маълумотларнинг кўриб чиқилишидир [9].

Парламентаризм тараққиёти халқаро тажрибасининг кўрсатишича, сиёсий ёки ҳуқуқий омиллар билан асослангандир. Амалда парламентнинг назорат ваколатларини кенгайтириш ёки тарайтириш ҳокимият тармоқлари ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига, ҳокимият тармоқларининг бир-бири фаолиятига аралашуви билан боғлиқ салбий оқибатларни келтириб чиқиши мумкин. Масалан, иқтисодий тараққиётнинг тегишли соҳаларида қонунларнинг, давлат дастурларининг ижро этилишига бағишланган парламент эшитувлари яқунлари бўйича парламент ўзи чиқарган қарорлари билан давлат бошқарув органлари вазифасини бажармаслиги керак.

Айнан шу муносабат билан Қонунда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг, суриштирув ва тергов органларининг, судларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларни, шунингдек ижро иши юритиш ҳамда нотариал иш юритишнинг муайян материалларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият парламент назоратининг объекти бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган. Парламент назоратини амалга оширишда парламент назорати субъектлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга ошираётган фаолиятига аралашмаслиги қайд этилган.

Хорижий тажрибани ўрганиш натижалари бўйича, назорат чегараси куйидаги икки мезон ёки усул билан аниқланади: парламент назоратининг объектини қонунда белгилаш йўли (ҳуқуқий жиҳат) билан ва парламент, ижро этувчи ҳокимият конституциявий ваколатлари соҳасини аниқ чекловчи ҳокимиятлар бўлиниши принципининг ҳаракат соҳаси (сиёсий-ҳуқуқий жиҳат) билан.

Қайд этиш жоизки, хорижий давлатлар конституциявий ҳуқуқи назариясида одатда, парламент фаолиятининг назорат шакллари куйидагилар киритилади: давлат бюджетини кўриб чиқиш, тасдиқлаш, унинг ижро этилиши устидан; Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти устидан назорат қилиш; парламент тергови; депутатларнинг назорат ваколатлари; парламент назоратининг объекти ҳисобланувчи органлар мансабдор шахсларига бериладиган оғзаки ва ёзма саволлар; парламент эшитувлари; ҳукумат соати; ҳукуматнинг йиллик ҳисоботлари [10].

Ақсарият хорижий давлатлар қонунчилигида парламент назоратининг мунозаралар, ишончсизлик вотуми тўғрисидаги масалани кўйиш; палаталар ялпи мажлисларида ўз фаолиятлари тўғрисида вазирларнинг маърузалари ва ҳисоботлари; ҳукуматга унинг фаолият мақсадлари, ҳукумат сиёсатининг муайян жиҳатларига тегишли бўлган масалалар бўйича унинг кейинги ҳаракатлари юзасидан мурожаат қилиш каби шакллари назарда тутилган. Ундан ташқари, парламент назоратининг ишончсизлик вотуми институтидан палаталар таклифига кўра киритилиши билан фарқланувчи танбеҳ бериш резолюцияси; тергов кўмиталари ва комиссияларининг фаолияти; алоҳида фавқулодда ҳолатларда (фавқулодда ҳолат режими жорий этилганда, импичмент эълон қилинганда, қонунчилик ваколати берилиши устидан назорат ва б) ижро этувчи ҳокимият

органлари ҳаракати устидан назорат қилиш учун парламент махсус йиғилишларини чақириб сингари назорат шакллари билан кенг фойдаланилади [11].

Ўз навбатида парламент назорати сиёсий-ҳуқуқий механизмнинг мазмуни жамият ўзининг тараққиёт даражаси, унинг сиёсий институтлари ва бошқа қатор омиллар билан асосланувчи объектив қонуният таъсири остида шаклланади.

Агар парламент назоратининг у ёки бу шакли унинг мазмун ҳолати, ушбу сиёсий-ҳуқуқий институтнинг тараққиёт даражасини ҳисобга олманган ҳолда қонунчиликда эркин белгиланса, халқаро амалиёт натижалари кўрсатганидек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ишламаслигига, уларга нисбатан жамиятда ҳеч қандай эҳтиёж мавжуд бўлмаслигига ёки ҳокимият қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларида мавжуд ўзаро ҳамкорлик тартибига салбий таъсир кўрсатишига олиб келиши мумкин.

Жамиятда қонунийликни, қонун устунлигини таъминлаш, давлат бошқарув самарадорлигини ошириш, давлат ҳокимияти барқарорлигини таъминлашни бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарали фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу сабабли Қонунда (19-моддасида) прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш тартибини қонун даражасида белгилашга асосий эътибор қаратилган. Прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, мамлакатда қонун устуворлиги ва қонунийликни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатлари ҳамда қилинишини таъминлаш бўйича улар ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида Олий Мажлис палаталари томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тузилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳар йили Сенатга ҳисобот тақдим этади, ҳисобот Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Парламент томонидан амалга оширилган назорат тадбирлари яқуни бўйича санкциялар, шунингдек қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминламаётган парламент назорати объектлари учун салбий оқибатларни келтириб чиқарувчи турли парламент таъсир чоралари (ишончсизлик вотуми, танбеҳ бериш ҳужжати ва бошқалар) ёки самарали давлат сиёсатини ўтказишни қўллаш ёки қонунчиликнинг мавжудлиги парламент назорати ҳаққонийлигининг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Бунда мазкур функцияларни амалга оширишда парламент муҳолифатининг роли алоҳида таъкидланади [12].

Ҳуқуқшунос олим А.Зубареванинг фикрича, тегишли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг парламент назоратини амалга ошириш жараёнида аниқланган камчиликларга диққатни жалб этиш, уларни бартараф этиш ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш парламент назоратининг мақсадларидан бири бўлиб ҳисобланади [13]. Ўз навбатида А.Зубареванинг мазкур фикри билан келишиб бўлмайди. Нега деганда парламент назоратининг асосий мақсади давлат органлари мансабдор шахсларини айбини аниқлаш ва уларни фош этиш бўлса, бунда давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи бўлган парламент шунчаки суриштирув ёки жиноят-қидирув органидан фарқи бўлмай қолади. Қолаверса, давлатнинг олий вакиллик органи парламент назоратини амалга ошириш

жараёнида ижро этувчи ҳокимият мансабдор шахсларнинг жинойатларини аниқлаш, уларни жавобгарликка тортиш билан шуғулланадиган бўлса, бу қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида кучли зиддиятларни келтириб чиқаради.

Немис ҳуқуқшуноси В.Стеффаннинг фикрича парламент назорати ҳукумат ва бошқарув органлари фаолиятини текшириш жараёни, уни бевосита (парламент кўпчилиги) ёки билвосита (муҳолифат) маъқуллаш ёки аксинча танқид қилиш, баҳолаш шунингдек, ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорга нисбатан санкциялар қўллаш имкониятини англатади [14].

Америкалик мутахассис Вальтера Олежеканинг фикрига кўра “парламент назоратининг фундаментал мақсади ижро этувчи мансабдор шахсларни қонунга биноан мавжуд ваколатларини амалга оширмаганлик учун жавобгарликка тортиш бўлиб ҳисобланади. Замонавий даврда ижроия ҳокимияти таъсирининг жуда тез кенгайишини ҳисобга оладиган бўлсак, парламент назоратининг ушбу мақсади жуда муҳимдир” [15].

Ҳуқуқшунос олимнинг қайд этганларидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, қайд этилган қонунда парламент назорати натижалари бўйича таъсир кўрсатиш қатъий чораларини қабул қилишнинг зарурий ҳуқуқий асослари белгиланган. Жумладан, парламент назорати натижалари бўйича парламент назорати субъектлари ўз ваколатлари доирасида:

парламент назорати субъектлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг кўриб чиқилиши ва ижро этилишини таъминлайди;

парламент назорати натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсияларни амалга оширишга қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқади ва (ёки) қарорлар қабул қилади;

таклифлар ва тавсияларни кўриб чиқиш натижалари ҳамда улар бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида парламент назорати субъектларига хабар қилади;

қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўради.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахслари зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юклатилган:

парламент назорати амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиши;

парламент назорати субъектларининг қонуний талабларини бажариши, шунингдек уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги;

парламент назорати субъектларига парламент назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиши, шунингдек уларнинг ишончлилиги ва холислигини таъминлаши шарт.

Шу билан бирга Қонунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари парламент назорати субъектларининг парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорларини кўриб чиқиши ва кўриб чиқиш натижалари ҳамда кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида уларни белгиланган муддатда хабардор қилиши шартлиги қатъий белгиланган.

Умуман олганда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги

Қонуни қабул қилиниши парламентнинг ўз олдида турган вазифаларини амалга оширишнинг конституциявий-ҳуқуқий имкониятларини кучайтиришга, демократик давлатчилик асосларини ривожланиши ва мустақамланишига шунингдек, мамлакатда халқ ҳокимиятчилиги ва парламентаризмнинг кучайишига хизмат қилади. Ўз навбатида қайд этилган миллий қонунчилик тизимида ўзига хос ўринга эга бўлган Қонун нормаларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида жорий этилиши Олий Мажлис палаталари назорат функцияларини амалга оширишнинг замонавий усуллари ва шакллари, механизмлари, парламент назорати принципларининг мазмуни ва моҳияти, унинг ҳуқуқий табиатини очиқ беришга йўналтирилган тизимли тадқиқотларни ўтказиш, уларни фундаментал илмий-назарий жиҳатдан таъминлаш ва асослантиришни шунингдек, қайд этилган қонуннинг мазмуни ва моҳиятини ижрочи ва аҳоли ўртасида тарғиб қилиш бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб боришни талаб этади.

Мамлакатимизда парламент назорати институтининг умумий ҳуқуқий асослари тўлиқ шакллантирилган бўлса-да, уни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасида амалдаги миллий қонунчилигимизда қатор ҳуқуқий бўшлиқлар учрайди. Хусусан, қайд этиш жоизки, “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунда бевосита парламент назорати шакллари аниқ кўрсатилган бўлса-да, уларни амалга оширишни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ масалалар батафсил ўз ифодасини топмаган. Бундай ҳолатни бевосита юқорида қайд этилган Қонунда белгиланган парламент назоратининг асосий шаклларида бири бўлган қонун ҳужжатларининг ижросини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари томонидан ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан улар томонидан мониторингни амалга ошириш шаклида кўришимиз мумкин.

“Парламент назорати тўғрисида”ги Қонун 17-моддасида белгиланган нормада Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга ошириши, мониторингни амалга ошириш яқунлари Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қўмиталари мажлисларида кўриб чиқилиши мумкинлиги қайд этилган.

Ўз навбатида эса, юқорида қайд этилган Қонунда ҳам парламент палаталари фаолиятига тааллуқли бўлган амалдаги бошқа қонун ҳужжатларида янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга ошириш механизми белгиланмаган. Хусусан, 2015 йилнинг 29 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонунига айнан янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширишга бағишланган норма киритилган бўлиб, унда Қонунчилик палатаси қўмиталари вақти-вақти билан қонунларнинг ва

Қонунчилик палатаси қарорларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш доирасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиши ҳамда янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга ошириши қайд этилган ҳолос.

Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 29 январдаги Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти”нинг 243-моддасида ҳам айнан қўмиталар вақти-вақти билан қонунларнинг ва Қонунчилик палатаси қарорларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш доирасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиши ҳамда янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга ошириши ҳақидаги норма белгиланган. Эътиборли жиҳати, айнан қонуности ҳужжатларининг айниқса, янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан Қонунчилик палатасининг мониторингни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби аниқ белгиланмаган.

Фикримизча, санаб ўтилган ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш бевосита “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонун ва бошқа тегишли қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни тақозо этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Hironori Yamamoto. Tools for parliamentary oversight: A comparative study of 88 national parliaments. - Inter-Parliamentary Union 2007. – Switzerland. – P.6.

2. Ответственность правительства перед парламентом: политико-правовой концепт. Актуальные проблемы развития парламентаризма на современном этапе демократических реформ. Сборник статей и информационно-аналитических материалов / под общей редакцией к.ю.н. Ф.Э.Мухамедова – Ташкент: Институт мониторинга действующего законодательства при Президенте Республики Узбекистан, 2016 – 33 с.

3. Ўзбекистон Республикасининг 24.04.2003 й. 470-II-сон “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни. “Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами”, 2003 й., 9-10-сон, 67-модда.

4. Ўзбекистон Республикасининг 18.04.2011 й. ЎРҚ-284-сон “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, 4-сон, 100-модда.

5. Ўзбекистон Республикасининг 16.04.2014 й. ЎРҚ-366-сон “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Қонуни. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, 2014 йил, 4-сон, 85-модда

6. Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуни. 11.04.2016 й. ЎРҚ-403-сон. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2016 йил 18 апрель, 15-сон, 141-модда

7. www.ipu.org – официальный веб-сайт Межпарламентского союза

8. Ўзбекистон Республикасининг “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуни. 11.04.2016 й. ЎРҚ-403-сон. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2016 йил 18 апрель, 15-сон, 141-модда

9. Joel D. Aberbach, Keeping a Watchful Eye: The Politics of Congressional Oversight (Washington, DC: The Brookings Institution, 1990). – P.2.

10. Коровникова Е.А. Отрешение от должности как форма парламентского контроля // Конституционное и муниципальное право. - 2007. - № 17. - С.18-22; Чиркин В.Е. Конституционное право: Россия и зарубежный опыт. – М., 1998. - С. 359.; Maffio R. (2002) “Quis custodiet ipsos custodes? Il controllo parlamentare dell’attivitа’ di governo in prospettiva comparata”, Quaderni di Scienza Politica, vol. 9, n. 2, pp. 333-383.; Pennings P.J.M. (2000). Parliamentary control of the executive in 47 democracies. ECPR Joint Sessions: Copenhagen (2000, April 14 - 2000, April 19).

11. Morton Rosenberg. The Constitution Project, When Congress Comes Calling: A Primer on the Principles, Practices, and Pragmatics of Legislative Inquiry (2009); Anirudh Burman. Legal framework for the parliamentary oversight of the executive in India // Nujs Law Review. Vol.3. (2013); Контрольные функции Парламента: зарубежный опыт и казахстанская специфика в новом конституционном поле (Аналитическая записка) / <http://www.ipd.kz>; Чиркин В.Е. Конституционное право: Россия и зарубежный опыт. – М., 1998. - С. 359.

12. Pelizzo R., Stapenhurst R. and Olson D. Trends in parliamentary oversight. World Bank Institute (2004) // URL: <http://www.siteresources.worldbank.org> (дата обращения: 09.06.2016).

13. Зубарев А.С. Контроль Государственной Думы Федерального Собрания Российской Федерации за деятельностью федеральных органов исполнительной власти: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Белгород: БГНИУ, 2015. – С. 11.

14. Steffani W.F. Verfahren und Wirkungen der Parlamentarischen Kontrolle // Parlamentsrecht und Parlamentspraxis in der Bundesrepublik Deutschland. – Berlin; N. Y., 1989. – S. 1325.

15. Walter J. Oleszek. Congressional Oversight: An Overview // Congressional Research Service. 7-5700 URL: <http://www.crs.gov.R41079> (дата обращения: 09.06.2016).

Ф.Х.Рахимов,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академияси кафедра профссори, юридик фанлар
доктори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Аннотация: мақолада хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва мустаҳкамлашнинг янги йўналишларини очиб берган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил этилган. Ўзбекистон Республикасида гендер тенглиги тамойилининг ҳуқуқий асоси ва механизмлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: гендер тенглиги, хотин-қизлар ҳуқуқлари, Ҳаракатлар стратегияси, гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия.

Аннотация: в статье проанализированы нормативно-правовые акты, раскрывающие новые направления обеспечения и укрепления прав женщин. А также, освещены правовые основы и механизмы принципа гендерного равенства в Республике Узбекистан.

Ключие слова: гендерное равенство, права женщин, Стратегия действий, комиссия по вопросам обеспечения гендерного равенства.

Annotation: The article analyzes the legal acts that reveal new areas of ensuring and strengthening the rights of women, besides that the legal framework and mechanisms of the principle of gender equality in the Republic of Uzbekistan are highlighted in this article.

Key words: gender equality, the rights of women, Strategy of action, Gender Equality Commission.

Ўзбекистон Республикасида 2019 йил 22 сентябрга қадар инсоният жамиятида алоҳида аҳамиятга эга бўлган, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлайдиган, жамиятдаги ижтимоий ўрнини ҳимоя қиладиган, эркаклар билан тенг ҳуқуқли муносабатларни тартибга солидиган яхлит ҳужжат қабул қилинмаган эди. Ҳуқуқ тизимидаги ушбу бўшлиқ ҳам тўлдирилди ва “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар белгилангани неча йиллардан буён айтиб келинди, аммо уни махсус қонун билан мустаҳкамланган асоси йўқ эди. Ушбу қонун жамиятда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни мақсад қилади. Барча ҳолларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқни таъминлашни гендер тенглиги деб баҳоланади ва қонун гендер сўзининг тушунчасини ҳам очиб берган. Унга кўра гендер - хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати ҳисобланади.

Қонунда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси,

шунингдек барча давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширишлари белгиланди. Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия янги тузилма бўлиб, унинг ваколатлари ҳам қонунда алоҳида моддада кўрсатилган. Комиссиянинг ваколатлари жуда ҳам кенг бўлиб уни самарали амалга ошириш мамлакатда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқларни таъминлайди. Ушбу комиссия ваколатига жумладан қуйидагилар киритилган:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий тенглигига эришиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг равишда ижтимоий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўради;

жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситилганлиги муносабати билан ҳаётида оғир вазиятга тушиб қолган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус муассасаларни ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўриш ва уларни бекор қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ишларнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ахборот тақдим этиш каби масалалар. Бу каби кенг ҳажмдаги ваколатларни амалга ошириш комиссиядан масъулиятни ҳам талаб этади. Бу ваколатларнинг тўлиқ ижро этилиши мамлакатда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни юқори савияга кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу билан бирга, Комиссия ваколатига киритилган жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасида илмий тадқиқотларни ташкил этиш юзасидан амалга ошириши қонунда белгиланган қоидаларни ижро этишни такомиллашиб боришига йўл очиб беради.

Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлиги хусусида гап юритилганда асосан уларнинг давлат хизмати соҳасидаги имкониятлари эътиборга олинади. Уларнинг имкониятлари кафолатларини таъминлаш ва давлат хизматидаги лавозимларни эгаллаш учун танловларда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этиши қонуннинг 3-бобида ёритиб берилган. Қонун давлат органлари олдида ушбу масалаларни ижросини таъминлашни қўйиб, ўзи ҳам бунга маъсуллигини тўғридан-тўғри эътироф этади.

Таъкидлаш лозимки, қонун хотин-қизлар ва эркакларнинг ижтимоий ҳаётдаги кўплаб йўналишлардаги тенглигини таъминлашни қонунда кенг тарзда ва бир неча моддада алоҳида-алоҳида

қайд этади. Хусусан, давлат сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда, иқтисодий соҳада ҳамда тадбиркорлик фаолиятида, меҳнат муносабатларида, жамоа шартномалари ва келишувларида, оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида, уй меҳнатини бажаришда тенг муносабатлар, таълим, илм-фан ҳамда маданият соҳасида, соғлиқни сақлаш соҳасида тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланишини кафолатлайди.

Санаб ўтилган соҳалар жамиятнинг барча ижтимоий-иқтисодий ва бошқа жабҳаларини қамраб олган бўлиб хотин-қизлар бу соҳаларда эркаклар билан тенг равишда иштирок этишларини давлат сиёсати этиб белгиланган. Давлат хизматидаги лавозимларни, шу жумладан раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун танловда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этиши таъминланиши кераклиги қонун белгилаб берди.

Ҳозирги кунда юқорида қайд этилган соҳалардан бирортаси йўқки, хотин-қизлар эркаклардан кам равишда бу соҳаларда фаолият юритаётган бўлса. Улар эришган ютуқлари натижаларида элга танилиб, мамлакат миқёсидаги юксак мукофотларга сазовор бўлишяпти. Кундан-кун хотин-қизларнинг давлат ишларида, айниқса уларнинг давлат бошқарувидаги иштироки кенгайиб бормоқда. Ушбу йўналишдаги мамлакатда олиб борилаётган ишлар кўлами оммавий ахборот воситаларидан мунтазам бериб бориляпти. Янги қонунда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган.

Таъкидлаш жойизки, давлат хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масаласини сиёсат даражасига кўтариб уни қонун асосида белгилаб олди.

Қонунда, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат тарзда акс этган:

мазкур соҳадаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар маданиятини шакллантириш;

жамият ва давлат ишларини бошқаришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш;

меҳнатга оид ва оилавий мажбуриятларни бирга бажаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

оилани, болаликни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, масъулиятли оналик ва оталикни шакллантириш;

жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга қаратилган ахборотдан жамиятни ҳимоя қилиш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш мақсадида миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда самарали ҳамкорликни ривожлантириш каби яна қатор йўналишлар.

Ушбу йўналишларда назарга тутилган масалаларни, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаб беришни ўз зиммасига олган давлат сифатида Ўзбекистон давлати ўзини намоён этмоқда. Бундай йўлни танлаган ва бу каби нуфузга эга ҳар бир давлатнинг маъсулияти ҳам катта бўлади. Яъни бу давлатлар ушбу соҳада доимий

тарзда амалга ошираётган ишлари билан уни исботлаб боришлари талаб этилади. Яъни, давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгиланган соҳалар юзасидан катта-катта тадбирларни, кенг кўламли амалга оширишлари тақазо этилади. Улардан соҳадаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бевосита жамоатчиликни жалб этиш орқали ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таъкидлаш жойизки, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашда нафақат давлат органлари балки қонуннинг 15-моддасида белгиланганидек фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки белгилаб қўйилган. Кўриниб турганидан аниқлаш лозимки, хотин-қизларни жамиятда эркаклар билан тенг ҳуқуқларини таъминлаш нафақат давлат органлари, балки жамоат ташкилотларининг ҳам бу жараёнларда иштирок этишлари қонунда қайд этилган.

Булардан ташқари мамлакатимизда қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” да хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш алоҳида йўналиш сифатида белгиланди.

Унга кўра “Ҳаракатлар стратегияси”нинг 4.2-банди аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга бағишланган.

Узоқ муддатга мўлжалланган ушбу ҳужжатда назарда тутилган тадбирлар хусусан, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш, улар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга доир қўллаб-қўллаш ишлар амалга оширилмоқда.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенглигини тизимли равишда амалга оширишни таъминлаш мақсадида қонунда Давлат статистика органлари томонидан гендер кўрсаткичлари асосида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолатини акс эттирадиган статистик ахборотни йиғишни, унга ишлов беришни, уни тўплашни, сақлашни, таҳлил қилишни ва эълон қилишни амалга ошириш назарда тутилди.

Маълумки гендер статистикаси асосида тўпланган статистик маълумотлар давлат органларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқни таъминлаш йўналишидаги фаолиятини такомиллаштириш, ривожлантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, қонун билан амалиётга киритилган гендер статистикаси, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга ошириш юклатилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, шунингдек давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида фойдаланадилар.

Гендер статистикаси давлатнинг бу йўналишдаги фаолиятини таҳлиллар асосида олиб бориш, долзарб

соҳаларни аниқлаш, улар юзасидан режаларни белгилаш каби масалаларни ҳал этишда муҳим ўринга эга бўлади.

Ушбу Қонун яна бир муҳим масала юзасидан қоида белгиланган. Бу - қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларини гендер-ҳуқуқий экспертизасидан ўтказишни назарда тутувчи нормани қонунга киритилиши билан боғлиқ. Эътироф этиш лозимки, амалдаги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расман гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаган.

Шу билан бирга, уларда гендер тенглигини бузувчи қоидалар мавжудлиги аниқланган эмас. Қонуншуноснинг бу соҳадаги фаолияти қонунларни янада асосли қабул қилинишига хизмат қилиши шубҳасиз. Қабул қилинган ушбу Қонунга асосан, барча қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар гендер экспертизасидан ўтказиш ўрнатилди.

Гендер экспертизасининг мақсади норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг лойиҳасининг хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлигини аниқлаш, номувофиқлик аниқланган тақдирда, гендер-ҳуқуқий экспертиза хулосаси ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиққан ёки қабул қилган органга кўриб чиқиш учун юбориш белгиланди.

Қонун билан жамият ҳаётидаги муҳим масалалардан бири бўлган давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашни тартибга солиниши мамлакатдаги хотин-қизларга эркеклар билан тенг шароитларда ва ҳеч бир камситишсиз халқро миқёсда давлатнинг вакили бўлиш ҳамда халқро ташкилотлар ишида иштирок этиш имкониятини ҳам кафолатлаб берди.

Яъни, давлат хизматчилари лавозимларини эгаллаш учун кадрлар захирасини шакллантириш, уларнинг хизматда кўтарилиши хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланган ҳолда амалга оширилади. Давлат органлари раҳбарлари лавозимларига кадрлар захирасини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилигига риоя этилиши зарур эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, хотин-қизларни ижтимоий ҳуқуқларидан энг муҳими бўлган ишлаш ва меҳнат муносабатларига доир бўлган масалалар юзасидан қоидалар такомиллаштирилди.

Бундан ташқари, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтиришга қаратилган янги норма киритилиши қонунчиликда муҳим янгилик бўлди.

Хусусан, Қонуннинг 28-моддасида хотин-қизлар учун жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш фактлари устидан шикоят қилишлари мумкинлиги белгиланди.

Унга кўра, агар шахс ўзини жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган деб ҳисобласа, ваколатли органларга ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Бунда жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишга дучор этилган шахсдан давлат божи ундирилмаслиги белгиланди.

Яна бир эътиборли жойи шундаки, хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги тўғрисидаги ишларни судларда кўриш чоғида адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик

хизматларга ҳақ тўлаш ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ушбу шахсларнинг ўз хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланади.

Қонуннинг асосий қоидаларидан бири унинг 5-моддасида белгиланган “Жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик” ни назарда тутувчи норма. Ушбу Қонун ва бошқа кўплаб норматив ҳужжатларда хотин-қизларнинг камситишни олдини олиш бўйича талаблар мавжуд. Худди шунингдек, бундай норма Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” дейилган.

Бевосита хотин-қизларнинг ҳуқуқларига тегишли 46-моддада эса, “Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар.” деб қайд этилган. Ушбу Конституциявий нормаларни ижро этишни таъминлаш юзасидан “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Юқорида қайд этилган барча соҳаларда хотин-қизлар ва эркекларнинг тенглигини таъминлашга қаратилган қоидалар билан бирга хотин-қизларни жинси бўйича ўзига хослигини таъкидлайдиган муносабатлар ҳам мавжудлигини ушбу Қонун кўрсатиб ўтди. Яъни хотин-қизларга жинс бўйича камситиш ҳисобланмайдиган муносабатлар қонунда мукамал тарзда баён этилган.

Улардан:

бола туғиш ва она сути билан озиқлантириш вазибалари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда фарқларни белгилаш;

қонунда белгиланган тартибда муддатли ҳарбий хизматга чақириш;

ушбу мажбуриятлар фақат муайян жинсдаги шахслар томонидан бажарилиши мумкинлигига асосланган ҳолда касбий малакага доир тавсиялар бериш;

қамоқда сақлаш, жазони ижро этиш жойларида сақлаш тартиби ва шартларини ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини тартибга солишда фарқларни белгилаш кабилар.

Қабул қилинган ушбу Қонун мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашни тартибга солинишига, хотин-қизларга эркеклар билан тенг шароитларда давлат хизматида бўлишларига ҳуқуқий асослардан бири бўлади.

Б.Б.Қодиров,

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ташкилий-кадрлар бошқармаси бошлиғи, юридик
фанлар доктори

НОДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада нодавлат олий таълим муассасаларининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган ва улар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: нодавлат таълим муассасаси, олий таълим муассасалари, таълим бошқаруви органи, нотижорат ташкилот.

Аннотация: в статье освещены особенности негосударственных высших образовательных учреждений и проанализированы нормативно-правовые акты правового регулирования их деятельности.

Ключевые слова: негосударственное образовательное учреждение, высшие образовательные учреждения, орган управления образования, некоммерческая организация.

Annotation: the article highlights the features of non-state higher educational institutions and analyzes the regulatory legal acts of legal regulation of their activities.

Keywords: non-state educational institution, higher education institutions, education management body, non-profit organization.

Маълумки, олий таълим муассасалари ижтимоий-маданий соҳада фаолият юритувчи, ижро ҳокимиятининг муайян бир республика бошқаруви органи тасарруфида ёки таълим бошқаруви органлари билан фақат тегишли муносабатларда бўлган (нодавлат, хусусий таълим муассасаси) нотижорат ташкилот сифатида фаолият кўрсатувчи юридик шахс ҳисобланади. Олий таълим муассасаси жисмоний шахсларга олий таълим соҳасида таълим хизматларини кўрсатиш орқали давлатнинг ижтимоий вазифаларини амалга оширади.

Олий таълим муассасалари нотижорат ташкилот сифатида ўзларининг юридик шахс сифатидаги маъмурий-ҳуқуқий тавсифларини турлича намоён қилади. Олий таълим муассасаларининг хусусиятларини уларнинг фаолият кўрсатишида турли давлат органлари, идоралари билан ўзаро ҳамкорлиги орқали кўриш мумкин. Нодавлат олий таълим муассасаси мақоми айрим ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси бўлиш билан бир қаторда ушбу муносабатларга киришиш мажбуриятини назарда тутди. Масалан, таълим фаолиятини лицензиялаш ҳуқуқий муносабат ҳисобланади ва мажбурий хусусиятга эга.

Хорижий олимлар томонидан нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, уларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришга оид илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, уларнинг турлича қарашлари мавжуд.

Т.А. Владыкина олий таълим муассасаси шу жумладан, нодавлат олий таълим муассасалари тушунчаси маълум даражада чегаралаб қўйилган, уларнинг олий таълим муассасалари ўртасидаги ўрни

унчалик кўзга ташланмайди, яъни маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда субъект сифатида иштироки сезилмайди, дея таъкидлайди. Муаллифнинг олий таълим муассасаси тушунчасини белгилашда фуқаролик-ҳуқуқий нуқтаи назаридан қуйидаги элементлар асосида ёндашганлиги кўзга ташланади: 1) нотижорат ташкилот; 2) лицензияга эга эканлиги; 3) олий таълим дастурларини амалга ошириши; 4) таъсисчиси томонидан молиялаштириши [1].

О.А. Рекрут томонидан нодавлат олий таълим муассасаларининг ҳуқуқий мақомига оид изланишлар олиб борилган бўлиб, тадқиқотчи таълим қонунчилигига нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини тартибга солишга қаратилган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, уларнинг фаолиятини давлат бошқаруви органининг норматив-ҳуқуқий ҳужжати билан эмас, балки «Таълим тўғрисида»ги қонун нормалари асосида тартибга солиниши ва аккредитацияси амалга оширилишини таклиф этади [2].

Бизнингча, нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини тартибга солишнинг аниқ, очиқ ва шаффоф механизмларини ишлаб чиқиш зарур, негаки, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, хусусий олий таълим муассасасини ташкил этишининг содда тартиби жорий этилса, давлат олий таълим муассасалари билан нодавлат олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳити яратилади.

Хусусий муассасалар томонидан (фуқаролар ва ташкилотлар) ташкил этиладиган олий таълим муассасалари қайсидир бир бошқарув органи тизимига кирмайди, уларнинг маъмурий алоқалари хусусий мулкдор доирасида бўлади ва улар фақат жуда чекланган мувофиқлаштирувчи хусусиятга эга масалалар доирасидагина соҳавий давлат органлари билан ўзаро муносабатга киришади. Нодавлат олий таълим муассасаси бошқарув органлари билан алоқаси доимий бўлмай, олий таълим муассасаси ҳолатига боғлиқ бўлмаган ва мажбурий жиҳатдан амалга ошириладиган (рўйхатга олиш, лицензиялаш, давлат аккредитацияси ва бошқа ш.к.) ҳолларда маъмурий муносабатга киришади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни 4-моддасида билим олиш ҳуқуқи давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш орқали таъминланиши белгиланган. Шунингдек, ушбу қонуннинг 6-моддасига мувофиқ нодавлат таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади [3].

Бу борада нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш, таълимнинг юқори сифатини таъминлашда давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, шунингдек, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги юридик шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3276-сон қарори [4] қабул қилинган.

Мазкур қарорга берилган шарҳда келтирилишича, хорижий тажрибалар давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат фуқароларнинг сифатли таълим олишга бўлган

ҳуқуқини рўёбга чиқаришга хизмат қилишини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам бир қатор ривожланган хорижий мамлакатларда нодавлат таълим секторининг умумий ўрта таълимдаги улуши салмоқли бўлиб, Германияда 12 фоизни, Францияда 17 фоизни, АҚШда 18 фоизни, Буюк Британияда 20 фоизни, Испания, Ирландия ва Голландияда 30 фоизни ташкил этади [5].

Ушбу қарор ижросини таъминлаш, шунингдек, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган юридик шахслар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилаётган таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, мазкур фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ҳамда нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартибини соддалаштириш орқали лицензия даъвогарларига қулай имкониятлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 мартдаги «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 241-сон қарори [6] қабул қилиниб, ушбу қарор билан «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида низом» тасдиқланди.

Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни ташкил этиш учун юридик шахсларга лицензия бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади ва нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахсларга таълимнинг ҳар бир тури учун алоҳида лицензия берилади.

Низомнинг 5-бандида нодавлат таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар фаолиятини амалга оширишдаги лицензия талаблари ва шартлари белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонун ва қонуности ҳужжатларига мажбурий риоя қилиш, таълим-тарбия жараёнини давлат таълим стандартларига (давлат талабларига), ўқув режаларига ва таълим дастурларига мувофиқ ташкил этиш, зарур дарсликлар, ўқув-методик адабиётлар ва бошқа кутубхона-ахборот ресурслари ҳамда воситалари билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг қобилиятли ва иқтидорли фарзандларини танлов асосида муассасадаги жами тарбияланувчилар, ўқувчилар умумий сонининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бепул ўқишга қабул қилиш, битирувчиларга белгиланган тартибда таълим тўғрисида ҳужжат бериш каби талаблар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, таълим тизими бошқаруви ва ваколатли органлар лицензия шартлари ва талабларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилади.

Хорижий мамлакатлар олий таълим тизимига назар солсак, Германияда жами 370 дан ортиқ олий таълим муассасалари мавжуд бўлса, шулардан 60 дан ортиғи давлат талабларига жавоб берадиган нодавлат (хусусий) ҳисобланади. Уларни молиялаштириш асосан хусусий фирмалар ва фондлар томонидан амалга оширилади. Нодавлат (хусусий) олий таълим

муассасаларида ўқиш пулли ҳисобланади ва тўлиқ курс учун тўлов тахминан 15 минг евродан бошланади. Германияда давлат олий таълим муассасаларига нисбатан нодавлат олий таълим муассасаларига талабалар камроқ ўқишга қабул қилинадилар [7].

Америка Қўшма Штатларида эса 4 мингдан ортиқ олий таълим муассасалари мавжуд бўлиб, уларнинг асосий қисми нодавлат (хусусий) олий таълим муассасалари ҳисобланади. Гарвард, Принстон, Йель, Колумбия, Пенсильвания университетлари, шунингдек, Массачусет, Калифорния технология институтлари ва шу каби дунёга машҳур олий таълим муассасалари шулар жумласидандир [8].

Россия Федерацияси олий таълимнинг нодавлат сектори фаолияти 1992 йилда қабул қилинган таълим қонунчилиги билан тартибга солинган бўлиб, Россияда бу турдаги олий таълим муассасалари XXI асрнинг бошларида вужудга кела бошлаган. Уша даврда 60 дан ортиқ нодавлат олий таълим муассасалари фаолият кўрсатган [9]. Бугунги кунда Россияда жами 1097 та олий таълим муассасалари фаолият кўрсатаётган бўлса, шулардан 193 таси нодавлат ҳисобланади [10].

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонун қабул қилинганига 20 йилдан ортиқ вақт ўтганига қарамаздан нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини тартибга солишга қаратилган аниқ ҳуқуқий механизмлар яратилмаган. Қабул қилинган барча ҳужжатлар асосан мактабгача ва умумий ўрта таълим тизимига йўналтирилган. Сўнгги йилларда нодавлат шаклида фаолият кўрсатаётганлари хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилган олий таълим муассасалари ҳисобланар эди. Бугунги кунда республикада маҳаллий нодавлат олий таълим муассасаларини ташкил этиш кенгаймоқда.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига мувофиқ олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш бўйича «олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари, шунингдек инвестицияларни жалб қилган ҳолда нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиаллари фаолиятини ташкил этиш орқали олий таълимда рақобат муҳитини яратиш» [11] тадбирларини амалга ошириш белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида нодавлат олий таълим муассасаларининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги билан боғлиқ қоидаларни белгилаш лозим.

Дарҳақиқат, давлат томонидан олий таълим учун жуда катта миқдордаги маблағлар, шу жумладан, моддий-техник базани мустақамлаш, иш ҳақи, стипендиялар тўловлари ва ҳ.к. учун ажратилади. Нодавлат олий таълим муассасалари эса фарқли ўлароқ, талабаларга стипендия тўламаслиги туфайли тўлов-контрактдан тушган маблағларни асосан моддий-техник базани ривожлантиришга сарфлайди ва талабалар учун яратилган шарт-шароитлар давлат олий таълим муассасаларидаги шароитларга нисбатан яхшироқ бўлади. Шу боис, дунё тажрибасидан келиб чиқиб, нодавлат олий таълим муассасаларининг кенгайиши рақобат муҳити шаклланиши учун имконият яратилишига олиб келади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Владыкина Т.А. Высшее учебное заведение как субъект гражданского права: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2003.
2. Рекрут О.А. Административно-правовой статус негосударственных высших учебных заведений в Российской Федерации: Дисс... канд. юрид. наук. – Саратов, 2003.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 9, – 225-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 38-сон, 1033-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 38-сон, 1033-модда.
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.03.2018 й., 09/18/241/0960-сон, 06.06.2018 й., 09/18/408/1315-сон.
7. Частные ВУЗы в Германии // <http://www.de-portal.com/ru/ucheba-v-germanii/chastnye-vuzy-v-germanii.html>.
8. Высшее образование в США // https://prousa.info/us_higher_education.
9. Негосударственные вузы в российской системе образования: проблемы статусной идентификации. Фундаментальные исследования. Научный журнал. // <https://www.fundamental-research.ru/ru/article/view?id>.
10. Число вузов в России сократилось наполовину // <http://47news.ru/articles/133933/>.
11. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон

Х.Т.Одилқориев,

Юристлар малакасини ошириш маркази “Давлат ва жамият қурилиши” кафедраси мудири, юридик фанлари доктори, профессор

**СУД–ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ: ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Аннотация: мазкур мақолада суд ҳокимиятининг хусусиятлари, судьялар мустақиллигини таъминлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида таҳлил қилинган. Мақола якунида муаллиф томонидан илмий асосланган назарий ва амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: судья, суд ҳокимияти, суд мустақиллиги, демократия, суд-ҳуқуқ тизими, одил судлов.

Аннотация: в данной статье были проанализированы признаки судебной власти, вопросы обеспечения независимости судей на основе анализа норм законодательства Республики Узбекистан и международного права. В конце статьи автором были разработаны научно обоснованные теоретические и практические предложения и рекомендации.

Ключевые слова: судья, судебная власть, независимость суда, демократия, судебно-правовая система, правосудие.

Annotation: this article analyzes the features of the judiciary, issues of ensuring the independence of judges based on the analysis of the legislation of the Republic of Uzbekistan and international law. At the end of the article, the author developed scientifically based theoretical and practical suggestions and recommendations.

Key words: judge, judicial power, independence of the court, democracy, judicial and legal system, justice.

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш – суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суд тизимини демократлаштириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш мазкур соҳадаги ислохотларнинг устувор йўналиши этиб белгиланди. Бу чуқур рамзий маънога эга. Чунки, суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғи бўлиб, у жамият ҳаётида одил судловни амалга оширишга сафарбар этилган. Одил судлов ўз моҳиятига кўра, давлат фаолияти ҳисобланади, бунда ваколатли суд муассасаси ҳуқуқ нормалари талабларини бузиш оқибатида келиб чиқувчи низоли ҳолатларни муҳокама этиб, тегишли ҳуқуқий ечим топади. Демократик ҳуқуқий давлатда қонун давлат идоралари, фуқароларнинг турли-туман уюшмалари ва алоҳида шахслар ўртасидаги муносабатларнинг мезонидир. Мазкур муносабатларнинг қонун доирасида кечишини ва ҳал этилишини таъминлаш суд ҳокимияти зиммасига юклатилган. Одил

судловнинг олий мақсади: куч ва зўравонлик ғоясини – ҳуқуқ ва адолат ғоялари билан алмаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида алоҳида урғу бериб таъкидлаганидек, “Судларнинг асосий вазифаси адолатни қарор топтиришдан иборат. Бунинг учун суд ҳар бир иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариши лозим” [1; 42-б].

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги унинг қуйидаги хусусиятларида намоён бўлади:

– суд ҳокимияти алоҳида давлат органлари – судлар томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасидаги судлар йиғиндиси суд тизимини, суд ҳокимиятини ташкил этади;

– суд ҳокимияти, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, фуқаровий, жиноий, маъмурий ва иқтисодий судлов ишларини юритиш орқали амалга оширилади;

– суд ҳокимияти аниқ белгиланган процессуал шаклларга (тегишли ҳуқуқий таомилларга) биноан амалга оширилади;

– суд ҳокимияти органларининг қарорларини ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари назорат қилиши мумкин эмас.

Шунингдек, судларнинг фақат уларгагина хос бўлган ушбу сифатларини таъкидлаш жоиз:

биринчидан, судлов фаолияти давлат номидан амалга оширилади;

иккинчидан, судлов махсус тартибда ташкил этилган (сайланган ёки тайинланган) муассасалар томонидан амалга оширилади (масалан, суднинг ҳукми ва ҳал қилув қарори “Ўзбекистон Республикаси номи билан” деб эълон қилинади);

учинчидан, судлар ўз фаолиятида фақат қонунга бўйсундилар ҳамда фуқаролик, маъмурий, жиноий, иқтисодий ва бошқа ишларни қонунда белгиланган процессуал тартибда ҳал этадилар;

тўртинчидан, судлар бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақил фаолият юритадилар;

бешинчидан, суд танҳолик билан таърифланади, яъни давлатнинг бошқа ҳеч қайси идораси судлов функцияларини ўз зиммасига ололмайди; фақат суд давлат номидан мажбурлов ваколатларини амалга оширади;

олтинчидан, суд ҳокимияти тўлақонли ва қатъийдир, яъни суднинг қонуний қарори (ҳукми) барча учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг фаолияти ижтимоий адолат, ҳуқуқий тартибот, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишга қаратилган. Суд – ҳокимиятнинг мустақил тармоғидир. Давлат ва жамиятнинг обрўси суд органлари ҳамда судьяларнинг қонун меъёрларига қанчалик риоя қилишига, улар қабул қилган қарорларнинг адолат меъёрларига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқдир.

Суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллиги одил судловнинг холислиги ва адолатлилигини таъминловчи муҳим принциплардан биридир. Конституциянинг 112-моддаси ва “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига биноан, судьялар мустақилдирлар, улар фақат қонунга бўйсундилар.

Судьяларнинг мустақиллиги, шунингдек, уларнинг бирон-бир партиёга мансуб бўлмаслиги билан ҳам таъминланади. Конституцияга мувофиқ, судьялар

сиёсий партиёлар ва ижтимоий ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

Судьяларнинг мустақиллиги – суд ҳокимияти тўсқинликсиз эркин рўёбга чиқиши ва судларнинг юксак нуфуз билан фаолият юритишининг муҳим шартидир. У қанчалик мустақил бўлса, қонун асосида иш юритса, одил судловни холис амалга ошириши, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиши шунчалик самарали бўлади. “Судлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун судьялар мустақиллигини таъминлашнинг муҳим кафолатларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев эътироф этгандек: “Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш учун, биринчи навбатда, судьяларни одил судловга таъсир ўтказадиган омиллардан ҳимоя қилиш керак. Тергов ва суд ишига аралашуш ҳолатларини аниқлаш, бунинг учун жавобгарликни кучайтириш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш ғоят муҳимдир.”

Судьяларнинг мустақиллиги қуйидагилар орқали таъминланади:

1) уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш;

2) уларнинг дахлсизлиги;

3) одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомилларнинг мавжудлиги;

4) қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишининг тақиқланиши;

5) судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик ўрнатилганлиги;

6) судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш (Қонуннинг 67-моддаси).

Давлат органлари ва барча корхона, муассаса, ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьяларни ҳурмат қилиши ва уларнинг мустақиллиги ҳамда дахлсизлигига риоя этиши шарт.

Судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, шунингдек, уни очиқдан-очиқ менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар қилиш қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади. “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 69-моддасига мувофиқ, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашушга йўл қўйилмайди. Шунингдек, ушбу моддада муайян ишни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга бирон-бир тарзда таъсир ўтказганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Суд ҳокимияти ва судьялар мустақиллигининг кафолатларидан яна бири – судьяларнинг дахлсизлиги таъминланишидир. БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 13 декабрдаги 40/146-сонли резолюцияси билан маъқулланган “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари” (айниқса унинг 16, 17 – 20-моддалари) судьяларнинг дахлсизлиги талабларини мустаҳкамлаган. Ушбу ҳужжатни суд органларининг ўзига хос конституцияси, дейиш мумкин. Зеро, мустақил суд тўғрисидаги талаб ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи ҳисобланади ва бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасига мос келади.

Судьянинг дахлсизлиги нафақат унинг шахсига, балки унинг турар жойига, хизмат хонасига, бойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир. Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг қатор моддаларида судьялар дахлсизлигининг асосий қафолатлари мустаҳкамланган.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббуслар асосида Ўзбекистон Конституциясининг суд тизимига ва бошқа шунга боғлиқ 80, 81, 83, 93, 107, 110 ва 112-моддаларига бир қатор янги қоидалар киритилди (2017 йил 6 апрель). Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди ва Олий суд фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд ишлари юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органига – Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди.

Мамлакат суд тизимида янги ҳисобланган иқтисодий ва маъмурий судлар жорий қилинди. Шунингдек, суд тизимида янги институт – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тузилиб, унинг ваколатларини белгиловчи алоҳида Қонун қабул қилинди [4]. Унга биноан Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судлари раисларини ҳамда судьяларини мустақил равишда лавозимга тайинлайди ҳамда лавозимдан озод қилади. Шунинг қайд этиш керакки, аввал бу тоифадаги судьялар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланар эди.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принцинга риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади. Кенгаш раис, раис ўринбосари, унинг аъзолари ва котибидан – жами йигирма бир нафар кишидан иборат таркибда судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан шакллантирилади.

Судьялар олий кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш асосида судьялар корпусини шакллантириш;

– судьялар дахлсизлиги бузилишининг ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

– судьяларни касбий тайёрлашни, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш, судьяларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш, шунингдек уларни рағбатлантириш бўйича ташаббус кўрсатиш ва бошқ.

Мазкур вазифаларни бажариш учун шундай ваколатларга эга бўлди:

– судьялик лавозимларига номзодларнинг заҳирасини шакллантиради;

– судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлашни ташкил этади;

– Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, раис ўринбосарлари ва судьялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьялари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади;

– вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари ва раис ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

– вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судларининг, ҳарбий судларнинг раисларини ва судьяларини лавозимга тайинлайди;

– судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқади ва материалларни судьяларнинг тегишли малака ҳайъатларига юборади, судьяларни жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортиш масалалари юзасидан хулоса беради;

– судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодларнинг, янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига номзодларнинг шахсий ва касбий сифатлари даражасини ўрганиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади ва бошқ. (Қонуннинг 7 – моддаси) [3].

Судьялар корпусини шакллантириш судьялик лавозимларига номзодларнинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқлари тенглиги асосида амалга оширилади.

Кенгаш мажлислари маслаҳатлашуви сир тутилади.

Кенгашнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинадиган қарорлари давлат органлари ва бошқа ташкилотлар учун мажбурийдир (17 – модда).

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг нуфузини янада оширишга, чинакам мустақиллигини таъминлашга, жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ҳамда қонун манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича судлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Жамиятда судларнинг аҳамияти ва нуфузини юксалтиришга мамлакат Президенти мунтазам эътибор қаратиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 июндаги судьялар ҳамжамияти вакиллари билан бўлиб ўтган учрашуви ва унда суд тизимининг вазифалари хусусида таҳлилий – дастурий нутқи бунинг ёрқин ифодасидир. Видеоконференцияда илгари сурилган вазифалардан келиб чиқиб, 2017 йил 6 июлда Ўзбекистон Республикаси судьялари Ўзбекистон Халқига мурожаат билан чиқди.

Президентимиз ўртага қўйган муҳим вазифалар қаторида судьяларнинг ўз фаолиятига масъулият билан ёндашиши, ишларни қонун ва адолат талаблари асосида кўрилиши, халқимиз кутаётган адолатли қарорлар қабул қилишга қодир, иродаси мустаҳкам, юксак касб ва маънавий фазилатларга эга бўлган суд ходимлари таркибини шакллантириш масалалари бор.

Ўзбекистон Республикаси судьяларининг мамлакатимиз халқига мурожаати бугунги кунда судьяларнинг ўз хизмат вазифаларини бекаму-кўст амалга оширишга қаратилган, ҳозирги замон талабларини инобатга олиб, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни ўта муҳим аҳамиятини ва

долзарблигини англаган ҳолда ўз зиммаларига олган масъулиятлари мажмуасидан иборат.

Ушбу масъулиятлар қўйидагилардан:

– кундалик фаолиятида халқ билан бевосита юзмаюз, очиқ мулоқот шаклларини кенгайтириш, фуқароларнинг муаммоларини ҳал этишда яқиндан ёрдам бериш орқали уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга ва ҳақиқатни қарор топтириш;

– ўз фаолиятларини яна бир бор қайтадан танқидий таҳлил қилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоясини таъминлашга, одил судловни амалга оширишдаги ғов-тўсиқларни таг-томири билан бартараф этиш, судни том маънода **“Адолат кўргони”**га айлантиришда бор билим ва тажрибамизни сафарбар этиш, судга борган ҳар бир фуқаро фақат адолат топишига кафолат бериш;

– ҳар бир инсоннинг тақдирини ҳал этишда онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида эса поклик устувор бўлиши;

– судьялик шаънига доғ туширадиган ҳар бир ғайриқонуний хатти-ҳаракатга **“фавқулдда ҳолат”** сифатида қараш, адолатга хиёнат қилган ходимларга нисбатан муросасиз курашишга ва сафларимиз софлигини таъминлаш;

– суд амалиётини доимий таҳлил қилиб бориш асосида қонун бузилишларни аниқлашга ҳамда ушбу соҳадаги камчиликларни қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш йўли билан бартараф этишга қаратилган кенг қамровли чоратadbирларни амалга ошириш;

– судьяларнинг ўз қасамёдига содиқ бўлишдан иборат.

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига кўра, судьяларнинг фаолияти уларнинг касбига муносиблиги нуқтаи назардан ўрганиш, судьялар фаолиятининг ахлоқий-маънавий мезонларини белгилаш, судьялар фаолиятини таҳлил этиш ва баҳолаш масалалари Кенгаш ваколатига киритилган. Шундан келиб чиқиб, Кенгаш 2017 йилнинг август ойида “Судьялар одоб-ахлоқ кодекси”ни тасдиқлади. Мазкур кодекс Ўзбекистон судьялари ўз касбий фаолиятини амалга оширишда қатъий риоя этиши лозим бўлган ахлоқий, маданий ва этик қоидалар, шунингдек уларнинг жамиятда ўзини юриш-туриши, хатти-ҳаракати билан атрофдагиларга ибрат намуналарини кўрсатишига оид мезонлар мажмуидир.

Судьялар олий кенгаши раиси Убайдулла Мингбоев ўзининг “Дунёдаги энг ноёб тушунча – бу адолат!” номли мақоласида судьяларимиз учун ибрат мактаби бўладиган қатор қимматли фикр – мулоҳазаларни билдирган. Жумладан, “Суд иши ўз табиатида кўра эзгу амал, адолатни қарор топтириш бўлгани учун қалбимиз беғубор, одилликка йўрилган бўлиши лозим”, – дейди [5].

Демак, адолат торозини тенг тутмоқ, ҳар ишда билим ва тафаккур билан етти ўлчаб, бир кесмоқ ҳар бир судьянинг ҳаётий маёғи ва инсоний маслағи бўлмоғи даркор.

Жамият шакллантирган ва сайқал топтирган кўплаб кадрятлар ҳуқуқий меъёрларда қонунлаштириб қўйилгани учун уларнинг аксарияти одил судлов орқали рўёбга чиқарилади. Мамлакатимизда судлов тизими ва ҳуқуқий тизимда кенг қамровли демократик ислохотлар амалга оширилаётган шароитда одил судловнинг ҳуқуқий маданияти хусусида сўз юритиш

ниҳоятда долзарб масаласидир. Шу боис судьяларнинг касбий ҳуқуқий маданияти фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятининг муҳим таркибий қисми сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳуқуқий маданият жамиятда тўпланган ҳуқуқий кадрятларни эътироф этиш, уларга риоя қилиш, уларни асраш ва ривож топтиришни назарда тутди. Ўтиборга молик воқелик шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган Концепцияда давлат хизматчиларининг, шу жумладан суд тизими ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида ургу берилган.

Судлар – жамият аъзоларига ҳуқуқий маданиятни сингдириш, тарбиялаш, шакллантириш ва юксалтиришда катта ўрин тутди. Ҳар бир суд жараёни катта тарбиявий ва маърифий аҳамиятга эга. Фуқаролар ўзгалар хатосидан хулоса чиқариб, қонунларни бузмаслик бобида ибрат оладилар. Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида Президентимиз таъкидлаганидек, “Судларнинг тарбиявий ролини кучайтириш, унинг фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, суд ҳукмларини қабул қилишда жамоатчилик фикрини инobatга олишга жиддий эътироф қаратилди” [1, 10-б].

Ҳуқуқий давлатчиликни қарор топтириш мақсадида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқий ислохотлар жараёнидаги муҳим вазифалардан бири суд ҳокимиятини амалга оширувчи шахсларга юксак ҳуқуқий маданият мезонларини, зарур касбий малака ва маҳоратни сингдиришдан иборат. Фикримизча, судьялар эга бўлиши лозим бўлган фазилатлар қўйидагилардан иборат:

– судловни амалга оширишда қатъиятlilik ва вазминлик; хотиржамлик ва совуққонлик; ўзгага ҳурмат, эҳтиёткорлик, ҳушёрлик ва тавозе; эҳтиросга берилмаслик ва жиззаки бўлмаслик; вазиятга баҳо беришда сермулоҳазалилик;

– суд жараёни иштирокчиларига кўполлик, дўқ-пўписа қилмаслик; хушмуомалалик, адолатпешалик, ҳақпарвар ва халқпарварлик; жабрдийда дардига эътиборlilik; ҳукм чиқаришда виждонга, ички эътиқодга, имонга таяниш.

Фуқароларнинг айбисизлик презумпцияси принципини судлов жараёнида қатъий таъминлаш судьянинг чуқур ахлоқийлилиги ва юксак ҳуқуқий маданиятига узвий боғлиқ.

Судларнинг фаолиятдан халқнинг мунтазам хабардор бўлиб туришида одил судлов ҳақидаги ахборотни олиш, уни аҳолига етказиш тизимини йўлга қўйиш муҳим ҳисобланади. Бунда судларнинг оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорлик қилиши, суд қарорларининг электрон маълумотлар базасини яратиш ва уларни тегишли веб-сайтларда, Интернет тармоқларида жойлаштириб, аҳолига етказиш самара беради. Бу иш судларни ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлашни янада жадаллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга иккинчи Мурожаатномасида “фақат суд – ҳуқуқ соҳасида олдимизда турган асосий устувор вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида,

судьялика номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш лозим.

Судьялар корпусини шакллантириш тизимини суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига тўлиқ мослаштириш, бу жараёнда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш зарур. Бунинг учун туман, шаҳар ва вилоят суди судьяларини танлаш ва тайинлаш вазифасини Судьялар олий кенгаши тўлиқ ўз зиммасига олиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада жамоатчилик фикри ва улар олдида ҳисобот бериш масаласи ўз ифодасини топиши зарур” [8].

Судлар фаолиятининг қонун имкон берган даражадаги очиқлигини (ошкоралигини) таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари орқали жамоатчилик назоратини жорий этиш ҳам уларни халққа яқинлаштиришга кўмак беради. Шунингдек, давлатимиз раҳбари судьялар билан учрашувда ва Олий Мажлисга Мурожаатномасида билдирган таклифлари асосида судьялар маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, таълим муассасаларида сайёр суд мажлисларини мунтазам ўтказиб бориши, самара беради. Биргина 2017 йилда судлар томонидан 373 минг 256 та иш кўриб чиқилган бўлса, шундан 169 минг 289 таси ёки 45 фоизи сайёр суд муҳокамаларида кўрилди [2; 10–11-б]. Барча судлар ўз амалиётлари юзасидан халқ депутатлари кенгашлари олдида ахборот бериши тартибини жорий этиш судлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда ўзига хос тизими яратилишига олиб келмоқда.

Ишларни назорат тартибиде кўриш муддатлари уч йилдан бир йилга қисқартирилди. Апелляция ва кассация инстанциялари босқичида иш юзасидан юқори суд инстанцияси томонидан якуний қарор чиқариш кафолатлари мустаҳкамланди. Чунки, илгари Олий суд масъулиятни ўз зиммасига олишни истамас эди. Янги тартиб жорий этилиши билан фуқароларимизнинг судма-суд оворая сарсон бўлиб юриши каби салбий амалиётга барҳам берилди.

Кўпчилик яхши билади, илгари қарийб 90 фоиз жиноий ишлар қайта терговга юборилар эди. Эндиликда судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш тартиби бекор қилинди. Бу эса суд ва тергов органларининг ҳақиқатни аниқлаш, шунингдек, қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилиш борасидаги масъулиятини оширди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жорий (2018) йилнинг 10 ойи давомида судлар томонидан 191 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди. Ҳолбуки, илгари битта оқлов ҳукми чиқариш ҳам судлар фаолиятида ўта кам учрайдиган ҳодиса эди.

Терговнинг сифати яхшиланиб, терговчилар масъулияти оширилди. Хусусан, шу давр мобайнида тергов органлари томонидан 238 та ҳолатда жиноий ҳодиса юз бермагани аниқланди. 302 та ҳолатда жавобгарликка тортиш муддати ўтгани, 370 та ҳолатда айбдорлар қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлгани инobatга олинди. 549 та ҳолатда қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотгани, 1 минг 636 та ҳолатда қилмишда жиноят таркиби йўқлиги исботланди. Ана шундай асосларга таяниб, 3,5 мингдан ортиқ жиноят иши тугатилди.

Ҳар бир ҳукмнинг қонуний ва адолатли бўлишини таъминлаш мақсадида жамоатчилик фикрини инobatга олиш амалиёти йўлга қўйилди. Маҳалла фуқаролар

йиғинлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман ва шаҳар кенгашлари, хотин-қизлар кўмиталари кафиллиги асосида судланувчиларга, айниқса, ёшларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари тайинланмоқда. Уларнинг тўғри йўлга қайтишлари учун яна бир бор имконият берилмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўзида маҳалла фуқаролар йиғинлари кафиллиги асосида – 152 нафар, Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида – 18 нафар, хотин-қизлар кўмиталари кафиллиги асосида – 3 нафар, жами 173 нафар фуқарога нисбатан жазо тайинлашда жамоатчилик кафиллиги эътиборга олинди. Бу фуқароларнинг 38 нафарини ёшлар, 18 нафарини вояга етмаганлар, 11 нафарини аёллар ташкил этади. Масалан, биргина Шайхонтоҳур туманида 15 нафар шахсга нисбатан жазо тайинлашда маҳалла фуқаролар йиғинларининг кафиллиги эътиборга олинди.

Ана шундай ишлар натижасида мамлакатимиз бўйича 63 нафар шахс суд залидан қамоқдан озод қилинди, 11 нафар шахс жавобгарликдан озод қилинди, 97 нафар шахсга нисбатан енгилроқ жазо тури қўлланди [1, 11–12-б].

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, энг аввало, жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 30 ноябрда “Суд – тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида” фармон қабул қилди [6]. Унда:

1. Қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай ва қатъий риоя этишга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг биринчи даражали эътибори қаратилсин, унга мувофиқ, қонун нормаларини аниқ ижро этиш ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекинмиш, қандай сабабларга кўра келиб чиққанидан қатъи назар, қонунийликни бузиш ҳисобланади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2. Процессуал қонунчиликни жиддий бузган ҳолда ёки ноқонуний услублар билан, шу жумладан:

жиноят процесси иштирокчилари ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш, психологик ва жисмоний тазйиқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёҳуд қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда;

гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини, шунингдек, таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқини бузган ҳолда;

мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган ҳоллардан ташқари, жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг тахмин, фараз ёки миш-мишларга асосланган кўрсатувларидан олинган ҳамда тегишли равишда юридик кучга эга бўлмаган маълумотлардан жиноят ишлари бўйича далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмасин;

Суд – тергов ҳаракатларини юритишнинг инновацион шакл ва услубларидан фойдаланишнинг, шунингдек, далиллар алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлашнинг илғор хорижий тажрибасини ўрганиш ҳамда таҳлил қилинсин, деб тавсия берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 13 июлда “Суд – ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишонччи ошириш чора –

тадбирлари тўғрисида”ги Фармонни қабул қилди [7]. Фармонда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги ва оқишга салбий таъсир кўрсатиб, кенг аҳоли орасида судга бўлган ишончнинг етарли даражада юқори эмаслигига сабаб бўлмоқда. Одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатларини кучайтириш мақсадида, қуйидаги ўзгаришларни амалга ошириш назарда тутилди:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад судларнинг қарор қабул қилишдаги масъулияти ва эътиборини ошириш, қарорларнинг қонуний ва асосланганлигини бўлишини таъминлашдан иборат. Бунда, албатта, шахсий дахлсизлик ва шахсий маълумотларнинг ошкор этилмаслиги тўла кафолатланади. Хусусан, эълон қилинаётган суд ҳужжатида фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар ўзгартирилади;

иккинчидан, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чорақда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш тартиби жорий қилинди.

Судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг ҳолислиги ва шаффофлигига ишончни ошириш мақсадида ҳар бир ҳудудда судьялар корпусини шакллантиришга кўмаклашувчи комиссия тузиш режалаштирилди.

Суд – ҳуқуқ соҳасидаги демократик ислоҳотларнинг самарасини янада теранроқ англаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди 2019 йилнинг тўққиз ойи давомида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан қилинган ишлар кўламинан кўйидаги фактларни келтириш кифоя. Бу давр мобайнида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 26 859 нафар шахсга нисбатан 20 627 та иш кўриб чиқилди. Мазкур кўрсаткичлар 2018 йилнинг шу даврига нисбатан шахслар бўйича 27,2 фоизга, ишлар бўйича эса 28,2 фоизга камайган. Жумладан, 576 нафар шахс оқланди ва реабилитация қилинди.

Судланган шахслар сони 20 818 нафарни ташкил этиб, шундан 5 300 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш ва 14 482 нафарига бошқа турдаги жазолар тайинланди, 1 036 нафар шахс шартли ҳукм қилинди. Судланганларнинг 18 429 нафари эркалар, 2 389 нафари аёллар, 8 036 нафари ёшлар (шу жумладан 378 нафари вояга етмаганлар) ва 674 нафари 60 ёшдан ошган шахслардир.

Шунингдек, 2 306 нафар шахс озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланиши муносабати билан суд залидан озод қилинди, 19 667 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 6 041 нафарига тайинланган жазоси енгилани билан алмаштирилди ва 5 116 нафар шахсга нисбатан дастлабки тергов органлари томонидан асоссиз равишда қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди ёки қайта малакаланди.

202 нафар шахсга Ёшлар иттифоқи, 175 нафар аёлга Хотин-қизлар кўмитаси ва 1 078 нафар шахсга маҳалла фуқаролар йиғинларининг кафолат хатлари асосида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Шу даврида ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида 4 613 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Ўтказилган 362,2 млрд. сўмдан зиёд моддий зарарнинг ўрнини қоплаган 2 327 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган. 9 869 та жиноят иши, яъни барча ишларнинг қарийб 47,9 фоизи сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган ислоҳотларга халқимизнинг муносабатини аниқлаш мақсадида “Ижтимоий фикр” жамоатчилиги Маркази 2018 йилда ўтказган социологик тадқиқоти натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Жамоатчилик фикри сўрови натижаларининг ишончли тарзда кўрсатишича, мамлакатнинг мутлақ, кўпчилик (81,5 фоизи) фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакат суд тизимини такомиллаштириш бўйича ташаббусини маъқуллайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар. Фуқаролар амалга оширилаётган суд тизимини ислоҳ қилиш суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаши, фуқароларнинг бирор-бир монеликсиз одил судловдан фойдаланишини таъминлаши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириши кераклигини англайдилар.

2. Тадқиқотнинг аниқлашича, ҳозирги вақтда суд тизими давлат ҳокимияти органларининг таъсиридан чиқарилганлигига ҳамда судлар ва судьяларнинг тўла мустақиллиги таъминланганлигига сўралган фуқароларнинг 39,9 фоизи қўшилади. Ҳар учинчи респондент (30 фоизи) судлар ҳали тўла мустақил ҳисобланмайди ва ҳокимият органлари вакиллари уларга таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблайди. 7.7 фоиз респондентларнинг фикрича, судларнинг мустақиллиги деярли таъминланмаган.

3. Сўров натижаларининг кўрсатишича, тадқиқ қилинган даврда судларнинг очиқлик даражасини илҳомий баҳоловчи респондентларнинг 34,8 фоизи уни тўла даражада очиқ ва шаффоф, деб ҳисоблашади. Сўралганларнинг 33,4 фоизи судлар ишини тўла даражада очиқ эмас, деб ҳисоблайди. Сўровда судларнинг фаолиятини “кам даражада очиқ”, шунингдек, уни “тўла ёпиқ”, деб ҳисобловчи респондентлар сонининг ўсиш тенденцияси қайд қилинди.

Шундай қилиб, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, янада кенгроқ кўламада олиб бориш жамиятимизда мустақил, адолатли суд ҳокимиятини қарор топтиришга кўмаклашади. Юқорида баён этилган барча ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар жамиятимизда суднинг юксак нуфузини таъминлашга, унинг самарали фаолият юритиши учун қўлай шарт-шароит яратишга қаратилган. Мустақил, холис, демократик суд тизимини вужудга келтириш пировардида инсон манфаатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли муҳофаза этишга, шу аснода ҳуқуқий давлатчилик асосларини шакллантиришга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2018, 42-бет.
2. Мирзиёев Ш.М.. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақкам пойдеворидир. – Т., 2018. – 80 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 11.09.2019 й., 03/19/566/3734 – сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14 – сон, 214 – модда.
5. “Инсон ва қонун”, 2019 йил 8 октябрь.
6. Халқ сўзи, 2017 йил 1 декабрь.
7. Халқ сўзи, 2018 йил 14 июль.
8. Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

О. Махкамов,

Декан факультета Академии государственного управления, д.ю.н.

А. Лихтин,

Декан факультета Северо-Западного института управления РАНГХиГС, к.э.н.

ОСОБЕННОСТИ КАДРОВОЙ ПОЛИТИКИ И СИСТЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАЖДАНСКОЙ СЛУЖБЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

(обучение, подбор и оценка компетенций государственных гражданских служащих)

Аннотация: В статье проанализированы правовые основы кадровой политики и государственной гражданской службы в Республике Узбекистан, а также особенности обучения, подбора и оценки компетенций государственных гражданских служащих. На основании анализа современных вызовов даны предложения по дальнейшему совершенствованию системы государственной гражданской службы республики Узбекистан.

Ключевые слова: государственная служба, государственный гражданский служащий, руководящие кадры, подбор кадров, компетенция, оценка, методы.

Annotation: The article analyzes the legal foundations of personnel policy and the state civil service in the Republic of Uzbekistan, as well as the features of training, selection and assessment of the competencies of state civil servants. Based on the analysis of modern challenges, proposals are given for further improving the system of state civil service of the Republic of Uzbekistan.

Key words: civil service, public civil servant, leading cadres, personnel selection, competence, assessment, methods.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизматининг норматив-ҳуқуқий асослари, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларини ўқитиш, танлаш ва компетенцияларини баҳолаш таҳлил қилинган. Замонавий муаммолар таҳлили асосида Ўзбекистон Республикасида давлат фуқаролик хизматини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: давлат фуқаролик хизмати, давлат фуқаролик хизматчилари, раҳбар кадрлар, компетенция, кадрларни танлаш, баҳолаш, усуллар.

Первые двадцать лет независимого развития нашей страны дали возможность принять первоочередные меры и основные законодательные акты, регулирующие общественные отношения в сфере государственной гражданской службы. В последние годы осуществляются широкомасштабные преобразования, направленные на повышение эффективности деятельности государственной службы в стране.

Вместе с тем сохраняется ряд системных проблем и недостатков, приводящих к недостаточному обеспечению государственных органов и организаций квалифицированными специалистами, несоответствию квалификации кадров поставленным задачам и современным потребностям, низкому качеству принимаемых решений. В частности, отсутствует закон прямого действия, обеспечивающий комплексное правовое регу-

лирование государственной гражданской службы, в том числе процедуры открытого независимого конкурсного отбора кандидатов, а также определяющий критерии оценки эффективности работы и компетенций государственных гражданских служащих, требования к повышению их квалификации.

Для решения упомянутых проблем были приняты десятки нормативно-правовых актов. К правовым основам кадровой политики и государственной гражданской службы в Республике Узбекистан относятся Конституция Республики Узбекистан, Национальная программа по подготовке кадров, Указы и постановления Президента Республики Узбекистан, а также постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан. В частности, к таким документам относятся:

Указы Президента Республики Узбекистан от 3.10.2019 года № УП-5843 «О мерах по кардинальному совершенствованию кадровой политики и системы государственной гражданской службы в Республике Узбекистан» и от 8.08.2017 № УП-5139 «О мерах по дальнейшему развитию системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации управленческих кадров в Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан»;

Постановления Президента Республики Узбекистан от 3.10.2019 года № ПП-4472 «О мерах по организации деятельности Агентства развития государственной службы при Президенте Республики Узбекистан», от 6.08.2018 года № ПП-3901 «Об организации региональных филиалов Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан» и от 27.06.2019 года № ПП-4365 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации управленческих кадров в Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан»;

Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 19.09.2017 года № 745 «Об утверждении нормативно-правовых актов, касающихся подготовки, переподготовки и повышения квалификации управленческих кадров» и от 28.09.2018 года № 772 «О мерах по организации деятельности региональных филиалов Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан».

В вышеупомянутых нормативно-правовых актах закреплены основополагающие понятия государственной гражданской службы. Такие как:

- государственная гражданская служба;
- государственный гражданский служащий;
- управленческие кадры;
- подготовка, переподготовка и повышение квалификации управленческих кадров;
- компетенции управленческих кадров и государственных гражданских служащих;
- принцип меритократии;
- «Карьерная модель»;
- конкурсный отбор;
- кадровые подразделения и т.д.

Согласно Указу Президента Республики Узбекистан от 3.10.2019 года № УП-5843 «О мерах по кардинальному совершенствованию кадровой политики и системы государственной гражданской службы в Республике Узбекистан» «государственным гражданским служащим является гражданин Республики Узбекистан, осуществляющий свою деятельность на должностях,

внесенных в Государственный реестр должностей государственной гражданской службы»¹.

Хотелось бы отметить, что в государственный реестр должностей государственной гражданской службы еще не утвержден, но будет целесообразно включить в него государственных органов на четырех уровнях: национальном, республиканском, региональном и районном уровнях.

К национальному уровню можно отнести Олий Мажлис, Администрацию Президента и Кабинет Министров Республики Узбекистан.

К республиканскому уровню министерства, государственные комитеты, агентства и другие организации.

К региональному уровню хакимияты областей, а также управления и региональные филиалы республиканских органов.

К районному уровню хакимияты районов и городов, а также отделы государственных органов.

Граждане иностранных государств и лица без гражданства могут занимать должности государственных гражданских служащих в порядке, установленном отдельными решениями Президента Республики Узбекистан.

Военная служба в Вооруженных Силах Республики Узбекистан и служба в правоохранительных органах является государственной специальной службой и регулируется отдельными актами законодательства.

Исходя из вышесказанного можно сделать вывод, что государственную службу Республики Узбекистан можно разделить на 2 вида: гражданскую и специальную.

Хотелось бы отметить, что вышеупомянутым Указом также утверждена «Программа первоочередных мер по кардинальному совершенствованию кадровой политики и системы государственной гражданской службы в Республике Узбекистан», которая включает в себя 27 пунктов и принятие 2 законов, 1 указа и 10 постановлений Президента Республики Узбекистан, 2 постановлений Кабинета Министров Республики Узбекистан и более 10 иных документов.

Помимо термина «государственных гражданский служащий» в законодательстве встречается слова «управленческий кадр». В связи с тем, что на сегодняшний день нет единого определения данного термина, его можно определить из практики принятия на учебу в магистратуру Академии государственного управления. Так, согласно Указу Президента Республики Узбекистан от 8.08.2017 года № УП-5139 «О мерах по дальнейшему развитию системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации управленческих кадров в Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан» прием в магистратуру Академии осуществляется на основе конкурса исключительно из числа лиц, рекомендованных органами государственной власти, государственного и хозяйственного управления, а также общественными организациями и субъектами предпринимательства Республики Узбекистан, в возрасте до 40 лет, имеющих базовое высшее образование и не менее 2-х лет опыта управленческой работы². В категорию управленческой работы как правило принято относить работу на руководящем звене, от которых в решающей степени зависит успех деятельности руко-

¹ <https://www.lex.uz/docs/4549993>

² <https://www.lex.uz/docs/3300782>

водимого ими государственного органа, организации, учреждения, предприятия, органа местного самоуправления. К примеру кадрам, работающим на управленческих должностях можно привести как руководителей организаций и их заместителей, начальников департамента, управлений, отделений и отделов. В некоторых случаях главные инспектора или специалисты национального или республиканского уровней могут быть признаны в статусе управленческих кадров в связи со своими функциональными обязанностями по контролю и координации деятельности нижестоящих организации.

Исходя из вышесказанного можно определить, что понятие «государственный гражданский служащий» более шире чем понятие «управленческий кадр». Данный вывод еще основывается на том, что разрабатывается так называемые классные чины – классификационные ранги государственных гражданских служащих. В матрице которой учтены и управленческие кадры.

Говоря о системе обучения управленческих кадров, хотелось бы отметить, что на сегодняшний день она включает в себя 3 вида:

1. Подготовка – обучение в магистратуре по очной и заочной форме, по годичной и двухгодичной программе соответственно.

2. Переподготовка – обучение на среднесрочных курсах по очной и заочной форме, по четырёхмесячной и десятимесячной программе соответственно.

3. Повышение квалификации – обучение на краткосрочных курсах продолжительностью до 1 месяца.

На основании Указа Президента Республики Узбекистан 8.08.2017 года № УП-5139 «О мерах по дальнейшему развитию системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации управленческих кадров в Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан» внедрена новая система отбора слушателей на основе оценки компетенций¹.

Так, в 2017 году были приняты 5 основных компетенций для отбора слушателей в магистратуру и на курсы переподготовки. Это:

1. Ценности
2. Управленческий профессионализм
3. Лидерство
4. Системное мышление
5. Адаптивность

На основании данных компетенции установлен порядок отбора слушателей в **три этапа**:

1. Первый этап – первичный отбор кандидатов непосредственно в органах государственной власти, органах государственного и хозяйственного управления, негосударственных некоммерческих организациях из числа лиц, находящихся в резерве на управленческие должности.

2. Второй этап – прохождение кандидатами тестовых испытаний на знание истории Узбекистана и на предмет выявления уровня логического мышления, проводимых Государственным центром тестирования при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

3. Третий этап – прохождение кандидатами собеседования на предмет оценки уровня владения управленческими навыками, способностями логического, системного и аналитического мышления, а также определения их лидерских качеств.

¹ <https://www.lex.uz/docs/3300782>

Организация обучения управленческих кадров на курсах повышения квалификации осуществляется по заявкам органов государственной власти, органов государственного и хозяйственного управления, негосударственных некоммерческих организаций и субъектов предпринимательства на договорной основе.

Необходимо отметить, что в 2018 были открыты региональными филиалами Академии в городах Гулистан, Карши, Самарканд, Ургенч и Фергана, что позволило осуществлять организацию обучения управленческих кадров в том числе и в регионах Узбекистана.

Курсы повышения квалификации в Академии и её региональных филиалах осуществляется на основании постановления Кабинета Министров, в котором определяются квоты слушателей (ежегодно более 4 тысяч на основании гранта и более 2 тысяч платно-контрактной основе).

В процессе организации курсов повышения квалификации внедрены новые интерактивные методы обучения, тренинги и вебинары. В программу повышения квалификации включены модули по формированию глубоких и практикоориентированных знаний в сфере местного управления и регионального развития, навыков стратегического планирования, знаний системы горизонтальных и вертикальных отношений, навыков качественного исполнения государственных и региональных программ, нормативно-правовых актов, а также формирование навыков планирования деятельности, качественного исполнения рабочих планов («дорожных карт») и другие².

Вышеупомянутом Указе Президента Республики Узбекистан от 3 октября 2019 года впервые на законодательном уровне применены такие международные термины как «принцип меритократии» и «карьерная модель», реализация которых качественным образом отразится в сфере совершенствования государственной гражданской службы.

На основании этих принципов создаётся прозрачная система отбора кадров и дальнейшее продвижение их по службе. Связи с этим, разработаны основные компетенции государственных гражданских служащих и внедрен новый порядок отбора на государственную службу. В качестве эксперимента взяты само Агентство по развитию государственной службы, министерства занятости и трудовых отношений, финансов и сельского хозяйства.

Конкурсный отбор будет осуществляется из числа кандидатов, включенных Национальный кадровый резерв.

Исходя из вышесказанного предлагается осуществлять отбор кандидатов на основе компетентного подхода, по результатам которого будет составлен своего рода **паспорт-скилз и ежегодный план развития** государственного гражданского служащего по **8 основным компетенциям**:

1. Управленческий профессионализм
2. Лидерство
3. Коммуникативность
4. Адаптивность
5. Ориентация на результат
6. Системное мышление
7. Социальные ценности
8. Открытость новому опыту

Осуществление отбора предлагается осуществлять в **четыре этапа**:

² <https://www.lex.uz/docs/3924316>

Первый этап – изучение анкетных данных (паспортные данные, справка об объективке, трудовой опыт, навыки владения иностранными языками и ИКТ и т.д.).

Второй этап – проведение психологической диагностики (психологические тесты на ценности, принятие решений, системного мышления, эмоционального интеллекта и т.д.).

Третий этап – проведение тестирования на знание (ИКТ, иностранные языки, основы экономики, права, истории, духовности и т.д.).

Четвертый этап – проведение оценки компетенций методами ассесмент центра (кейсы, интервью, мозговой штурм, презентация и т.д.).

Реализация такого рода отбора на наш взгляд позволит на всех его этапах разработать индивидуальный план развития государственного гражданского служащего, включающего в себя развития конкретных знаний и навыков для эффективного и результативного выполнения своих функциональных обязанностей.

Говоря об отборе и оценки компетенций государственных гражданских служащих является актуальным остановится на некоторых аспектах деятельности кадровых подразделений.

Постановлением Президента Республики Узбекистан от 3 октября 2019 года основными задачами кадровых подразделений государственных органов и организаций определены следующее:

внедрение максимально прозрачного и справедливого порядка отбора и расстановки кадров с использованием современных информационно-коммуникационных технологий;

совершенствование механизма работы с кадрами на основе современных систем менеджмента исходя из успешного зарубежного опыта;

формирование и реализацию политики в сфере управления кадрами, направленной на достижение и поддержание соответствия количественных и качественных характеристик состава персонала задачам, стоящим перед государственными органами и организациями;

удовлетворение потребностей государственных органов и организаций в трудовых ресурсах в соответствии со стоящими перед ними задачами и стратегией их развития, а также изменяющейся внешней и внутренней конъюнктурой на рынке труда;

создание равных возможностей для карьерного роста, основанных на объективной оценке трудовой деятельности, морально-волевых качеств, способностей и навыков работников государственных органов и организаций;

содействие в увеличении индивидуального вклада каждого работника в достижение задач, стоящих перед государственными органами и организациями, на основе постоянного развития и максимально полного задействования потенциала кадров;

принятие действенных мер по формированию у государственных гражданских служащих высокой профессиональной этики, антикоррупционной культуры и нетерпимого отношения к коррупции;

организацию на регулярной основе повышения профессионального уровня кадров, включая непрерывное обучение (с привлечением профильных и высококвалифицированных специалистов), в том числе за рубежом¹.

Касательно последней задачи в этом же постановлении предусмотрена разработка пятилетней программы по поэтапному направлению на стажировку сроком от 3 до 6 месяцев не менее 1000 наиболее перспективных работников среднего и низшего звена государственных органов и организаций в соответствующих органах и организациях развитых зарубежных государств.

Вместе с этим, в Указе от 3 октября 2019 года установлено правило в соответствии с которым государственные органы и организации обязаны обеспечить прохождение государственными гражданскими служащими ежегодных краткосрочных курсов повышения квалификации (30 — 60 часов) с отрывом от производства.

Выше приведенный краткий анализ нормативно-правовых актов позволяет выявить дополнительные вызовы и задачи, которые требуют своего решения, в частности:

Во-первых, к сожалению, на сегодняшний день отсутствует единый закон о государственной гражданской службе, который включил бы в себя основные принципы и механизмы реализации кадровой политики и осуществления государственной гражданской службы. Принимая во внимание, что первый проект закона разработан еще более 20 лет тому назад и его сегодняшний вариант бурно обсуждается общественностью и экспертами на наш взгляд является целесообразным утвердить временное положение о государственной гражданской службе и после его апробирования в нескольких государственных органах и с учетом замечаний принять последующем Закон.

Во-вторых, необходимо критически проанализировать деятельность кадровых подразделений. На наш взгляд в настоящее время кадровые подразделения не в полном объеме выполняют возложенные на них функциональные обязанности. В основном их деятельность охвачена технической и бумажной работой, связанной с оформлением тех или иных документов. В первую очередь необходимо структурно пересмотреть кадровые подразделения и переименовать их на департаменты, управления и отделы развития человеческих ресурсов. При этом в обязательном порядке предусмотреть такие штатные единицы, как отдел (специалист) трудовых отношений, кадрового планирования и занятости, отбора и расстановки кадров, работы с кадровым резервом, карьерного моделирования и оценки деятельности, мониторинга карьерного роста сотрудников, оценки трудовой деятельности, развития кадров, организации обучения сотрудников и по вопросам социально-психологического климата организации. Вместе с этим, необходимо утвердить формы, минимальные нормативы и критерии образования кадровых подразделений, а также должностные разряды сотрудников в государственных органах и организациях исходя из уровня и штатных единиц государственных органов и организации.

В-третьих, функциональные обязанности государственных гражданских служащих не отвечают современным реалиям и в большинстве случаев носят только декларативный характер. В частности, функциональными обязанности должны быть закреплены исходя из практических работ, направленных на развитие организации и приносит конкретные результаты, они не должны иметь общий характер и ни в коем случае не должны без обоснованно расширяться. Государственные гражданские служащие должны реально

¹ <https://www.lex.uz/docs/4552055>

представлять свои права и обязанности по исполнению которых можно будет определить их коэффициент эффективности и результативности. В связи с чем, на наш взгляд необходимо пересмотреть функциональные обязанности всех государственных гражданских служащих и разработать новые основываясь на миссии, видении и приоритетных задач каждой организации. Данные изменения в будущем позволят разработать реальные компетенции государственных гражданских служащих, которые будут использоваться при отборе и расстановке кадров, а также учтены при карьерном росте.

В-четвертых, в связи с необходимостью системного изучения и совершенствования компетенций государственных гражданских служащих целесообразно создать новое подразделение в виде Ассесмент центра при Агентстве развития государственной службы. В основные задачи которого войдут разработка компетенций и их методики оценки, координация деятельности кадровых подразделений в проведении оценки компетенции, внедрение новых методов проведения аттестации государственных гражданских служащих и т.д.

В-пятых, на сегодняшний день отсутствует подготовка кадров по специальности «государственное управление», «местное управление» и «управление человеческими ресурсами» по учебным программам бакалавриата. В связи с чем, считаем целесообразным на базе Академии открыть новые направления и специальности подготовки кадров по вышеупомянутым названиям. Данное изменение позволит системным образом выстроить подготовку управленческих кадров, что без сомнения положительно отразится в развитии государственной гражданской службы.

В-шестых, логическим продолжением совершенствования образовательного процесса является реформирование послевузовского образования. В этой связи считается целесообразным уделить особое внимание созданию научного направления или проще говоря специальности «Государственное управление», выделить квоты для обучения в докторантуре, создать на базе Академии научного совета. На наш взгляд, воплощение данной идеи даст новый импульс фундаментальному и прикладному исследованию проблем государственного управления и кадровой политики.

В заключении хотелось бы особо отметить, что в последние годы осуществляются широкомасштабные реформы в каждой области жизнедеятельности страны. Именно в это время, когда реформы реализуются ускоренными темпами возникает острая необходимость в развитии высококвалифицированных навыков государственных гражданских служащих. На наш взгляд выдвинутые нами предложения дадут новый импульс совершенствованию кадровой политике в нашей стране.

Список литературы:

1. Конституция Республики Узбекистан (<https://www.lex.uz/docs/35869>).
2. Национальная программа по подготовке кадров (<https://www.lex.uz/docs/19769>).
3. Указ Президента Республики Узбекистан от 3.10.2019 года № УП-5843 «О мерах по кардинальному совершенствованию кадровой политики и системы государственной гражданской службы в Республике Узбекистан» (<https://www.lex.uz/docs/4549993>).

4. Указ Президента Республики Узбекистан от 8.08.2017 № УП-5139 «О мерах по дальнейшему развитию системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации управленческих кадров в Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан» (<https://www.lex.uz/docs/3300782>).

5. Постановление Президента Республики Узбекистан от 3.10.2019 года № ПП-4472 «О мерах по организации деятельности Агентства развития государственной службы при Президенте Республики Узбекистан» (<https://www.lex.uz/docs/4552055>).

6. Постановление Президента Республики Узбекистан от 6.08.2018 года № ПП-3901 «Об организации региональных филиалов Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан» (<https://www.lex.uz/docs/3859712>).

7. Постановление Президента Республики Узбекистан от 27.06.2019 года № ПП-4365 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации управленческих кадров в Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан» (<https://www.lex.uz/docs/4389748>).

8. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 19.09.2017 года № 745 «Об утверждении нормативно-правовых актов, касающихся подготовки, переподготовки и повышения квалификации управленческих кадров» (<https://www.lex.uz/docs/3358153>).

9. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 28.09.2018 года № 772 «О мерах по организации деятельности региональных филиалов Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан» (<https://www.lex.uz/docs/3924316>).

Р.Х.Кенжаев

ТДЮУ “Экология ва аграр ҳуқуқи” кафедраси
доцентиЎЗБЕКИСТОНДА ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА
ЭКОЛОГИК АҲАМИЯТИ

Аннотация: мақолада Ўзбекистонда ерларни муҳофаза қилишнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик аҳамияти қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ер, ерларни муҳофаза қилиш, ерлардан фойдаланиш.

Аннотация: в статье проведен сравнительный анализ социальной, экономической и экологической значимости охраны земель в Узбекистане.

Ключевые слова: земля, охрана земель, землепользование.

Annotation: the article provides a comparative analysis of the social, economic and environmental importance of land protection in Uzbekistan.

Key words: land, land protection, land use.

Ерларни муҳофаза қилиш масаласи жамиятнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва экологик аҳамиятга молик бўлган вазифаларидан биридир. Чунки жамиятнинг моддий фаровонлиги, мавжудлиги ва келажак авлодларнинг тақдири табиатнинг бебаҳо бойлиги бўлган ерга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга боғлиқдир. Шу сабабдан ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, нафақат экологик, балки ижтимоий - иқтисодий аҳамиятга ҳам эгадир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури” доирасида қишлоқ хўжалигида бозор механизмларини жорий қилиш орқали соҳани жадал ривожлантириш чора-тадбирларига асосан тупроқ унумдорлиги, сув таъминоти ҳамда бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳосилдорлигини белгилаш бўйича нормативлар ишлаб чиқиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги мақсадларида ер бериш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазифаларни, мустакил суверен давлат сифатида сиёсий ва давлат тизими муоммоларини ҳал этиш, тармоқни кўп укладли шаклларини ривожлантириш, ердан оқилона ва самарали фойдаланиш, ерга оид масалаларни ҳал этишда ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишни кенгайтириш имкониятлари омилларини ривожлантиришга, самарадорлигини таъминлашга боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим

вазифалардан бири сифатида таъкидланиб, қишлоқ хўжалиги мақсадларида ер бериш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, ерлардан самарали фойдаланиб, мўл ҳосил олаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларига ўз фаолиятини кегайтириш учун қўшимча ер майдонларни ажратиш лозимлиги қайд этилган эди.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонунларига замон талабларидан келиб чиқиб, уларга айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосини ташкил этиб, ер ресурсларидан янада оқилона ва самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий пойдевори яратилмоқда.

Ўзбекистон истикболида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барқарорлигини таъминловчи халқ хўжалигининг барча соҳалари каби қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантириш, модернизация қилиш, аграр соҳанинг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ерга оид муносабатларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, ер тузиш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, ҳисобга олиш ҳамда баҳолашни такомиллаштириш, давлат бошқарув органларининг юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш тупроқ унумдорлигининг оширилишини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари, қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари республикамизда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ер кадастри, ер тузиш ва ерлар мониторингини юритиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган қонунчилик соҳасидаги тажрибалардан келиб чиқадиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи иқтисодий сиёсатнинг уйғунлаштирувчи муҳим ҳужжатлари бўлиб қолмоқда.

2018 йил 1 январ ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони **44896,9 минг** гектарни ташкил қилади. Республика бўйича корхона, ташкилот, муассаса, фермер хўжалиги ва фуқаролар фойдаланишидаги жами ерлар **44892,4 минг** гектарни, шундан суғориладиган ерлар эса **4311,5 минг** гектарни ёки умумий ер майдонининг **9,6 фоизини** ташкил қилади [2; 6-б].

Профессор Ж.Т.Холмўминов таъкидлаганидек, “Табиат бойликларидан ер, ер ресурслари алоҳида хусусиятга эга бўлиб, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий қудрати ер ресурслари билан боғлиқдир. Халқомизнинг ҳаёти, турмуш тарзи, фаолияти ва фаровонлигининг асоси ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга таянади” [4; 70-б].

М.Р.Мирзаабдуллаева эътироф этганидек, “Ер табиий ресурслар ичида ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. У мамлакатимиз аҳолисининг турмуш фаровонлигини таъминлайди, республикамизнинг иқтисодий салоҳияти учун моддий негиз яратади. Шу

сабабли ердан ҳар қандай даврда ва шароитда оқилона, унумли ва илмий асосланган тарзда фойдаланишни тўғри ташкил этиш мамлакат бугуни ва келажаги учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади” [6; 3-б]. Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, ер тавсифининг юридик аҳамияти шундаки, тупроқдан фарқли равишда уни ер шари устки қатламидан ажратиб олиб бўлмайди. Рим ҳуқуқи давридан унга кўчмас мулк сифатида қаралганлиги бежиз эмас. Мулк ҳуқуқи объекти сифатида “ер” тушунчаси тавсифида асосий эътибор ернинг ва ер участкасининг ҳудудий чегараларига ажратилганлигидадир.

Республикада қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг сони фермер хўжаликлари билан биргаликда олганда, 2018 йил 1 январ ҳолатига кўра, **166708 та** бўлиб, уларга бириктириб берилган ерларнинг умумий ер майдони **20261,6 минг** гектарни, шу жумладан, қишлоқ хўжалик ер турлари майдони **15543,7 минг** гектарни, шундан **3702,4 минг** гектари суғориладиган ерларни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг **44,73 фоизини** қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар эгаллаган бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда асосий восита ҳисобланади. Республика худудида қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерларнинг тақсимланиши табиий иқлим омилларига биноан белгиланади. Аҳоли пунктлари ерларининг 2018 йил 1 январ ҳолатига умумий ер майдони **221,2 минг** гектарни ёки жами ерларнинг **0,49 фоизини** ташкил қилади. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларнинг 2018 йил 1 январ ҳолатига умумий ер майдони **857,1 минг** гектар ёки республика ер фондининг **1,91 фоизини** ташкил қилади. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларнинг 2018 йил 1 январ ҳолатига умумий майдони **704,4 минг** гектарни ташкил қилади. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларнинг 2018 йил 1 январ ҳолатига умумий ер майдони **14,3 минг** гектарни ташкил қилади. Ўрмон фонди ерларининг 2018 йил 1 январ ҳолатига умумий ер майдони **11153,3 минг** гектарни ёки жами ер майдонининг **24,84 фоизини** ташкил қилади. Сув фонди ерлари 2018 йил 1 январ ҳолатига жами **833,7 минг** гектарни ёки умумий ер майдонининг **1,86 фоизини** ташкил қилади. 2018 йил 1 январ ҳолатига кўра захира ерларнинг умумий ер майдони **10846,8 минг** гектар ёки умумий ер майдонининг **24,16 фоизини** ташкил этади [2; 17-б].

Албатта, бундай шароитда ер бойликларидан самарали, илм-фан тавсиялари, табиатнинг умумий қонуниятлари асосида фойдаланиш ва унинг муҳофазасини тўғри таъминлаш, шак-шубҳасиз, ҳозирги даврнинг биринчи даражали вазифаларидан биридир. Бунда ер ресурсларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш катта аҳамиятга эга бўлади. Чунки тегишли ҳуқуқ нормалари ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи вазифани ўтайди, ундан оқилона фойдаланиш ва турли хил ғайриқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилиш чораларини белгилайди.

“Ер ресурслари ҳолати ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари миллий ва глобал миқёсда долзарб бўлиб қолмоқда. Кўрилаётган чораларга қарамай, ерларнинг бузилиш жараёни кучайиб бормоқда ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқли ер ресурслари камайиб кетмоқда.

Айтиш ўринлики, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни ҳуқуқнинг ёрдамисиз амалга ошириш мумкин эмас. Мамлакатимизда кейинги йилларда қабул қилинган ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари ер бойликларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уларни асраш, доимо тупроқ унумдорлигини ошириб бориш талабларини ўрнатади ва ушбу талабларга риоя қилиш чораларини белгилайди.

Жумладан, Асосий қонунимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир” [1; 11-б], деб белгилаб қўйилган. Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, ерларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий асосларини ривожлантиришбундан жамият учун ҳам, ҳар бир алоҳида шахс учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги “Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йили 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори республикада ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ва қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги ерларидан, айниқса, суғориладиган ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш юзасидан назоратни янада кучайтириш, ер фонди ҳисобини юритишни тизимлаштириш соҳага замонавий юқори технологияли техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этилишда алоҳида аҳамият касб этади [2; 71-б].

Шу билан бирга аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари ўсиб бораётганлиги, бундай маҳсулотларни етиштиришнинг кўпайиши, фойдаланаётган ернинг сифати ва миқдорига боғлиқ бўлади. Бухолатишлаб чиқариш омил сифатида ерга нисбатан катта талабни шакллантиради. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар бу соҳада мулкчиликнинг самарали тизимини шакллантиришни кўзлайди. Маълумки, собиқ шўро даврида қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш муносабатларини асосан колхоз ва совхозлар ўртасида амалга оширилган. Бунда мулк эгаси ноаниқлиги, меҳнат самарадорлигининг пастлиги, албатта, ер муносабатларини ривожланишига тўсиқ бўлиб, аграр соҳа деярли норентабел соҳа ҳисобланар эди.

Ер табиатнинг бошқа бойликларидан фарқли ўлароқ, унга оқилона муносабатда бўлишни, унинг унумдорлик, қайта тикланиш хусусиятларини юзага келтириш учун доимий тарзда ишлов беришни, ғамхўрлик қилишни талаб қилади. Бунинг учун ер муносабати субъектлари бу борадаги тегишли нормаларга амал қилишлари лозим бўлади.

М.М. Бринчукнинг таъкидлашича “Ер ҳар қандай инсон ва жамият ҳаётида муҳим экологик, иқтисодий ва сиёсий рол ўйнайди. Ер – бу давлат ҳудудининг элементи, суверен ҳокимияти чегарасидир.

Умуминсоният меҳнати предмети, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси сифатида ер инсон хўжалик фаолиятининг объекти сифатида унинг томонидан кўрсатиладиган ҳар қандай таъсирларсиз мавжуд бўлади. Ердан шунингдек, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларини, халқ хўжалиги тармоғини ривожлантириш учун операцион асос, фундамент сифатида фойдаланилади” [3; 391-б].

Фикримизча, ҳам ер инсон хўжалик фаолиятининг объекти, саноат ва ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш базаси ҳамда қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситасидир.

Ердан хўжасизларча фойдаланиш, алмашлаб экишга риоя қилмаслик, ердан илмий асосда фойдаланмаслик, тупроқнинг агротехника қоидаларига риоя қилмаслик, захарли кимёвий моддаларни кўп миқдорда ишлатиш тупроқ унумдорлигини пасайтиришига олиб келади. Мутахассисларнинг маълумотига кўра, тупроқнинг қимматбахо сифатини осонликча яқсон қилиб ташлаш мумкин. Уни тиклаш жараёни эса жуда оғир ва узоқ муддатли талаб этади. Масалан, 10 сантиметр қалинликдаги тупроқнинг унумдор қатламини тиклаш учун 100 йилча вақт керак. Шундан келиб чиқиб ер қонунчилиги тупроқнинг унумдор қатламини муҳофаза қилишга қаратилган қатъий талаб ва чораларни белгилайди [5; 144-б].

“Мутахассисларнинг маълумотига қараганда, қишлоқ хўжалиги экинларининг 15 фоиз ҳосили ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлиги туфайли бой берилмоқда. Бугунги кунда турли даражада мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерлар 406,8 минг гектарни ёки жами суғориладиган ерларнинг 10,5 фоизини ташкил қилади” [7; 57-б].

Ҳукуматимиз томонидан фермер, деҳқон ва ширкат хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор берилганлиги, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаётган ширкат хўжаликлари тугатилиб, ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилаётганлиги ер ресурсларидан фойдаланишни яхшилашга, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга қаратилган. Бизнингча, фермер хўжаликларига айлантирилаётган ширкат хўжаликлари ерларининг турлари аниқланиб, балл бонитетлари, меъёрий баҳолари қайтадан кўриб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Чунки узоқ вақт мобайнида, айниқса, собиқ шўро замони даврида қишлоқ хўжалигида захарли кимёвий бирикмаларнинг ҳаддан ташқари кўп ишлатилгани оқибатида деҳқончилик қилинадиган ер майдонлари тупроқ унумдорлигига путур етган. Шунингдек, ердан фойдаланувчи субъектларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва ердан оқилона фойдалангани учун Ер кодексининг 82-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган, иқтисодий рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш ва қўллаш ўринли бўлар эди. Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, иқтисодий рағбатлантириш тизимини яратишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлаш ҳамда ривожланган давлатлар тажрибасини амалиётга кенг жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, ер муносабатлари субъектларининг ердан фойдаланишда мавжуд экологик талабларга амал қилишлари, уларни бажаришлари ва бу борада тегишли давлат органларининг мунтазам, самарали фаолияти ер

ресурсларини ҳаётнинг асосий манбаси сифатида бугунги ва келажак авлодлар учун сақлаб қолишда нафақат иқтисодий-ижтимоий балки экологик аҳамият ҳам касб этади ҳамда халқимиз фарвонлигини ва турмуш даражасини янада ошишига хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 78 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. –Тошкент: 2018. – 80 б.
3. Бринчук М.М. Экологическое право : Учебник.- 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юристъ, 2010. – 580 с.
4. Холмўминов Ж.Т. Экология ва ҳаёт: қонунчиликни такомиллаштириш масалалари. Монография. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. – 220 б.
5. Ер ҳуқуқи. / Масъул муҳаррирлар Усмонов М.Б., Жўраев Й.О. –Тошкент: ТДЮИ, 2002. – 320 б.
6. Мирзаабдуллаева М.Р. Ер ҳуқуқи муаммолари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 140 б.
7. Бобоқулов Ш.О., Ҳайитов Ҳ.Ш. Ер элни боқади. // Ҳаёт ва қонун. –Т., 2004. – №2. – Б.56-58.

Ш.Х. Зулфиқоров,

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти доценти, ю.ф.н.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ДЕПУТАТЛАРНИНГ ИШТИРОКИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада сиёсий партиялар фракциялари, уларни шакллантириш тартиби, илмий – назарий қарашлар, фракциялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари, парламентдаги муҳолифат фракциялар, уларнинг парламент назоратини амалга оширишдаги функцияларини кенгайтириш, хорижий мамлакатлар тажрибалари, ҳукуматни шакллантиришда фракцияларнинг иштирокини кучайтириш, қонунлар ижроси назоратини амалга оширишдаги ролини оширишга доир таклиф ва тавсиялар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: сиёсий партиялар, сиёсий партия фракциялари, депутатлар, қонун лойиҳалари, депутатлар бирлашмалари, парламентдаги муҳолифат, демократик кучлар блоки, парламентдаги кўпчилик.

Аннотация: в этой статье фракции политических партий, порядок их формирования, научные и теоретические взгляды, правовые основы деятельности фракций, оппозиционных фракций в парламенте и их функции при осуществлении парламентского контроля, опыт зарубежных стран, предложения и рекомендации по усилению участия фракций в формировании правительства, повышение их роли в реализации законодательства

Ключевые слова: политические партии, фракции политических партий, депутаты, законопроекты, депутатские коалиции, оппозиция в парламенте, блок демократических сил, парламентское большинство.

Annotation: in this article, factions of political parties, the order of their formation, scientific and theoretical views, the legal foundations of the activities of factions, opposition factions in parliament and their functions in the exercise of parliamentary control, experience of foreign countries, suggestions and recommendations on strengthening the participation of factions in the formation of the government, increasing their role in the implementation of legislation.

Keywords: political parties, factions of political parties, deputies, bills, parliamentary coalitions, opposition in parliament, democratic forces bloc, parliamentary majority.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари иштирокидаги йиғилшда сўзлаган маърузаларида, “Сиёсий партиялар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида партия фракциялари томонидан устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қаратилган аниқ таклиф ва ташаббуслар деярли сезилмаяпти”[1] деган, танқидий фикрларни билдириб ўтган эдилар. Дарҳақиқат, мамлакатимизда олиб борилаётган барча жабҳалардаги ислохотларда сиёсий партиялар етакчи куч, ислохотларнинг ташаббускори бўлиши лозим. Бу ерда сиёсий партияларнинг мамлакатни янгилаш ва давлат

ҳоқимиятини демократлаштиришдаги роли тобора кучайиб бораётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юридик луғатларда, “Парламент (депутатлар) фракцияси бу парламентдаги бир партиёга ёки парламентнинг айна палатасига мансуб бўлган депутатларнинг бирлашмаси” эканлиги таъкидлаб ўтилган[2]. Шунингдек, В.В.Лапаева таъкидлаганидек, “кўппартиявийлик тизими қарор топган давлатларда парламент фракцияларини тузишнинг асосий мезони депутатларнинг партиявий мансублигидир”[3]. В.В.Лапаеванинг фикрига қўшилган ҳолда депутатларнинг қайси сиёсий партиялар томонидан кўрсатилишига қараб, парламентда ташкил этиладиган ўша партия фракцияси аъзолигини ташкил қилади.

Таниқли олим Е.Михайлованинг таъкидлашича, “депутатларнинг у ёки бу фракцияга бирлашуви тўғри қонунлар қабул қилишга, касбдошлари билан келишилган ҳолда фаолият юритишга, сиёсий қарорларни келишган ҳолда қабул қилишда намоён бўлувчи депутат касб маҳорати ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи шахсий позицияларини ошкор этишларини чеклайди”[4].

Хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратсак, бирлашмалар турли давлатларда турлича номлар билан аталади. Хусусан, Германияда фракция, Буюк Британияда парламент партиялари, Испанияда парламент гуруҳлари, Польшада депутатлар гуруҳлари каби номлар билан юритилади[5]. Ўзбекистон Республикасида эса депутатлар бирлашмалари сиёсий партия фракциялари ҳамда депутатлар гуруҳи номи билан юритилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун, сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида тузилади, деган қатъий норма белгилаб қўйилган.

Сиёсатчи М.Ельшовнинг фикрича: “Олий Мажлисининг бир палатали тизимдаги олдинги чақириқларда партиялар функцияларида парламент сессияларида тортишувчанлик ва ўз нуқтаи назарларида қатъиятlilik асосий аҳамиятга эга бўлмаган[6].

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ эса, Қонунчилик палатасининг камида 9 нафар депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга. Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракция ёки депутатлар гуруҳининг аъзоси бўлиши мумкин. Фракция ва депутатлар гуруҳи ўз ташаббуси билан, Қонунчилик палатасининг ваколат муддати тугаганда, улар таркибига кирувчи депутатлар сони уларни тузиш учун зарур бўлган миқдор чегарасидан камайиб кетганда тугатилиши мумкинлиги қайд этилган.

Бизнингча, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасига биноан, сиёсий партиядан Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзодлардан “агарда 9 та депутати сайланмай қолса, яъни 7 ёки 8 та депутати бўлса, унда улар қандай фаолият юритиши мумкинлиги тўғрисидаги нормани” мустаҳкамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Қолаверса,

мазкур қонунда фракция аъзолигидан чиқиш хошишини билдирган депутатнинг кейинги мақоми ҳақида норма мавжуд эмас. Ушбу масалага ҳам ойдинлик киритилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 25-моддасида, Фракцияларнинг ваколатлари белгилаб қўйилган. Мазкур ваколатларга қуйидагиларни киритиб ўтишимиз мумкин. Хусусан: Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритади; Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига қирадиган масалалар юзасидан асосланган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарни баён қилиш талаби билан мурожаат этиди ва бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқлардан бевосита фойдаланади.

Бизнинг фикримизча, мазкур ваколатларни амалга ошириш тартиби ва механизмини очиқ берувчи алоҳида “Сиёсий партия фракциялари тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Мазкур Низомда фракциянинг тулиқ ва қисқартирилган номи; тузилиши; раис ва ўринбосарларини сайлаш тартиби; фракциянинг раҳбар органларини сайлаш тартиби; палата мажлисларида фракция номидан чиқадиган шахсларини сайлаш (тайинлаш) тартиби; бошқа давлат органлари, жамоат бирлашмаларида фракция манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг номидан вакил бўлиш тартибини белгилаш; қарор қабул қилиш тартиби; фаол бўлмаган фракция аъзоларига нисбатан таъсир этиш чоралари каби масалалар ёритиб берилади.

Фракция ташкил этишнинг энг муҳим шартларидан бири муайян миқдорда депутатлар сонининг бўлишидир. Бундай талабнинг белгиланиши техник аҳамият касб этмай, балки парламент тузилмасининг оқилона ташкил этилишини таъминлаши билан ҳам зарурдир. Бу авваламбор, сиёсий масала бўлиб, унинг ҳал этилиши алоҳида сиёсий партияларнинг парламент фаолиятидаги иштирокига қатъий таъсир кўрсатади. Ушбу миқдорни белгилашда бир қатор омиллар (амалдаги партиявий тизимнинг, шунингдек, сайлов тизимининг ўзига хослиги) инобатга олинган ҳамда уни белгилаш бир томондан парламент фаолиятининг самарадорлигини кафолатлаш ҳамда шу билан бирга ўз депутатларига эга барча партияларга тенг имкониятлар яратиб беришни ҳам таъминлаши зарур.

Парламент фракцияларини тузишда қуйидаги икки ҳолат алоҳида аҳамиятга эга: 1) фракцияларни ташкил этиш мезонлари (фракция аъзоси бўлиш ва бунга йўл қўймайдиган ҳолатлар); 2) ташкил этилаётган фракция таркиби.

Хорижий мамлакатлар тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, Франция Миллий мажлисида фракция тузиш учун 20 та, Италияда 20 та, ГФР Бундестагида депутатларнинг беш фоизи, Австралия ва Швейцарияда фракция тузиш учун эса бешта депутат бўлиши лозим. Масалан, Португалия ва Швеция қонунчилигида парламент фракцияси ёки гуруҳларини тузиш учун муайян талаблар белгиланмаган, яъни сайловда биттадан кўп мандатга

эга бўлган ҳар қандай партия ўз фракциясини тузиши мумкин[7].

Бизнинг таклифимизга мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ эса, Қонунчилик палатасининг камида 9 нафар депутати эмас, 15 нафар депутати фракция тузиш ҳуқуқига эга деб белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Негаки, биринчи навбатда сиёсий партияларнинг масъулияти ва жавобгарлигини кучайтиради; иккинчидан, сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобатнинг кучайишига имкон яратади; учинчидан, ҳозирда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларда номзодлар фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши сиёсий партияларнинг фаоллашувига туртки бўлади, тўртинчидан, жамиятда сиёсий партияларнинг кенгроқ сайловчилар доирасини қамраб олишига имкон яратиб беради.

2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон Экологик сиёсий партияси илк бора иштирок этди ҳамда Қонунчилик палатасида ўз фракциясини тузиш имкониятига эга бўлди. Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак:

Дастлабки ҳамда такоррий овоз бериш натижасида, яъни сайловларнинг умумий яқунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар қуйидагича депутатлик ўринларига эга бўлдилар: 1. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси 53 та депутатлик ўрни; 2. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси 36 та депутатлик ўрни; 3. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси 24 та депутатлик ўрни; 4. Ўзбекистон Халқ демократик партияси 22 та депутатлик ўрни; 5. Ўзбекистон Экологик партияси 15 та депутатлик ўрнини эгаллашди[8]. Демак, барча сиёсий партиялар Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўз фракцияларига эга бўлдилар.

Энди табиий савол туғилади, Қонунчилик палатасида тузиладиган депутатлар гуруҳи илгари Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар томонидан шакллантирилган эди. Энди мазкур депутатлар гуруҳи қандай шакллантирилади, таркиби қимлардан иборат бўлади, деган саволларга жавоб топишимиз ёки қонунчиликдан мазкур тушунчани олиб ташлашимиз керак.

Беларусь давлати тажрибасига эътибор берсак, “Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Кенгаши аъзоси, Вакиллар палатаси депутати мақоми тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддаси “депутатлик гуруҳлари, бирлашмалар, уюшмалар, клублар” деб номланиб, Вакиллар палатаси депутатлари депутатлик ваколатларини амалга ошириш учун ўзаро келишув асосида депутатлар гуруҳларига, уюшмаларга, клубларга ва бирлашмаларга бирлашиши мумкин. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунга ҳам мазкур тузилмаларни тузишни мустаҳкамлаб, уни фаолият механизмини ёритиб ўтиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар вакиллари иштирокидаги йиғилшда сўзлаган маърузаларида, “Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги

фракциялари фаолиятини кучайтирмасак, қонун ижодкорлиги ва қабул қилинган қонунлар ижроси кутилган натижани бермайди” [9].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар иштироки эса ҳар бир ривожланган демократик - ҳуқуқий давлат парламентида сиёсий партиялар фаол иштироки муқаррар бўлгани каби табиий ва муҳим ҳодисадир. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини кучайтиришда фракциялараро дебатларнинг ҳам ўрни муҳим ҳисобланади. Негаки мазкур дебатлар фракциялар ўртасидаги ўзаро соғлом муҳитни янада ривожлантиради, янги креатив ғоялар билан олдинга интилишларига бевосита туртки беради.

Фракциялараро дебат, сиёсий дебатнинг кўриниши сифатида партиянинг ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказишга мўлжалланган муҳим тадбири ва парламент фаолиятининг ажралмас қисмидир. Парламент кенгашиладиган, маслаҳатлашадиган, масалалар баҳс – мунозара ҳамда музокара йўли билан муҳокама этиладиган муассасадир. Бу ерда турли ижтимоий манфаатлар тўқнашади. Шу боис парламентда мунозара ва тортишув йўли билан фикрлар чархланади ҳамда умумий келишув (консенсус) асосида қарор қабул қилинади [10]. Мазкур таърифга қўшилмаган ҳолда, бу ерда фракциялараро дебатлар муассаса ҳақида эмас, сиёсий тортишувлар жараёни ҳақида сўз юритилиши лозим эди.

Дебатнинг ўтказилишдан асосий мақсад – қонун лойиҳаларини янада такомиллаштириш, фракциялар ҳамда депутатлар гуруҳлари вакилларининг қонун лойиҳалари юзасидан нуқтаи назарларини белгилаш, билдирилган таклифлар асосида қонун лойиҳасини маромига етказиш, пировардида унинг ҳаётийлигини таъминлаш, қонун нормаларини таҳлил қилиш орқали аниқ таклифларни шакллантиришдан иборат .

Албатта мазкур жараёнларда депутатлардан юқори профессионаллик, чуқур билим ва тафаккур, зарурий малака, юксак ҳаёт тажрибаси талаб этилади. Шу орқали улар ўзларининг фракцияси манфаатларини ҳимоя қилади ва жамиятдаги нуфузини янада ошириб олади.

Юридик фанлар номзоди И.Р.Бековнинг фикрига кўра, депутат бирлашмалари бу парламентда депутатлар гуруҳлари ёки фракциялар шаклида депутатларнинг биргаликда фаолият олиб боришида намоён бўлади. Депутатлар бирлашмаларида депутатларнинг сиёсий мақсадлари ва манфаатлари бир бирига ўхшаш бўлади ва парламентдаги муайян масалаларни ҳал қилишда ягоналик асосида ҳаракат қиладилар [11].

2007 йилда қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг родини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун сиёсий партиялар, партия фракцияларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш орқали давлат бошқарувидаги иштирокини янада фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур конституциявий қонунда, ўзларининг дастурий вазифалари яқинлиги ёки ўзаро мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузаётган бир неча сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил

этиши; янгидан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастури ёки унинг айрим айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партия фракцияси ўзларини муҳолифат, деб эълон қилиши мумкинлиги; Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ташаббусига биноан Ўзбекистон Президенти томонидан белгиланган тартибда лавозимидан озод қилиниши мумкинлиги ва бошқа шунга ўхшаш қатор янги қоидалар киритилди.

2011 йил 18 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Қонун асосида Конституциянинг 98 -моддасига ўзгартиш киритилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши белгиланди.

Мазкур янги киритилган нормалар асосида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар нафақат парламентда энг кўп ўрин эгаллаш ёки Бош вазир номзодини кўрсатиш ҳуқуқи учун, балки ўз сиёсий платформаси ҳамда дастурларида акс этган асосий ғояларини ҳаётга татбиқ этиш учун ҳам кураш олиб боради, бу эса, пировардида мамлакатни модернизация қилиш ва демократик янгилаш жараёнларида сиёсий партиялар ролининг янада ошишига ёрдам беради.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 13 - моддасида, Қонунчилик палатаси Кенгаши Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг ахборотини эшитиб, қонун лойиҳаси ҳамда унга илова қилинган материалларни фракцияларга (депутатлар гуруҳларига) топширади. Бунда фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг) қонун лойиҳаси бўйича фикрлари ва таклифларисиз масъул кўмита ушбу қонун лойиҳаси юзасидан ўз хулосасини чиқариш ҳуқуқига эга эмас. Масъул кўмита қонун лойиҳаси бўйича барча фракциялардан (депутатлар гуруҳларидан) фикрлар ва таклифларни тўплаб, Қонунчилик палатаси Кенгашига қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида белгиланган муддатда хулоса тақдим этади.

Мазкур қонунда агарда айрим фракция ёки депутат гуруҳи тегишли қонун лойиҳасини маъқуллаб хулоса бермаса, унда масала қандай тартибда ҳал этилиши ёритиб берилмаган. Шу мақсадда мазкур масаланинг механизмини очиб берадиган қондан киритиш мақсадга мувофиқдир.

2015 йил 29 декабрда қабул қилинган қонун асосида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги қонунга киритилган мазкур қўшимчалар сиёсий партия фракцияларининг қонунчилик жараёнидаги иштирокини, родини кенгайтириб юборди. Шу маънода, фракция аъзолари ҳам ўзининг профессионал хислатларини, билимларини, ҳаёт тажрибаларини намоён этган ҳолда масъулиятларини оширишлари лозим.

Қолаверса, Қонунчилик палатаси Кенгаши масъул кўмитанинг хулосаси асосида, фракцияларнинг

(депутатлар гуруҳларининг) фикрлари ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш тўғрисида ёки қонун лойиҳаси уни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш ҳақида қарор қабул қилади.

Бизнинг фикримизча, қонун лойиҳалари муҳокамасининг ҳар томонлама сифат даражасини кўтариш мақсадида, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасида масъул кўмида дастлабки муҳокама жараёнида фракция (депутлар гуруҳи) вакилининг мажбурий иштирокини мустаҳкамлаб қўйиш лозим.

Депутатлар қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш чоғида ўз сиёсий партияларининг сайловолди дастурларида белгиланган вазифаларга алоҳида эътибор қаратдилар. Шунга мувофиқ фракцияларнинг аниқ позициялари асосида айрим қонун лойиҳалари маромига етказилиши учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларига қайтарилди. Бу кўрсаткич, 2018 йилда 9 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилда 2 тани ташкил қилди[12]. Албатта бу ижобий ўзгариш, негаки қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар юбораётган қонунларнинг мазмунини ва сифатига алоҳида эътибор қаратяптилар.

Шунингдек, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Ҳаракатлар стратегиясининг “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларнинг фаоллигини ошириш, сайлов олди учрашувларда аҳоли томонидан кўтарилган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ дастур ва “йўл харита”ларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тўлиқ амалга ошириш вазифалари белгилаб қўйилган.

Ижро ҳокимияти фаолиятини шакллантиришдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколати ва иштирокини янада такомиллаштириш мақсадида, 2019-йил 5-мартдаги “Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши натижасида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79, 93, 98-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди [13].

Мазкур янги қоидага мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзод у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг сиёсий партиялар фракциялари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилганидан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилади ва маъқулланади. Бу тартиб - қоидада ҳам сиёсий партия фракцияларининг ижро ҳокимиятини шакллантиришдаги иштироки ва ваколатларини кенгайтиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур қонунга мувофиқ, парламент куйи палатасига ҳукумат аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш ваколати берилди. 2019 йилда илк маротаба ҳукумат аъзолигига 3 нафар номзод Қонунчилик палатасининг мажлисларида кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Буларга, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари – Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Э.

Баситханова; Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б.И. Закиров; Ўзбекистон Республикаси маданият ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б. Хусановлардир[14]. Албатта юқорида таъкидланган демократик ислохотлар сиёсий партиялар фаоллигига ва ўзаро рақобат олиб боришига ижобий таъсир кўрсатди. Ўтган қисқа вақт давомида мазкур ўзгаришлар мувофақиятли амалиётда қўлланиб келинмоқда.

“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 2-моддаси демократик кучлар блокинни ташкил этиш учун ҳуқуқий асос бўлиб, унда бир неча сиёсий партиялар фракциялари ўз дастурий мақсад-вазифаларининг яқинлигидан ёки ўхшашлигидан келиб чиққан ҳолда парламент кўпчилигини тузиши мумкинлиги назарда тутилган.

Ушбу нормага асосланиб, 2015 йил 14 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда парламентнинг куйи палатасида “Демократик кучлар блоки”ни тузиш масаласи муҳокама этилди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди.

Сиёсий партияларни уларнинг амалдаги ҳокимиятга нисбатан муносабатига кўра, ҳукмрон(ҳукуматдаги) ва мухолифат партияларга бўлиш кенг тарқалган. Ҳукумат партиялар бу амалдаги ҳокимият тепасида бўлган ҳамда кўпчилик ғарб олимларнинг фикрича, улар давлат органларининг ёрдамчиси ҳисобланадилар. Бундай партияларга кўпинча консерватив йўналишдаги партиялар киради. Мухолифат партиялар эса амалдаги ҳокимиятдан ўрин ололмаган ҳамда ҳукмрон сиёсий партиянинг ғоявий – сиёсий қарашларига қарши чиқувчи партиялардир, бундай партияларга шартли равишда радикал типдаги партиялар киритилади. Буюк Британияда агар ҳокимият тепасига Консерваторлар партияси келса, уларга мухолифат партия Лейбористлар партияси бўлади ёки аксинча[15].

Юридик фанлар доктори М.Ф.Чудаковнинг фикрича, Буюк Британияда барча парламент фаолияти фракциялар ташкил этилгандан бошланади. Парламентда кўпчилик ўринга эга бўлган фракция ҳукуматни шакллантирилади, мазкур фракция раҳбари Ҳукуматда Бош вазир лавозимини эгаллайди. Сони бўйича иккинчи ўриндаги партия фракцияси расмий ўзини мухолифат деб эълон қилади. Фракция раҳбари мухолифат партия фракциячи раҳбарига айланади. Қиролича эса яширин кабинетга бошчилик қилади[16].

1937 йилги “Министрлар Каронаси тўғрисида”ги актга мувофиқ, мухолифат партия фракцияси етакчисига қиролича ҳар йил маош тулайди. Мазкур партия депутатлари “Яширин кабинет”ни ташкил этади. Улар ҳар доим ҳукумат фаолиятдан хабардор бўлиб, ҳар вақтда амалдаги ҳукуматни ўзгартиришга тайёр туради.

Ўзбекистон Республикасида мухолифат сиёсий партиялар ҳақида қонунчилигимизда қоидалар мустаҳкамлаб қўйилмаган. Аммо мухолифат сиёсий партия фракциялари фаолияти бўйича қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Профессор З.Исломовнинг фикри кўра, “Мухолифат сиёсий институт сифатида сиёсий рақобатнинг муҳим институти” [17] деб ҳисоблайди. Профессор Ш. Мамадалиев эса “оппозиция(мухолифат) деб ўзининг жамиятни ривожлантиришга оид сиёсий дастурига, электоратига эга бўлган, давлат вакиллик органларидаги ўз вакиллари орқали расмий ҳокимиятга таъсир этувчи, қонунлар доирасида сиёсий ҳокимият учун кураш олиб борувчи сиёсий партиёга айтилади[18], деган фикрни билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34 - моддасида, сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қиммати ҳеч ким камситиши мумкин эмас, деб белгилаб қўйилган.

2007 йилда қабул қилинган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг родини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонунда, янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган фракциялар ўзларини мухолифат деб эълон қилиши мумкин. Агар амалиётга қарайдиган бўлсак, бирон марта янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган фракциялар ўзларини мухолифат деб эълон қилганлигини кузатмаганмиз. Шу маънода мазкур тартибнинг механизмини очиб бериш лозим деб ўйлаймиз.

Бизнинг фикримизча, тегишли қонунларимизга Ҳукуматга нисбатан ўзини мухолифат деб эълон қилган партия фракцияларига қуйидаги ҳуқуқларни мустақамлаб қўйсақ, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Буларга: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан ўзининг юборган сўровлари асосида тегишли маълумотларни ҳамда улар қабул қилган ҳужжатлардан нусхалар олиш; Вазирлар Маҳкамаси, ижро ҳокимияти органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслар фаолиятининг доимий мониторингини олиб бориш; Парламент назорати доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қилишни амалга ошириш; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолияти дастурига нисбатан муқобил тақлифларни тайёрлаш; Ҳукумат томонидан киритилган қонун лойиҳасига нисбатан муқобил лойиҳани киритиш; Давлат дастурига нисбатан муқобил лойиҳани ишлаб чиқиш. Бу орқали домий тарзда Ҳукумат томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар ва нуқсонлар тегишли маълумотлар асосида уларга етказилиб турилади.

П.Брохмеднинг ёзишича, “Мухолифат – бу партия кейинги умумхалқ сайловларида ютиб чиқишни режалаштирган сиёсий кучдир” [19]. Дарҳақиқат, кейинги сайловларда ғалаба қозониш, халқнинг олқишига сазовор бўлиш учун сиёсий партия ҳамда унинг фракциялари мавжуд имкониятдан фойдаланишлари лозим. Юрий фанлар доктори Л.А.Нудненконинг мулоҳазасига кўра, “ Табиий савол туғилади парламентда иккита мухолифат фракцияси тузилиши мумкинми? Хорижий мамлакатлар Регламенти таҳлиллари натижаси шуни кўрсатадики, парламентда битта мухолифат депутатлар фракцияси ёки битта мухолифат депутатлар фракцияси бирлашмаси бўлиши мумкин. Мухолифат парламенти

фаолиятини ташкил этиш ўзининг Низоми билан тартбига солинади.

Сиёсатшуносларнинг фикрига кўра, ҳозирги ўзини мухолифат деб ҳисоблайдиган партиялар, конструктив мухолифат сифатида ўз вазифасини бажара олмайдилар. Кўпчилиги асосан қуруқ сўзда ифодаланади, фуқароларнинг манфаатларини таъминлашдан эса анча йироқда[20].

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятига эътибор қаратдиган бўлсак, мухолифат сиёсий партия фракциялари, Демократик кучлар блокининг реал фаолиятини, унинг ўзига хос йўналишини кузатиш қийин. Шунинг учун мазкур мухолифат партия фракциялари, Демократик кучлар блокининг палатадаги роли ва ўрнини ошириш мақсадида мухолифат партия фракциялар, Демократик кучлар блоки ўзини нима, унинг мақсад ва вазифалри, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолият қарорларини белгилайдиган алоҳида “Парламент мухолифати тўғрисида”ги Низомни қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Таҳлилларга қарайдиган бўлсак, сиёсий партия фракциялари ташаббуси билан 15 маротаба “ҳукумат соати” ўтказилиб, уларда вазирлик ва давлат кўмиталари раҳбарлари халқ вакилларининг долзарб масалаларнинг ечими юзасидан саволларига атрофлича жавоб берди. Ўзбекистон ХДП фракцияси 5 марта; “Адолат” СДП фракцияси 5 марта; ЎзЛиДеП фракцияси 4 марта; “Миллий тикланиш” ДП фракцияси 1 марта мазкур ташаббус билан чиқишларини амалга оширган[21].

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, фракция ва депутатлар гуруҳи фаолияти қуйидаги ҳолларда тугатилади: фракция ёки депутатлар гуруҳининг ўз ташаббусига биноан; Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддати тугаганда; фракция ёки депутатлар гуруҳи таркибига кирувчи депутатлар сони уларни тузиш учун зарур бўлган меъёрдан камайиб кетганда; тегишли сиёсий партия фаолияти тугаганда (тугатилганда). Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддати тугашидан олдин фракциялар ёки депутатлар гуруҳлари фаолиятининг тугатилиши Қонунчилик палатасининг қарори билан расмийлаштирилади.

Хулоса қилиб айтганда, истиқболда сиёсий партия фракциялари парламент фаолиятида ўзининг ўрни ва родини янада ошириши, қолаверса, парламент назорати шаклларида унумли ва самарали фойдаланишлари лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.uza.uz>
2. Большой юридический словарь. – М.: Инфра- М, 1998. – С.743.
3. Лапаева В.В. Право и многопартийность в современной России: Учебник. – М., 1999. – С.193.
4. Михайлова Е. Теневые структуры Думы//Независимая газета”, 2001. -13 сентября.
5. Конституционное право зарубежных стран .Учебник.М., Том 1-2., ООО «Издательство БЕК».1999. – С.515.
6. Ельшов М. Парламентские фракции: правящие большинство и оппозиционное меньшинство// Хуқуқ-Право-law. – Тошкент, 2005. - №. – Б.15.
7. Шнайдер Э. Политическая система Российской Федерации. – М.: ИНИОН РАН,2002. – С.176.

8. <https://www.elections.uz>
9. <https://www.uza.uz>
10. Конституциявий ҳуқуқ.Энциклопедик луғат// www.lex.uz
11. Беков И.Р.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва сиёсий партиялар: Монография. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. – Б.77.
12. [https:// www.parliament.gov.uz](https://www.parliament.gov.uz)
13. 2019-йил 5-мартдаги “Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун. [https:// www.parliament.gov.uz](https://www.parliament.gov.uz)
14. [https:// www.parliament.gov.uz](https://www.parliament.gov.uz)
15. Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи: Дарслик/Мсзул муҳаррир: проф.А.А.Азизхўжаев: - Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. –Б.183.
16. Конституционное право зарубежных стран.Учебник/М.Ф.Чудаков. Минск: Вышэйшая школа, 2018. – С.301.
17. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005.- Б.135.
18. Мамадалиев Ш.О. Ўзбекистон сиёсий партиялари: шаклланиш жараёнлари ва ривожланиш истикболлари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – Б.43.
19. Брохмед П.Эволюция британской конституции. М.: ЮЛ,1978.С.144.
20. Қаранг: Социальный заказна оппозицию в России//<http://http:sococom.ru/2008/07/31/opposition-for-russia>
21. [https:// www.parliament.gov.uz](https://www.parliament.gov.uz)

З.С. Исраилова,
докторант (PhD) Академии государственного
управления

О НЕКОТОРЫХ ПРАВОВЫХ, ОРГАНИЗАЦИОННЫХ АСПЕКТАХ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДСТАВИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ НА МЕСТАХ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: В Статье рассматриваются правовые, организационные, социально-экономические аспекты деятельности представительных органов государственной власти на местах, анализируется ряд объективных и субъективных показателей оценки эффективности данной деятельности.

Ключевые слова: представительные органы государственной власти на местах, эффективность, децентрализация, фактор повышения эффективности, критерии оценки.

Annotation: The article is devoted to the process of reforming the system of the representative body of state power on the ground in Uzbekistan and to the problem of assessing the factors influencing the efficiency. Factors influencing the quality of activity of representative bodies of state power are classified.

Key words: representative bodies of state power in the field, efficiency, decentralization, efficiency improvement factor, evaluation criteria.

Значимыми событиями 2019 года являются предстоящие в мае выборы председателей сходов граждан и в декабре – выборы в Олий Мажлис Республики Узбекистан и Кенгаши народных депутатов. Избирательные кампании будут проходить в новых организационно-правовых условиях и станут важным фактором роста гражданской активности населения. Все это имеет ключевое значение для оценки итогов работы представительного органа государственной власти на местах и для определения приоритетных направлений его деятельности в 2019 году.

В рамках “Концепции об Административных реформ Республики Узбекистан” (далее Реформа) было указано, что проводится поверхностное оценивания механизма деятельности местных органов власти, которые в большинстве случаев не отражают реальной ситуации на местах [1].

Оценка деятельности представительных органов государственной власти представляет немалые трудности для исследователей, которых интересует возможности объективного и корректного обозначения качества представительного органа государственной власти на местах с использованием критериев и параметров оцениваемого объекта. Оценка эффективности Кенгашей народных депутатов трудны, но в определенных случаях очень даже возможны. Для этого необходимо, чтобы под представительным органам государственной власти на местах в целом как объектом оценки понималось только то, что оно является, а именно вид управленческой деятельности данного органа, осуществляемый в жестко очерченных правовых границах исполнения конкретных полномочий.

Главная цель данной статьи – это поиск основных факторов влияющих на эффективность деятельности Кенгаша народных депутатов, правовые а также организационные аспекты повышению представительного

органа государственной власти на местах. На практике эта проблема не исследована. Отсутствие научных исследований оценки эффективности деятельности представительного органа государственной власти на местах и деятельности депутатов можно объяснить прежде всего сложностью этой проблемы для государственного и социального управления. К основным причинам трудностей осуществления оценки деятельности представительного органа, на наш взгляд, следует отнести следующие: это недостаточная возможность материального стимулирования за высокие результаты; слабый уровень разработок регламентов деятельности с четкой формулировкой прав и обязанностей; отсутствие простых и четких методик текущей оценки результатов деятельности.

Широкое использование термина «эффективность» в различных сферах человеческой деятельности и на всех уровнях государственного управления свидетельствует о его универсальности и многозначности. Однако приходится констатировать, что в нашей стране до настоящего времени не выработано действенных механизмов оценки деятельности органов и должностных лиц представительных органов государственной власти на местах, не создано единой универсальной системы соответствующих критериев и показателей. Прежде всего, следует уточнить сущность термина «эффективность». Понятие «эффективность» производно от латинского «эффект» (effectus), т.е. воздействие одного явления, процесса на другое, в результате чего возникает устойчивый, определённый результат [2]. Соответственно, эффективность означает действительность, результативность, но не любую, а заранее намеченную, целевую, приводящую к необходимым результатам. Наряду с эффективностью цел достижения можно выделить эффективность власти по предназначению – степень сохранения и развития общества, что является высшей целью и неотъемлемой функцией любой власти. Именно по этому критерию эффективность политической, правовой власти оценивает общество. Под эффективностью деятельности представительного органа понимается мера реализации цели, задач и планов, показывающая, какое конкретное воздействие они оказали на развитие социальной активности граждан, их знания, чувства, убеждения, практическое поведение и деятельность. В данном случае эффективность является свидетельством того, какие реальные успехи достигнуты, информировании населения, в организации экономических, социальных, правовых, культурных и иных задач.

На сегодняшний день Реформа, утверждённая указом президента

Ш. Мирзиёева, предполагает совершенствование институциональных и организационно-правовых основ деятельности органов власти а также представительных органов государственной власти на местах, достижение эффективности работы органов исполнительной особенно актуально.

Давайте разберем ряд факторов влияющих на эффективность деятельности представительных органов государственной власти на местах. В первую очередь, на качество влияет состав выборных должностных лиц и членов выборных органов. Сегодня в практику работы исполнительного органа на местах активно входят отчеты о проделанной работе перед населением и депутатами представительных органов. Однако сами

народные избранники не всегда четко устанавливают порядок оценки качества своей работы. Их отчеты перед избирателями, как правило, носят формальный характер. Контроль над исполнением депутатских обязанностей, по существу, отсутствует, а такая мера, как отзыв депутата, на практике не работает. Ситуацию, по нашему мнению, может изменить, регламентирующий деятельность народных представителей всех уровней. Для определения эффективности деятельности представительного органа государственной власти необходимо собрать и проанализировать разнообразную информацию о реальном, практическом состоянии объекта и депутатского воздействия на него, а также содержание проводимой работы депутатом, средствах, формах и методах, и о реальных результатах воздействия, об условиях и факторах, определяющих эффективность. Одной из основных черт представительного органа государственной власти наряду с выборностью на определенный срок полномочий, является коллегиальность принятия решений. Все члены представительного органа равны между собой, Деятельность депутатов осуществляется по двум основным направлениям – в представительном органе и в избирательном округе. Данная двойственность функций также должна, по нашему мнению, учитываться при определении и оценке эффективности представительного органа. Следующие основные факторы, влияющих на эффективность работы представительных органов государственной власти это их состав и способ формирования, коллегиальный характер принятия решений. Все факторы можно условно разделить на внутренние и внешние. Мы определили правовую эффективность деятельности представительных органов государственной власти как степень удовлетворения посредством их правотворческой деятельности потребностей жизнеобеспечения областей, районов и городов, уровень организации взаимодействия с избирателями, политической партией и органом самоуправления граждан, выдвинувшими его кандидатом в депутаты.

Координация совместной работы с другими органами исполнительной власти, органами государственной власти, общественными организациями, СМИ тоже является влияющим фактором.

Давайте обратим внимание на еще один фактор то есть на децентрализацию государственной органа на местах.

Принятая по инициативе Главы государства Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. предполагает «реформирование системы государственного управления и государственной службы посредством децентрализации государственного управления, повышении уровня профессиональной подготовки, материального и социального обеспечения государственных служащих, а также поэтапное сокращение государственного регулирования экономики» [3].

Децентрализация. Этот термин прочно вошел в жизнь демократически развитых и развивающихся государств. Децентрализация это передача функций управления от центральных органов власти местным органам, расширение круга полномочий нижестоящих органов управления за счет вышестоящих [4].

В Узбекистане продолжается активный процесс реформирования системы государственного управления. Большое внимание уделяется вопросам децен-

трализации, государственного органа исполнительной, а так же представительной власти на местах.

Децентрализация государственного управления позволит продолжить демократические преобразования и повысить эффективность государственного строительства в Узбекистане, расширить полномочия органов государственной власти на местах, повысить активность и уровень вовлеченности в процесс принятия решений институтов гражданского общества, что будет содействовать реализации конституционного права граждан на участие в управлении делами общества и государства.

Налицо важный элемент децентрализации системы государственного управления, учет интересов и возможностей каждой из территорий, поскольку ключевыми направлениями деятельности сводных управлений обозначены развитие промышленности и капитального строительства, сельского хозяйства, транспорта, инженерных коммуникаций и коммунальной сферы, социального развития, демографии и занятости населения.

Обеспечение эффективного взаимодействия разных ветвей власти является важнейшей задачей. В этой связи Президент нашей страны Ш. Мирзиёев в своем докладе «Обеспечение верховенства закона и интересов человека – гарантия развития страны и благополучия народа» по случаю 24-летия принятия Конституции Республики Узбекистан внес предложение: «...в целях более эффективной организации взаимодействия правительства и парламента в законотворческой и контрольно-аналитической сферах было бы целесообразно учредить должность действующего на постоянной основе представителя Кабинета Министров в Олий Мажлисе» [5].

Президент подчеркнул: «Основной вопрос заключается в своевременном доведении до народа и ответственных исполнителей сути и значения законов, организации их правильного исполнения и обеспечении неукоснительного соблюдения их требований». Только при последовательном обеспечении эффективного взаимодействия всех трех ветвей власти государственная политика станет оперативной, открытой, прозрачной и действенной. Тем самым повысится доверие населения к государственным органам [6].

Незавершенность процесса разделения властей особенно четко видна на местном уровне. К примеру:

Во первых, до сих пор законодательно не прописано четкое распределение полномочий между Кенгашами народных депутатов и хокимами соответствующих уровней власти. И Конституция и закон «О государственной власти на местах» лишь описывают полномочия местных органов государственной власти, не определяя, какие из этих полномочий, осуществляют Кенгашем, а какие хокимом. Кроме того, законодательно не определены условия организационного и ресурсного обеспечения деятельности Кенгашей. Фактически только хокимы обладают реальными политическими, организационными и материальными ресурсами.

Во вторых, несмотря на избираемость местных Кенгашей народных депутатов, руководство их деятельности осуществляется главой исполнительной власти на местах – хокимом. Таким образом, на местном уровне хоким является единоличным руководителем как представительной, так и исполнительной власти, что ограничивает самостоятельность в реализа-

ции полномочий местных Кенгашей народных депутатов.

В третьих, роль местных Кенгашей депутатов очень низка в вопросах выдвижения проблематики и принятия по ним соответствующих решений так как все решает организационный контрольная группа хокима. Развитие рыночных отношений и институтов гражданского общества приводит к тому, что возможности централизованного государственного воздействия на экономику и социальную жизнь общества уменьшаются. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране придала мощный импульс дальнейшему повышению эффективности работы парламента, представительных органов власти на местах, в том числе их контрольных функций. Нужны децентрализация и усиление роли регионов.

Также очень важно, чтобы наряду с расширением функций и полномочий имело место повышение эффективности работы местных органов власти. А для этого необходимо создать действенные механизмы сдержек и противовесов для местных органов власти, позволяющих обеспечить подконтрольность органов государственного управления и местного самоуправления жителям соответствующих территорий, чего невозможно добиться без дальнейшего развития и совершенствования демократических институтов и механизмов. В частности, ни Конституция Республики Узбекистан, ни иные законодательные акты точно не определяют круг вопросов, подлежащих исключительному регулированию на уровне законов.

Возникает необходимость в сокращении функции и полномочий государственного аппарата, а также в делегировании полномочий центральных органов государственной власти вниз: местным органам государственной власти, органам самоуправления граждан, другим институтам гражданского общества, частному сектору.

Для местных органов власти исполнительным так и представительным органам власти на местах весьма актуально налаживание механизмов обратной связи с населением, для получения сигналов о существующих недостатках, генерирования новых идей по решению назревших проблем. Очень важно создание и законодательное закрепление системы постоянной отчетности депутатов, хокимов перед населением, в том числе через средств массовой информации.

Таким образом, вышеназванные условия необходимо заложить в новое законодательство, что обеспечит гарантии представительного органа государственной власти на местах, создаст возможность и стимулы для их самостоятельной и эффективной работы. При этом, главным критерием подобной реформы должно стать развитие «гибкого, быстрого и способного приспособляться к изменениям» представительного органа государственной власти на местах.

Список литературы:

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 08.09.1017 года «Об утверждении концепции административной реформы в Республики Узбекистан»
2. Словари и энциклопедии в Академике. <http://dic.academic.ru>
3. Стратегия действия по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. Приложение к Указу Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. // www.lex.uz.

4. <https://dic.academic.ru>

5. Мирзиёев Ш.М. Обеспечение верховенства закона и интересов человека—гарантия развития страны и благополучия народа. Доклад на торжественном собрании, посвященном 24-й годовщине принятия Конституции Республики Узбекистан. (Электронный ресурс) <http://www.press-service.uz>

6. Касимова А.А. Принцип разделения властей и взаимоотношения центральных органов государственной власти // Молодой ученый. 2017. —№15. —С. 258-260.

Ш.О. Ахмедова,
преподаватель ТГЮУ

ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В ОБЛАСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БЛАГОПРИЯТНОЙ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ

Аннотация: в данной статье исследованы проблемы, связанные с обеспечением конституционного права на благоприятную окружающую среду граждан. Проблемы касаются, в частности, рационального использования природных ресурсов и состояния экологического законодательства.

Ключевые слова: окружающая среда, благоприятная окружающая среда, природа, экологическая безопасность, экологическое предпринимательство, экологическая экспертиза, экологическое обучение, государственные функции в экологическом праве.

Аннотация: ушбу мақолада фуқаролар учун қулай муҳитга конституциявий ҳуқуқни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилади. Муаммолар, хусусан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан боғлиқ.

Таянч сўзлар: атроф-муҳит, қулай атроф-муҳит, табиат, экологик хавфсизлик, экологик тадбиркорлик, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш, экологик таълим, атроф-муҳит ҳуқуқидаги давлат вазибалари.

Annotation: the thesis deals with the problems associated with ensuring the constitutional right to a favorable environment of citizens. Problems concern, in particular, rational use of natural resources and the state of environmental legislation.

Keywords: environment, favorable environment, nature, environmental safety, environmental entrepreneurship, environmental impact assessment, environmental education, government functions in environmental law.

Человек является творением и одновременно создателем своей окружающей среды, которая обеспечивает его физическое существование и предоставляет ему возможности для интеллектуального, нравственного, социального и духовного развития. В ходе долгой и мучительной эволюции человечества на планете была достигнута такая стадия, на которой в результате ускоренного развития науки и техники человек приобрел способность преобразовывать многочисленными путями свою окружающую среду. Оба аспекта окружающей среды, как естественной, так и созданной человеком, имеют решающее значение для его благосостояния и для осуществления основных прав человека, включая даже право на саму жизнь.

Человеческая интеграция и интенсивная эксплуатация природных богатств и пренебрежительное отношение к окружающей среде привели к необходимости совершенствования правового регулирования в области охраны окружающей среды. На сегодняшний день охрана окружающей среды одна из наиболее актуальных проблем современности. В последние десятилетия с данной проблемой столкнулись все страны мира.

Природа, как источник всех благ для существования человека, имеет право требовать бережного отношения к своим богатствам, которые не беспредельны. Человек со своим непониманием и небрежностью способствует к уничтожению и вымиранию элементов естественной окружающей среды. В связи с этим возникает вопрос об охране естественной окружающей среды от негативного влияния человечества. Каждый человек занимает значительное место в отношениях между природой и человеком. Поэтому необходимо устанавливать правила поведения, санкционированные государством, повышать экологическую культуру населения, устанавливать механизмы для проведения общественного контроля, укреплять взаимоотношения между государственными органами, организациями, хозяйствующими субъектами, гражданами и иными участниками правоотношений.

Кроме того, наряду с оптимизацией экономической политики государства, весьма актуальна и экологическая политика. Так как в условиях все большего ухудшения состояния окружающей среды, права граждан на потребление чистой воды, чистого воздуха и т.д. становится одним из жизненно важных. Тогда как основное социальное назначение государства заключается в обеспечении прав и свобод своих граждан, то в современных условиях экологическая политика государства превращается в важнейшее направление его политической деятельности.

Говоря о конституционном закреплении обязанности граждан по охране и рациональному использованию окружающей среды, необходимо обратиться к статье 50 Конституции Республики Узбекистан, где установлено, что каждый гражданин обязан бережно относиться к окружающей природной среде.

Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев продолжает политику первого президента И. А. Каримова по охране окружающей природной среды. В связи с этим в 7 февраля 2017 года был принят Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» УП – 4947, который содержит в себе положения по принятию мер по охране, защите, сохранению и поддержанию окружающей природной среды, и обеспечению прав граждан на благоприятную окружающую среду. Необходимо отметить, что на сегодняшний день вопросы охраны окружающей среды и рационального использования природных ресурсов стоят в центре внимания государства и это находит свое отражение в принимаемых государством нормативно-правовых документах и мерах.

Но следует отметить общеизвестный во всем мире факт о том, что негативная экологическая ситуация создается в результате нарушений, направленных на безудержное использование природных ресурсов. При этом, не предусматриваются необходимые меры по сохранению природной среды. В связи с этим необходимо уяснить, что охрана природной среды, обеспечение благоприятной окружающей среды и рациональное использование природных ресурсов являются важнейшими функциями государства. Как мы знаем на сегодняшний день в Республике Узбекистан создаются большие возможности для поддержания и развития малого бизнеса и предпринимательской деятельности. Обеспечиваются гарантии физическим и юридическим лицам, осуществляющим предпринимательскую деятельность, являющимся хозяйствующими субъектами,

по осуществлению и защите их коммерческой деятельности.

Республика Узбекистан принимает соответствующие меры по охране природы с повышением уровня предпринимательской деятельности для обеспечения прав и свобод своих граждан на проживание в благоприятной окружающей среде.

В соответствии со статьей 54 Конституции Республики Узбекистан собственник по своему усмотрению владеет, пользуется и распоряжается принадлежащим ему имуществом. Использование имущества не должно причинять ущерб экологической среде, нарушать права и охраняемые законом интересы граждан, юридических лиц и государства.

Поэтому, как пишет Л.А. Морозова, каждый человек должен иметь возможность требовать соответствующего поведения от физического и юридического лица, а также прибегать к помощи государства для обеспечения этого права. А государственные гарантии на благоприятную окружающую среду состоят в том, что государство должно осуществлять планирование и государственное нормирование качества окружающей среды, принимать меры по предотвращению экологически вредной деятельности, предупреждению и ликвидации аварий, стихийных бедствий, катастроф, а также государственный контроль за соблюдением природоохранного законодательства, привлекать к ответственности граждан и организации за нарушения экологических требований[1].

Не стало нормой обеспечение каждым субъектом экологического права в своей трудовой повседневной природоохранной деятельности соблюдения нормативно-правовых требований к сохранению благоприятной окружающей среды или восстановления ее такого состояния. И, вероятно, только на высоком профессиональном уровне время от времени задумываются о соблюдении, реализации, охране или защите права каждого на благоприятную окружающую среду. Это происходит как в научной сфере, так и в практической деятельности.

В реальной жизни на организм человека оказывает влияние не один, а много факторов окружающей среды. По отношению к здоровью человека они могут быть безразличными или оказывать благоприятное действие. Но могут также наносить вред, вплоть до смертельного исхода.

Если окружающая среда изменяется под воздействием различных антропогенных факторов, она не способна в полной мере обеспечить здоровье экосистем и каждого организма, в частности. И в связи с этим возникает вопрос об охране окружающей среды от всяких негативных воздействий человечества.

Природа сама может защищать, используя естественные механизмы саморегулирования биосферы. И только когда объем антропогенного воздействия превышает регенеративные возможности биосферы, тогда возникает потребность в использовании мер, в том числе, правовых, препятствующих дальнейшему нарастанию таких негативных воздействий. При этом становится значительной роль государства и требует республики регулирования этих отношений.

Отечественный профессор Ж.Холмуминов справедливо отмечает: «Основное назначение экологической функции государства выражается в обеспечении научно-обоснованного сочетания и согласования экологических и экономических интересов общества, а также в создании необходимых гарантий, направленных

ных на реализацию и защиту прав человека на чистую и благоприятную окружающую среду»[2].

Необходимо акцентировать здесь внимание на экологические функции государства, направленные на создание гарантий, обеспечивающих реализацию и защиту прав человека на благоприятную окружающую среду. Целесообразно отметить, что основной целью охраны окружающей среды является обеспечения благоприятной окружающей среды для проживания каждого. Несмотря на то, что понятие «благоприятная окружающая среда», бесспорно можно отнести к наиболее значимым и фундаментальным понятиям, о дефиците внимания к понятию и категории благоприятной окружающей среды в доктрине, законодательстве и на практике уже не раз отмечался. Обращает на себя внимание также то, что в науке экологического права к исследованию этого понятия подходят преимущественно в контексте субъективного права на окружающую среду. М. И. Васильева вполне справедливо выразила один из аргументов такого научного интереса: «Объектом права на благоприятную окружающую среду является ее качество, характеризующееся как благоприятное. В практике правозащитной деятельности значительные сложности вызывает недостаток критериев благоприятности»[3].

Ю. С. Шемшученко положил начало развитию доктринальных положений по вопросу об определении содержания понятия благоприятная окружающая среда. Он определял благоприятную окружающую среду, как характеризующуюся не только признаками здоровой (незагрязненной), но и ресурсоемкой, экологически устойчивой, эстетически богатой и разнообразной среды обитания человека[4].

Право человека на благоприятную окружающую среду устанавливается законодательством разных государств в своеобразных формулировках. Как выше было упомянуто, благоприятной является такая окружающая среда, которая способна удовлетворять физиологические, экономические, эстетические и иные потребности человека. Именно так рассматривает понятие окружающей среды в статье 1 Стокгольмская «Декларация ООН по окружающей среде», в которой говорится, что «Человек является творением и одновременно создателем своей окружающей среды, которая обеспечивает его физическое существование и предоставляет ему возможности для интеллектуального, нравственного, социального и духовного развития».

В Конституции Республики Узбекистан понятие «благоприятная окружающая среда» не упоминается, кроме некоторых нормативно-правовых актов. Данное понятие не очень часто используется, но важно отметить, что используется это понятие в двух значениях: применительно к субъективному праву человека и к определению целей и критериев деятельности государства и других субъектов экологического права по охране окружающей среды.

К сожалению, определение к понятию благоприятная окружающая среда ни в каких законодательных и подзаконных актах Республики Узбекистан не дается.

Если не установлено законодательством определенный норматив, которого надо поддерживать и не нарушать, минимальный уровень его допустимого и существования, меры, качество и критерии данного норматива, на которого должны соблюдать все участники экологических правоотношений. Лица как будут знать, что они нарушают ли благоприятность окружа-

ющей среды, когда они не осведомлены о самом понятии благоприятности и ее критериев качество.

Таким образом, явным дефектом экологического законодательства Республики Узбекистан является отсутствие легального определения понятия «благоприятная окружающая среда», и при этом отсутствие юридических критериев благоприятного состояния среды. Придание законом юридического значения к понятию благоприятной окружающей среды и определение критериев благоприятности служит повышению эффективности охраны окружающей среды, обеспечению прав каждого на благоприятную окружающую среду для их жизнедеятельности.

Следовательно, необходимо разработать и дать в экологическом законодательстве Республики Узбекистан точное определение понятию «благоприятная окружающая среда». В законодательстве зарубежных государств (РФ, США, Республика Украины, Испания, Португалия) четко указывается, что представляет собой благоприятная окружающая среда. На наш взгляд, необходимо дать следующее определение данному понятию: «благоприятная окружающая среда - качество соответствующее установленным в экологическом законодательстве требованиям и нормативам, касающимся чистоты (незагрязненности), ресурсоемкости (неистощимости), экологической устойчивости, видового разнообразия и эстетического богатства, которое обеспечивает устойчивое функционирование естественных экологических систем, природных и природно-антропогенных объектов». Это позволит всем субъектам природопользования понять сущность рационального природопользования и обеспечивает единое понимание рассматриваемого определения, предотвращая на практике различные споры по толкованию его смысла.

При этом, необходимо установить критерии благоприятного состояния окружающей среды. Так как нормативное закрепление существенных критериев благоприятности окружающей среды придает устойчивости самому понятию благоприятной окружающей среды.

Вопрос о функциях природы по отношению к человеку является юридически значимым. Он положен в основу правового регулирования природопользования и охраны окружающей среды от вредных воздействий человеческой деятельности. Так, чтобы обеспечить каждого человека правом на благоприятную окружающую среду и поддержать экономическую функцию природы и предупредить истощение природных ресурсов, современное экологическое право устанавливает требования, касающиеся рационального использования земли, вод, лесов, других природных богатств, направленные на охрану природы от химического, физического и биологического загрязнения с целью обеспечения оптимальной возможности для реализации экологической функции природы.

Охрана окружающей среды представляет собой комплекс мероприятий, направленных на уменьшения и искоренения негативных воздействий человечества на окружающую среду. Она должна проводиться на различных уровнях, включая местный, государственный и международный, для обеспечения лучшего результата[5].

К защите окружающей среды можно отнести: создание природоохранных территорий (включая национальные парки, заповедники, заказники); очищение загрязненных водных ресурсов; предотвращение де-

градации земель; сохранение биологически уникальных экосистем; повышение осведомленности среди населения о значении окружающей среды; принятие решений по защите окружающей среды на международном уровне и т.д.[6]. Все эти действия урегулированы национальным законодательством Республики Узбекистан и международными актами. Они являются нормативной основой всех мер и действий, совершаемых в области охраны окружающей среды и обеспечения его благоприятности, субъектами экологических правоотношений.

В соответствии со статьей 50 Конституции Республики Узбекистан граждане обязаны бережно относиться к окружающей природной среде. Данная конституционная норма обязывает не только рационально использовать природные ресурсы, но и восстанавливать и приумножать ее богатства, охранять окружающую среду[7]. Следующая конституционная норма, обеспечивающая охрану окружающей среды, статья 54. Согласно которой собственник по своему усмотрению владеет, пользуется и распоряжается принадлежащим ему имуществом. Использование имущества не должно причинять ущерб экологической среде, нарушать права и охраняемые законом интересы граждан, юридических лиц и государства.

Право имеет свою определенную границу и тогда, когда это граница сталкивается с границей другого права, сфера его действия заканчивается. Это означает, что мы имеем осуществлять свое право до прав других лиц. Наша правовая деятельность не должна ущемлять права других людей.

Статья 55 Конституции Республики Узбекистан гласит о том, что земля, ее недра, воды, растительный и животный мир и другие природные ресурсы являются общенациональным богатством, подлежат рациональному использованию и охраняются государством. Разумное использование природных ресурсов, а также их защита являются предметом экологической политики каждого государства и имеют важное политическое и экономическое значение. Поэтому в Конституции Республики Узбекистан уделено особое внимание именно этой задаче. В соответствии с данной статьей земельные, подземные богатства, водный, растительный и животный мир признаны общенациональной ценностью; вменяется обязанность защиты окружающей среды и природных ресурсов, их рационального использования. Имеющиеся природные ресурсы охраняются государством.

Как мы выше говорили, каждый имеет право на проживание в благоприятной для их здоровья окружающей среде. Кроме конституционных норм национального законодательства, обеспечивающие право лиц на благоприятную окружающую среду, существует статья 12 Закона Республики Узбекистан «Об охране природы». Согласно которой жители Республики Узбекистан имеют право на проживание в благоприятной для их здоровья и здоровья будущих поколений природной среде, охрану здоровья от неблагоприятных воздействий окружающей среды.

В этих целях жители Республики Узбекистан имеют право объединяться в общественные организации по охране природы, требовать и получать информацию о состоянии окружающей природной среды и мерах, принимаемых по ее охране. Правомочия общественных объединений, действующих в сфере охраны природы, определяются их уставами, принятыми в соот-

ветствии с законодательством Республики Узбекистан[8].

Как субъекты правоотношения, обладающие субъективные права и юридическую ответственность. Мы тоже одновременно с правами имеем обязанности по охране природы. По вышеуказанной 12 статье жители Республики Узбекистан обязаны рационально использовать природные ресурсы, бережно относиться к богатствам природы, соблюдать экологические требования.

По нашему мнению, исходя из нашей работы необходимо рассмотреть законы и нормативно-правовые акты Республики Узбекистан, направленные на обеспечение благоприятного состояния окружающей среды и рационального использования природных ресурсов при осуществлении предпринимательской деятельности. В соответствии с Законом Республики Узбекистан «Об охране природы» от 9 декабря 1992 г., № 754-XII, (ст. 3) одной из основных целей охраны природы являются создание благоприятных условий для здоровья людей, сохранения экологического равновесия, рационального неистощительного природопользования в интересах эффективного и устойчивого социально-экономического развития республики.

Для достижения целей охраны природы во всех сферах жизнедеятельности общества и государства местные органы государственной власти, министерства и ведомства, предприятия, учреждения, организации, фермерские и кооперативные хозяйства, а также граждане обязаны руководствоваться принципам обеспечения прав граждан на благоприятную для жизни окружающую природную среду, обязательность экологического обучения во всех видах образовательных учреждений; стимулирования рационального природопользования и охраны природы, а также ответственности за нарушение требований природоохранного законодательства[9].

Каждый принцип имеет свое неотделимое место в природоохранной деятельности субъектов экологического отношения. Нынешний момент, когда для предпринимательской деятельности установлены все возможные свободы и удобства, принцип стимулирование рационального природопользования и охраны природы занимает особое место. Стимулирование рационального природопользования и охраны природы открывает новые возможности для предпринимателей, и одновременно обеспечивает рациональное использование природных ресурсов и поддержание благоприятного состояния окружающей среды. В соответствии со ст. 37 Закона Республики Узбекистан «Об охране природы» стимулирование рационального природопользования, охраны окружающей природной среды осуществляется путем:

- предоставления льгот при налогообложении предприятий, учреждений, организаций и граждан в случаях реализации ими мер по рациональному использованию природных ресурсов и охране природы;
- предоставления на льготных условиях краткосрочных и долгосрочных кредитов (ссуд) для реализации мер по обеспечению рационального использования природных ресурсов и охраны природы;
- установления повышенных норм амортизации основных производственных фондов;
- передачи части средств Фонда экологии, охраны окружающей среды и обращения с отходами на договорных условиях под процентные займы предприятиям, учреждениям, организациям и отдельным лицам

для реализации мер по снижению выбросов и сбросов загрязняющих веществ.

Экономическое стимулирование природоохранной деятельности — важное направление экологизации производства (льготное налогообложение, льготное кредитование выпуска экологически чистой продукции и внедрение малоотходных и безотходных технологических процессов)[10].

В странах Европейского Союза (ЕС) при экологизации производства, внедрении ресурсосберегающих технологий и участии в восстановлении экологической ситуации применяются ряд налоговых льгот. В частности, в ФРГ кроме прямой финансовой поддержки экологических проектов, немецкие организации при использовании денег для вышеуказанных целей имеют право уменьшить на ту же сумму свои доходы (налогооблагаемую базу), уменьшив, таким образом, сумму налоговых отчислений. Таким образом, государство поддерживает социальные и экологические действия граждан. В рамках государственной природоохранной программы стоит упомянуть «Немецкий Федеральный Фонд Окружающей Среды» — самый большой экологический фонд Европы. Он оказывает грантовую поддержку экологическим проектам. С момента своего создания в 1991 году на гранты было выделено более 1 млрд. евро. Помимо грантов, DBU каждый год присуждает «Немецкий приз окружающей среды» в размере 500 тысяч евро[11].

Кроме механизма экономического стимулирования существуют меры экономического регулирования природоохранной деятельности хозяйствующих субъектов. Экономический механизм стимулирования и регулирования природоохранной деятельности представляет собой единую систему экономического воздействия и реагирования государства в природоохранной деятельности.

Главное здесь — приоритетное осуществление политики ресурсосбережения и охраны окружающей среды с последующей реализацией принципа «загрязнитель платит» [12].

В национальном законодательстве закреплены меры экономического механизма регулирования в нескольких видах[13].

Одним из основных законов регулирующих порядок применения компенсационных выплат за загрязнение окружающей природной среды и размещение отходов на территории Республики Узбекистан является Положение «О порядке применения компенсационных выплат за загрязнение окружающей природной среды и размещение отходов на территории Республики Узбекистан», утвержденное Постановлением Кабинета министров Республики Узбекистан «О совершенствовании системы платежей за загрязнение окружающей природной среды и размещение отходов на территории Узбекистан» от 1 мая 2003 года № 199.

Экологизация производства является в перспективе прибыльной. «Зеленый» бизнес в развитых странах всегда выгоден и обществу, и государству. Предприятия приобретают привлекательный имидж в глазах общественности и получают выход на мировой рынок. Концепция по переходу Республики Казахстан к «зеленой экономике» также обязывает юридических лиц придерживаться правил Концепции при осуществлении деятельности, оказывающей потенциальное воздействие на окружающую среду.

На повестку дня XXI века поставлен вопрос о внедрении новой, экологически ориентированной стратегии

предпринимательства — экологического менеджмента, главной задачей которого является достижение оптимального соотношения между экономическими и экологическими показателями деятельности предприятий.

Для эффективного внедрения в жизнь экологического менеджмента нужны специалисты, обладающие новым, экологическим мышлением, экологической культурой, сознанием и поведением. Приоритетная мера — опережающее экологическое образование и воспитание человека, эффективная реализация программы «Экологическое образование населения»[14].

Экологический менеджмент обеспечивает как повышение эффективности производства, так и охрану окружающей среды, рациональное использование природных ресурсов.

Экологический менеджмент, главной задачей которого является достижение оптимального соотношения между экономическими и экологическими показателями деятельности предприятий. Для эффективного внедрения в жизнь экологического менеджмента нужны специалисты, обладающие новым, экологическим мышлением, экологической культурой, сознанием и поведением. Экологический менеджмент обеспечивает как повышение эффективности производства, так и охрану окружающей среды, рациональное использование природных ресурсов.

В связи с этим считаем, что необходимо создать в штате организаций, непосредственно осуществляющая предпринимательскую деятельность, должность, высококвалифицированного эколога по рациональному использованию природных ресурсов и обеспечения благоприятной окружающей среды. Это даст возможность более эффективно и разумно использовать природные ресурсы и предпринимать меры по поддержанию благоприятного состояния окружающей среды в деятельности хозяйствующих субъектов. И на наш взгляд, это способствует уменьшению в значительном размере вредные воздействия хозяйствующих субъектов на окружающую среду и здоровье населения.

Список литературы

1. Морозова Л. А. Теория государства и право. М.: Эксмо. 2007. 320 с.
2. Халмуминов Ж.Т. Правовые вопросы экологии и охраны окружающей среды». Монография—Т.: «Фанвтаълимполиграф», 2014. — с.24.
3. Васильева М. И. Экологические права граждан. Основы теории: учеб. пособие. Тверь, 1999. с. 19.
4. Шемшученко Ю. С. Правовые проблемы экологии. Киев, 1989. с. 17—30.
5. Бринчук М.М. Благоприятная окружающая среда — важнейшая категория права. Теоретические проблемы российского права и государственности. Журнал российского права. 2008. № 9. с. 47
6. <https://natworld.info/raznoe-о-prirode/harakteristika-rol-tipy-izmenenie-i-ohrana-okruzhajushhej-sredy> Природа Мира|NatWorld.info
7. Комментарии к Конституцию Республики Узбекистан. Академия Министерства внутренних дел Республики Узбекистан. «Узбекистон». 2001. ст. 273
8. Закон Республики Узбекистан «Об охране природы» Ташкент, 9 декабрь 1992 г., № 754-XII. ст. 13
9. Закон Республики Узбекистан «Об охране природы» Ташкент, 9 декабрь 1992 г., № 754-XII. ст. 4

10. Акишин А.С. Управление природопользованием и охраной окружающей природной среды. Волгоград, 2001. с. 52.

11. Гончаров В.В. Природоохранная деятельность в США, Германии, Японии / МНИИПУ. Т. I. М., 1998. с. 692.

12. Акишин А. С. Управление природопользованием и охраной окружающей природной среды. Волгоград, 2001. с. 93

13. Закон Республики Узбекистан «Об охране природы» от 9 декабря 1992 г., № 754-XII. ст. 33.

14. Игнатов В.Г., Кокин А.В. Экологичный менеджмент. Ростов н/Д, 1997. –С. 56.

Н.Ф.Имомов,

юридик фанлар доктори, профессор

ТИЖОРАТЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мақолада фуқаролик ҳуқуқи фани назариясидан келиб чиқиб тижоратчи юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини белгилаш масалалари таҳлил қилиниб, хулосада тегишли ҳуқуқий муаммолар келтирилган.

Калит сўзлар: юридик шахс, тижорат, фуқаролик ҳуқуқи, ташкилий шакл, тадбиркорлик фаолияти.

Аннотация: в статье были проанализированы организационно-правовые формы коммерческих юридических лиц исходя из теории науки гражданского права, в заключении были приведены соответствующие правовые проблемы.

Ключевые слова: юридическое лицо, коммерция, гражданское право, организационная форма, предпринимательская деятельность.

Annotation: the article analyzes the organizational and legal forms of commercial legal entities based on the theory of civil law science, and concludes with the relevant legal problems.

Keywords: legal entity, commerce, civil law, organizational form, business activity.

Бугунги кунда, цивилистикада юридик шахсларни турларга бўлиш борасида кўплаб фикрлар, қарашлар, мезонлар ва ёндашувлар мавжуд. Бунда мутахассисларнинг аксарияти юридик шахсларни турларга бўлишда уларни ташкилий-ҳуқуқий шаклга ажратиш ва шу орқали уларни бир-биридан фарқлаш, шунингдек муайян умумий жиҳатларга эга бўлган ташкилий-ҳуқуқий шаклларни гуруҳлаштириш мезонларига асосланишади [10; 26-с].

Бир қатор мутахассислар юридик шахсларни алоҳида турларга ажратиш ва мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этиш уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли (ТХШ) орқали амалга оширилишини эътироф этишади [8]. Бунда юридик шахсларнинг ТХШ куйидаги белгилари билан асосланади:

- юридик шахс мол-мулкнинг шаклланиш йўллари;
- ушбу мол-мулкка нисбатан муассис (акциядор, иштирокчи, аъзо)лар ва юридик шахснинг ҳуқуқлари;
- муассис (акциядор, иштирокчи, аъзо)лар ҳуқуқларининг вужудга келиши ва бекор бўлиши;
- юридик шахсни бошқариш масалаларида муассис (акциядор, иштирокчи, аъзо)ларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатлари тартиби;
- муассис (акциядор, иштирокчи, аъзо)ларнинг юридик шахс кредиторлари олдидаги жавобгарлиги.

Бир қатор мутахассислар ТХШ юридик шахс тури тушунчаси билан боғлиқ ва одатда айний категориялар сифатида талқин этишади [11].

В.В.Залесский юридик шахслар ТХШни юридик шахс умумий белгилари тизимида объектив ажралиб турадиган ва юридик шахслар ушбу гуруҳини бошқа юридик шахслардан сезиларли даражада ажратиб турадиган аниқ белгилар мажмуи сифатида ифодалайди [5; 26-с].

Н.В.Козлованинг фикрича, ТХШ – бу юридик шахснинг тури бўлиб, у юридик шахснинг бошқа

туридан ташкил этилиш усули, ҳуқуқ лаёқатининг ҳажми, бошқариш тартиби, бир-бирига ва юридик шахсга нисбатан муассис (иштирокчи)ларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари туси ва мазмуни билан фарқ қилади [7; 209-с].

С.Э.Жилинский ташкилий-ҳуқуқий шакл тушунчасини тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг амалий шакллари билан боғлайди ва уларни хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, давлат корхоналари ва умумий “иқтисодий муносабатларнинг мустақил субъекти” сифатида тавсифлайди [4; 47-с].

Л.А.Збрацкаянинг таъкидлашича, ТҲШ бир юридик шахсни иккинчисидан фарқлаш имконини берувчи юридик шахсни ташкилий жиҳатдан шахсийлаштирувчи элемент ҳисобланади [6; 7-с].

О.А.Серованинг фикрига кўра, ТҲШ деганда, мулк ва ташкилий алоҳидалик, мол-мулк базасининг шаклланиш усуллари, мулкдор, муассис, иштирокчи, юридик шахснинг ўзи, айрим ҳолатларда унинг ташкилий тузилмалари ўзаро ҳаракатининг ўзига хослиги ва уларнинг бири-бири, контрагентлар, истеъмолчилар, рақобатчилар, давлат ва жамият олдидаги жавобгарлигининг ўзига хос белгилари мажмуи тушунилади [10; 27-с].

Мазкур фикрлар учун умумий жиҳат сифатида куйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1) ТҲШ юридик шахсларни алоҳида турларга ажратиш асоси ҳисобланади;

2) ТҲШ юридик шахсларни бир-биридан ажратиш мезонларидан биридир;

3) ТҲШ юридик шахснинг номида акс этиши ва фаолиятининг асосий мақсади ва йўналишини кўрсатиши зарур;

4) ТҲШ муассис (иштирокчи)ларнинг юридик шахс фаолияти ва бошқаришидаги иштироки, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ҳиссасини белгилувчи бош ва асосий омиллардин биридир;

5) ТҲШ юридик шахс мол-мулкнинг ҳуқуқий табиати ва унга нисбатан юридик шахснинг ўзи ҳамда муассис (иштирокчи)ларнинг ўзаро муносабати ҳамда ваколатларини ифодалайди;

6) ТҲШдан келиб чиқиб юридик шахслар ва муассис (иштирокчи)ларнинг жавобгарлигининг асосий жиҳатларини белгилаш мумкин бўлади.

ТҲШ ҳар доим юридик шахс учун энг асосий элемент бўлиб, уни танлаш орқали фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларини ўзларининг ҳуқуқий мақомларини белгилайдилар ҳам юридик шахснинг таъсис ва локал ҳужжатларини ишлаб чиқадилар. Шунингдек, ТҲШ юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати доираси ва ҳажми, ҳуқуқ лаёқатининг тури ҳамда хўжалик ёки ижтимоий фаолиятнинг қайси турига мансублигини аниқлаш имконини ҳам беради. Масалан, унитар корхона хўжалик фаолиятининг муайян соҳаларидан фаолият юритувчи тадбиркорлик субъекти ҳисобланса, матлубот кооперативи фуқароларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш борасида фаолият олиб боради.

Фикримизча, ТҲШ деганда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алоҳида ташкил этиш тартиботига бўйсундирилган, унинг ҳуқуқ лаёқати тури ва доирасини белгилайдиган, муассис (иштирокчи)лар ва юридик шахс ўртасидаги муносабатлар нисбатини ифодалайдиган, юридик шахснинг номланишига таъсир этадиган ва муайян турдаги юридик шахсни ташкил этилиши, фаолият юритиши ҳамда ҳуқуқ ва

мажбуриятлари учун умумий талабларни жамлайдиган “ҳуқуқий қолип” тушунилади.

ТҲШ билан бирга, юридик шахсларни турга ажратишда бир қатор мезонлар қўлланилади. Бунда юридик шахсларни таснифлашнинг мақсадига кўра, мулк шаклларига кўра ва шу каби бошқа асосларга кўра турларга бўлиш қўлланилади. Шунингдек, хорижий мамлакатларда юридик шахсларни турларга бўлишда ҳам ўзига хос мезонлар амал қилади. Хусусан, ривожланган ҳуқуқий тартиботларда, асосан, қитъа ҳуқуқида юридик шахслар анъанавий равишда корпорациялар ва муассасаларга бўлинади. Корпорациялар улар иштирокчилари (акциядорлик ва бошқа жамиятлар ва ширкатлар, кооперативлар)нинг аъзолигига асосланадиган жисмоний ва юридик шахслар умумий бирлашишини ифодалайди, муассаса – аъзолик мавжуд бўлмаган (қатъий белгиланган иштирок) ва бир ёки бир неча шахс томонидан ташкил этиладиган (таъсис этиладиган) ташкилотдир, масалан, хайрия ва бошқа фондлар [2; 22-с].

Юридик адабиётларда юридик шахсларни турларга бўлишда бир қатор фикрлар билдириб ўтилган. Жумладан, Ҳ.Раҳмонқуловнинг фикрича, юридик шахсларнинг турлари таъсисчиларининг ҳуқуқ лаёқати ва уларнинг юридик шахс мулкига нисбатан бўлган ҳуқуқлари, юридик шахснинг фаолият мақсадлари, унинг ушбу фаолияти мулкнинг қайси шаклига асосан юритилишига қараб бир-биридан ажратилади [9; 62-6].

Ю.К.Толстой таъкидлашича, юридик шахс ўзининг табиатига кўра ўта мураккаб ҳуқуқий воқеълик бўлганлиги боис турли жиҳатлардан келиб чиқиб таҳлил этилиши мумкин. Шу боис, юридик шахслар рўйхати қанчалик кўп ва улар ўртасидаги фарқлар қанчалик сезиларли бўлса, юридик шахсларни таснифлашнинг турлари ҳам шунчалик кўп бўлади.

Ҳар қандай илмий классификация предмет тўғрисидаги билимларни тизимлаштиришга асосланади, зеро бусиз келажақдаги ривожланиш ҳамда ушбу билимларни қўллаш мумкин бўлмайди. Бироқ, турли кесимдаги ва муайян узвийликка эга бўлмаган омиллардан мақбул билимлар тизимини яратиш фақат муҳим, ўзаро боғлиқ муносабат, предметнинг хусусиятини ифодалайдиган, тўғри танланган мезонларга асосан амалга оширилиши мумкин. Жамиятнинг мулкий муносабатлари тизимида юридик шахсларнинг тутган ўрни, ушбу ҳуқуқий институтда фундаментал иқтисодий категорияларнинг ўзига хос тарзда ифодаланиши уларни таснифлашнинг ўта муҳим асосларини аниқлаш имконини беради. Юридик шахс институтининг ижтимоий қиймати, энг аввало, унинг жамият учун ифодаланадиган “юкламаси”да, унинг вазифаларида бўлиб, бу жиҳатдан юридик шахсларни тизимлаштиришга таъсир кўрсатади. Ва, ниҳоят, юридик шахслар ҳуқуқий ҳолатининг қонунчилик билан нормаланганлиги уни таснифлашнинг бир қатор муҳим амалий мезонларини шакллантириш имконини беради [3; 165-с].

Ушбу таҳлиллар асосида Ю.К.Толстой юридик шахсларни қуйидаги асосларга кўра турларга бўлади: мулк шакли, фаолият мақсади, муассислар таркиби, иштирокчилар ҳуқуқларининг туси, ташкилот ашёвий ҳуқуқларининг ҳажми, шахсий ёки мулкий иштирок, ташкил этиш тартиби, таъсис ҳужжатлари, иштирокчилик [3; 168-с].

Албатта, бу ўринда Ҳ.Раҳмонқулов ва Ю.К.Толстойларнинг мулоҳазалари ўрнидир. Зеро,

юридик шахсдай мураккаб ва серқирра ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий воқеъликни турларга ажратиш, уларни гуруҳлаш, алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шаклга ажратиш ёки бошқача мезонлар ва асосларга кўра таснифлаш ҳар доим тўғри ёндашув ва мантиқий-ҳуқуқий изчиллика асосланмоғи зарур. Шу боис, цивилистика фани юридик шахсларни таснифлашнинг қонун ҳужжатларида келтирилган асослари билан чекланиб қолмаслиги, уни фақат одатда ҳуқуқий институт сифатида эмас, балки иқтисодий ҳамда ижтимоий воқеълик сифатидаги моҳиятини ҳисобга олган ҳолда таснифлашга оид билимлар тизимини ишлаб чиқиши зарур [1; 35-с]. Бунда юридик шахсларни турларга бўлишга нисбатан, умумий юридик шахсларнинг моҳияти ва унинг мазмунига нисбатан фақат цивилистик ёндашувнинг ўзи ҳам етарли бўлмаслигини, оммавий-ҳуқуқий нуқта назардан ҳам уларни ўрганиш ва таҳлил этиш заруратининг бугунги кунда “етилиб” қолганлигини эътироф этиш зарур. Бинобарин, мутахассислар томонидан юридик шахсларнинг “оммавий ҳуқуқ юридик шахслари” номли юридик шахслар гуруҳини шакллантиришга уринишлар ва уларни таснифлаш мезонларининг таклиф этилаётганлиги [10; 148–153-с] фикримизнинг далилидир.

Юридик шахс (ЮШ)ларни ташкилий-ҳуқуқий шаклларга ажратишда қуйидаги муаммоларни санаб ўтиш мумкин:

1. ЮШ ташкилий-ҳуқуқий шакл (ТХШ)ларига нисбатан аниқ ёндашувнинг шаклланмаганлиги, уларни турларга ажратишда қатъий позициянинг етишмаслиги ва қонун нормаларининг барқарор эмаслиги:

1) ЮШнинг тижоратчи ва тижоратчи бўлмаганлиги ТХШлар ажратилиши ягона мезон сифатида олинган;

2) Давлат, унинг органлари ва у томонидан тузилган юридик шахсларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардаги мақоми ноаниқ (ФКнинг 79-80-моддалари ёхуд оператив бошқарув ва хўжалик юретиш ҳуқуқига асосланган ЮШ);

3) ЮШни ТХШга ажратишнинг аниқ концепциясига (ҳуқуқий ва иқтисодий) асосланган мезонлари мавжуд эмас.

2. Навбатдаги муаммолар ЮШ ТХШга нисбатан қонунчиликдаги ёндашувлардир:

А) ФКда ЮШ ТХШнинг очиклиги: ФКнинг 40-моддаси иккинчи-учинчи қисмларида ТХШ турлари саналгани ҳолда рўйхат “қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин”лиги қондаси билан тугалланган;

Б) Ҳуқуқни қўллаш амалиётида ЮШ ТХШ ва тадбиркорлик субъектларининг ТХШ атамаларнинг қўлланилиши ва шу шаклдаги тузилмаларнинг фаолият олиб бориши: масалан, хусусий корхона, оилавий корхона;

В) Квази ЮШларнинг мавжудлиги: фермер хўжалиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

3. ЮШ бир-бирига ўхшаш ТХШларининг мавжудлиги (м., ширкатлар ва кооперативлар, унитар корхона ва хусусий корхона, оилавий корхона моҳиятан ўхшаш);

4. Бозор муносабатларида оммалашмаган ТХШларнинг ФКда сақланиб қолаётганлиги. Коммандит ширкати, қўшимча масъулиятли жамият, ишлаб чиқариш кооперативи, матлубот кооперативи, хўжалик юретиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона.

1) Турли ТХШ қоришмасидан ташкил топган ЮШ ТХШларининг кўплиги (масалан, ишлаб чиқариш кооперативи тўлиқ ширкат ва МЧЖ қондалари қоришмасидан, оилавий корхона МЧЖ ва хусусий корхона, коммандит ширкати тўлиқ ширкат ва МЧЖ қондаларини қамраб олади);

2) ЮШ таркибига бошқа иштирокчилар кириши назарда тутилмаганлиги ва шу муносабат билан инвестиция жалб қилиш имконияти чекланган ТХШларнинг амал қилиши (хусусий корхона ва унитар корхона таркибига бошқа иштирокчиларнинг кириши назарда тутилмаган).

Юқоридаги муаммолардан келиб чиқиб, ЮШ ТХШ оптималлаштириш қуйидаги йўналишдаларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

1) ЮШ ТХШга ажратишда фойда мезони ягона ва дастлабки мезон бўлмаслиги лозим;

2) Оммавий ҳуқуқ (давлат) ЮШ ва хусусий ҳуқуқ ЮШларини ажратиш;

3) Оммавий ҳуқуқ ЮШларни ФКдан чиқариш ва давлат органларининг ҳужжатлари билан белгилаш;

4) Давлат органларининг юридик шахс сифатидаги мақоми, яъни унинг мустақил субъектлиги ёки давлат номидан фаолият олиб боришини аниқлаш, бунда давлат органларига юридик шахс статусини бермаслик зарур.

7) ЮШ ТХШни оптималлаштириш уларни турларни кескин қисқартиришни эмас, балки гуруҳлаштириш, муайян ТХШ ичида кичик гуруҳларни ташкил этиш йўли билан амалга оширилиши, бу нуқтаи назардан қонунчилик қатъий позицияни белгиламаслиги лозим. Масалан, МЧЖ шаклидаги фермер хўжалиги, оилавий корхона, ишлаб чиқариш корхонаси, савдо корхонаси, давлат корхонаси. АЖ шаклидаги банк, суғурта ташкилоти ва ҳ.зо. Бошқача айтганда, ТХШ юридик маънони, гуруҳлаштириш иқтисодий ва тадбиркорлик шаклини аниқлаш зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бублик В. Гражданское законодательство и имущественный статус экономических агентов // Хозяйство и право. 1996. - №8. - С. 34-37.

2. Гражданское право: В 4 т. Том I. Общая часть: Учебник / Отв. ред. Е.А.Суханов. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Волтерс Клувер, 2005. - 225 с.

3. Гражданское право: Учебник. В 3 т. Т.1. - 6-е изд., перераб. и доп. / Н.Д.Егоров и др.; Отв. ред. П.А.Сергеев, Ю.К.Толстой. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003. - С. 165.

4. Жилинский С.Э. Правовая основа предпринимательской деятельности (предпринимательское право). Курс лекции. - М.: Норма-ИНФРА-М, 1998. - 94 с.

5. Залесский В.В. Создание и деятельность коммерческих организаций // Право и экономика. 1998. - №1. - С. 26-28.

6. Збарацкая Л.А. Организационное единство в системе обязательных признаков юридического лица: автореф. дис.....канд. юрид. наук. - Владивосток, 2003. - 48 с.

7. Козлова Н.В. Понятие и сущность юридического лица. - М.: 2003. - 229 с.

8. Колоколова Е. О. Кооперация как форма самоорганизации населения [Электронный ресурс] // Теория и практика общественного развития. 2010. № 3. С. 1-4. URL: <http://teoria-practica.Ru>; Курбатов А.Я. Правовое регулирование деятельности государственных

корпораций как организационно-правовой формы юридических лиц //

9. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 80 б.

10. Серова О.А. Классификация юридических лиц. Монография. – М.: Юрист, 2009. – 186 с.

11. Шичанин А.В., Гревков О.Д. Тенденции развития институтов «юридические лица» в российском гражданском законодательстве. Проблемы поиска баланса интересов юридического лица, его участников и кредиторов // Адвокат. 2000. - №2.

В.Эргашев

юридик фанлар номзоди, профессор

АШЁВИЙ ҲУҚУҚ ОБЪЕКТИНИ БЕЛГИЛАШГА ДОИР МУАММОЛАР

Аннотация: иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши натижасида фуқаролик муомаласи таркибида нафақат аънъанавий моддий объектлар, балки номоддий объектлар, хусусан мулккий ҳуқуқларнинг сони ортиб бормоқда ҳамда тақдим этиладиган ҳимоя тизимининг самарадорлиги туфайли уларга нисбатан ашёвий ҳуқуқий режимларни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги масаласи муҳокама мавзусига айланмоқда. Шу туфайли, мазкур мақолада мулккий ҳуқуқларни ашёвий ҳуқуқ объекти сифатида эътироф этиш билан боғлиқ масалалар атрофида танқидий нуқтаи назардан таҳлил этилди ва уларга нисбатан ашёвий ҳуқуқларни қўллаш зарурати мавжуд эмаслиги асосланган.

Калит сўзлар: ашё, жисмсиз ашё, ашёвий ҳуқуқ, мулк ҳуқуқи, мол-мулк, мулккий ҳуқуқ, интеллектуал мулк, корпоратив ҳуқуқлар, ахборот ресурслари.

Аннотация: в результате развития экономических отношений в составе гражданского оборота объеме.растет количество не только традиционных материальных, но и нематериальных объектов, в том числе имущественных прав и принимая во внимание эффективность предоставляемой системы защиты становится предметом обсуждения распространение вещно-правовых режимов на эти объекты. В рамках данной статьи критически проанализированы вопросы, связанные с признанием имущественных прав в качестве объектов вещных прав и обосновано позиция о нецелесообразности применения в отношении них вещных прав.

Ключевые слова: вещь, бестелесная вещь, вещное право, право собственности, собственность, имущественные права, интеллектуальная собственность, корпоративные права, информационные ресурсы.

Abstract: as a result of the development of economic relations in the scope of civil turnover, the number of not only traditional tangible, but also intangible objects, including property rights, is growing, and taking into account the effectiveness of the protection system provided, it becomes a matter of discussion to extend the proprietary legal regimes to these objects. In the framework of this article, issues related to the recognition of property rights as objects of property rights are critically analyzed and the position on the inappropriateness of applying property rights to them is substantiated.

Keywords: property, incorporeal property, property law, property right, property rights, intellectual property, corporate rights, information resources.

Фуқаролик ҳуқуқи объектлари ичида ашёлар алоҳида ўрин эгаллайди. Бошқа фуқаролик ҳуқуқи объектларига нисбатан ашёлар аксарият фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи объектлар сирасига киради. Албатта, бу борада ашёвий-ҳуқуқий муносабатлар мазкур рўйхатнинг энг олди қаторида эътироф этилади.

Ашёвий ҳуқуқнинг объекти бўлган ашё – унинг дастлабки ва бевосита номидан келиб чиқадиган

бирламчи ва асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Қолаверса, мазкур ҳолат ашёвий ҳуқуқлар тўғрисидаги тасавурни бироз бўлса ҳам ойдинлаштиришга ҳизмат қилади. Маълумки, *res corporales* (жисмли ашёлар – лот.), шунингдек *res incorporales quae iure consistunt* (ҳуқуқда ўз аксини топган жисмсиз ашёлар – лот.) терминларини ажратган Рим ҳуқуқида ҳам ашё (*res*) сўзи жуда кенг маънода талқин этилганлиги туфайли ашё тушунчаси билан ҳуқуқ объекти тушунчаси айнанлаштирилган. Таъкидлаш лозимки, Рим ҳуқуқи тадқиқотчилари *res corporales*ни турлича баҳолашган. Бу борада проф. В.А.Краснокутский томонидан билдирилган қуйидаги нуқтаи назарни аънанавий деб қабул қилиш мумкин: “Ашёларни жисмли ва жисмсиз турларга бўла туриб, Гай жисмга оид бўлмаган ашёларни ташқи дунё предметлари маъносидан эмас, балки айнан ҳуқуқ сифатида тушунган” [12; 148-с].

Проф. В.К.Райхер жаҳон фуқаролик-ҳуқуқий тизимларини таҳлили асосида ҳуқуқий эгалликнинг универсал объекти сифатида “ашё” ғояси институционал тизимда кўзга кўринарли роль ўйнайди, деб таъкидлаган эди [10; 282-с]. Ўз навбатида институционал тизимнинг ушбу ғояси роман мамлакатлари бўлган Франция ва Италия қонун чиқарувчилари ҳамда *corporeal* ва *incorporeal property* [1; 113-с] тушунчаларини ажратадиган инглиз юристлари томонидан ўзлаштириб олинган. Миллий цивилистикамизда ашё тушунчасига нисбатан аънанавий *res corporales* нуқтаи назаридан ёндашилади. Хусусан, академик Х.Раҳмонқуловнинг фикрича, ашё деганда инсоннинг муайян эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида муомалада қатнашувчи табиий хусусиятларга эга бўлган ва инсон томонидан яратилган моддий неъматлар тушунилади [11; 13-с].

Таъкидлаш лозимки, юридик фикр ривожланишининг муайян босқичида ҳуқуқларни ашё сифатида тан олиниши зарур эди. Аммо кейинчалик, ашёларни кенг маънодаги тушуниш концепцияси инкор этила бошланди. Германия Гражданлик Тузуқларининг 90-параграфи ашёлар сифатида фақат моддий предметларни [4; 174-с] тан олади. Нидерландия Гражданлик кодексига ҳам шу ёндашув қабул қилинган бўлиб, унинг 3:2 моддасига кўра, “ашё – бу инсон ҳукмронлиги остидаги моддий предметдир”, Эстониянинг ашёвий ҳуқуқ тўғрисидаги қонунининг 7-моддасида тўғридан-тўғри “моддий предмет ашё ҳисобланади” деб белгиланган. Кенг маънода “ашё” сўзи ўрнига фуқаролик ҳуқуқи объектлари тўғрисида ёки уларнинг бири ҳақида сўз юритилганда биринчи галда муомалага яроқли бўлган – мол-мулк аниқлашилади.

Ушбу ёндашувда мулкий ҳуқуқ ашё билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган алоҳида объектлар сифатида кўрилади. Қолаверса, айрим муаллифлар ҳуқуқ объекти сифатини умуман инкор этишади. Ушбу позицияни, мисол учун, В.А.Белов қўллаб-қувватлайди ҳамда назарий жиҳатдан қуйидагича асослайди: “ҳуқуқий муносабатнинг таркиби бир вақтнинг ўзида объект бўла олмайди, бошқа ҳуқуқий муносабат бўлганида ҳам” [2; 15-с]. Акс ҳолда, муаллиф фикрича, юридик факт сифатида ҳуқуқий муносабатни тан олишга тўғри келар эди. Лекин муаллифнинг сўнгги фикри асосли эмас, чунки ашёларни объект сифатида тан олиш уларни юридик факт сифатида тан олишга олиб келмайди. Ҳуқуқий муносабат зарур ҳолларда

бемалол юридик факт сифатида кўрилиши мумкин ва шу маънода юридик фактлар [6; 74-с] назариясида ҳам ўз ўрнига эга бўлади.

Аксарият мамлакатларнинг фуқаролик қонунчилигида, хусусан Ўзбекистон Республикаси ФКда ҳам мулкий ҳуқуқлар тўғридан-тўғри фуқаролик ҳуқуқи объектлари рўйхатига киритилган. Ўз навбатида мулкий ҳуқуқлар объектларига ашёвий ҳуқуқлар ҳам киради. Мамлакатимиз фуқаролик қонунчилигида айнан шундай мазмундаги ҳуқуқларга асосланган конструкциялар мавжуд. ФК 482-моддасига кўра, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчисига бундай кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини топшириш билан бир вақтда ушбу кўчмас мулк жойлашган ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасининг муайян қисмига бўлган ҳуқуқлар ҳам топширилади. Бунда ер участкасини топшириш ўз-ўзидан эмас, балки шу ер участкасида жойлашган кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи билан биргаликда амалга оширилиши зарур. Ер участкасига нисбатан бўлган мазкур ҳуқуқ мустақил объект ҳисобланмайди, балки кўчмас мулкни ўзига хос ношёвий мансублиги, алоқадорлиги ҳисобланади. Аммо, ушбу ҳуқуқнинг мустақил эмаслиги, бирор-бир тарзда уни ҳуқуқ объекти сифатида тан олинишига нисбатан шубҳа, гумонлар туғилишига сабаб бўла олмайди, чунки “мансублиги” тушунчаси уни ҳуқуқ объектиликни назарда тутаяди. Ушбу фикрларни кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ўтиши билан бирга бир субъектдан бошқа субъектга ўтадиган - сервитут ҳуқуқларига нисбатан ҳам билдириш мумкин (ФК 173-модда). Бундан ташқари, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, ижара ҳуқуқлари ҳам юридик шахс устав фондига улуш сифатида киритилиши мумкин. Фақатгина асосий ашёвий ҳуқуқ ҳисобланган мулк ҳуқуқини бу рўйхатга кирита олмаймиз, чунки у мулк ҳуқуқи ўрнатилган мол-мулк билан тенглаштирилади. Ашёларни бегоналаштириш тўғрисида сўз юритилганда биз ҳар доим унга нисбатан мулк ҳуқуқини ўтишини назарда тутамиз. Ўз навбатида мулк ҳуқуқига нисбатан бирор-бир ҳуқуқни ўрнатишга доир ҳаракатлар умуман зарур бўлмаган, ортиқча икки марта кўпайишга олиб келган бўларди. Мулк ҳуқуқига нисбатан бирор бир ҳуқуқни ўрнатилиши объекти бевосита ашё бўлган мулк ҳуқуқнинг ўзидан ҳеч бир жиҳати билан фарқ қилмас эди.

Ашёвий ҳуқуқлардан ташқари, ашёлар билан боғлиқ бўлган ҳуқуқ объектларининг яна бир кўриниши – умумий мулк ҳуқуқидаги улуш ҳам мавжуд. Баъзи бир муаллифлар томонидан, ҳуқуқдаги улуш конструкцияси танқид остига олинади [7; 79-с], лекин шундай бўлса ҳам, мазкур ҳолат уларга улушни тасарруф қилиш имкониятини тан олишга сира ҳалақит бермайди. Чунки қонун чиқарувчининг ўзи ҳам ҳеч қачон бундай имкониятни инкор этишга сабаб бўладиган кўрсатмани назарда тутмаган. Амалдаги ФК улушли мулк иштирокчисига ўз хоҳишига қараб ўз улушини сотишга, совға қилишга, васият қилиб қолдиришга, гаровга беришга ёки бошқа тарзда тасарруф этишга ҳуқуқ беради (ФК 218-модда). Одатда уларнинг бундай ҳуқуқи бошқа улуш эгаларининг ушбу улушни сотиб олишдаги имтиёзли ҳуқуқи билан чекланади (ФК 224-модда). Шу билан бирга, ушбу чеклов, ҳеч бир тарзда ҳуқуқ объекти хусусиятини инкор этмайди.

Сўнгги вақтларда, юридик адабиётларда яна бир ҳуқуқлар гуруҳи – корпоратив ҳуқуқлар алоҳида

ажратилиб кўрсатилмоқда. Мазкур ҳуқуқ юридик шахсни бошқарувида иштирок этиш ва у билан бевосита боғлиқ бўлган корпорацияни фаолияти устидан назорат қилиш ҳамда маълумотларни олишда намоён бўлади [5; 103-с]. Юридик шахс иштирокчиларининг мажбурият ҳуқуқлари билан бир қаторда корпоратив ҳуқуқлар масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятларнинг устав фондидаги, хўжалик ширкатларининг устав капиталдаги улуш ёки кооператив аъзосининг пайи каби ҳуқуқ объектларини шакллантиради. Ушбу ҳуқуқлар муомаласи корпоратив ҳуқуқ томонидан ўрнатилган ўзига хос қоидаларга боғлиқдир. АЖнинг акциясида ўз ифодасини топган тақдирдагина бундай ҳуқуқ чекланмаган тарзда муомалада бўлиши мумкин. Агар қимматли қоғоз орқали ашё хусусиятига эга бўлмасдан фақатгина ҳуқуқ бўлиб қолаверса, МЧЖ устав фондидаги улушларни муомаласини белгилловчи энг эркин, либерал ҳуқуқий режим ҳам унга нисбатан хўжалик жамиятининг бошқа аъзолари томонидан имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи қоидалари қўлланишини назарда тутди. Айрим ҳолларда, ушбу турдаги ҳуқуқларнинг ўтиши учун юридик шахснинг ёки бошқа иштирокчиларининг шахсий розилиги талаб этилади. Бундан ташқари, ушбу ҳуқуқларнинг бошқаларга ўтиб кетиши, юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатлари томонидан ман этилиши мумкин, аммо бу ҳолатда улар ҳуқуқ объекти хусусиятини йўқотади.

Таъкидлаш лозимки, фақат у ёки бу муносабатда чекланган ҳуқуқларгина бундай хусусиятга эга бўлиши мумкин. Масалан, мутлақ ҳуқуқий муносабатлардан фарқи равишда мажбурият ҳуқуқлари субъектлар таркиби билан чекланган. Чекланган ашёвий ҳуқуқлар ёки гаров ҳуқуқи сингари ҳуқуқ-объект мазмун жиҳатидан чекланиши мумкин. Ниҳоят, бошқа шахсларнинг ҳам шундай ҳуқуқлари мавжудлиги факти натижасида чекланган мулк ҳуқуқидаги улушларнинг ёки корпоратив ҳуқуқларнинг муомаласида бўлганидек объект фақатгина ҳуқуқнинг маълум бир қисми бўлиши мумкин.

Ҳуқуқ объекти сифатида мулк ҳуқуқларнинг бир неча турларини кўриб чиққандан сўнг, ушбу ҳуқуқнинг табиати хусусидаги саволларга жавоб бериш лозим бўлади. Мулк ҳуқуқлар мулк ҳуқуқининг объекти бўла оладими? Юридик адабиётларда мазкур саволга нисбатан берилган ижобий мазмундаги жавоблар унчалик ҳам кўп учрамайди [3; 39-с]. Аммо, уларда келтирилган нуқтаи назарларнинг асослилиги бизнинг наздимизда унчалик ишонарли эмас. Фикрларимизни асослаш учун шундай бир мулк ҳуқуқини тасаввур қилиб кўрайлик: у объект бўлган мулк ҳуқуқдан бирор бир жиҳати билан фарқланардими? Бизнингча, асло фарқланмасдан, уларнинг мазмуни бир бирига мос келарди, чунки талаб қилиш ҳуқуқи “мулкдорининг” мақоми шу талаб бўйича кредиторнинг мақомидан ҳеч ҳам фарқланмайди, гаров ҳуқуқининг “мулкдори” бўлиб гаровга олувчи ҳисобланади, МЧЖ устав фондидаги улушнинг “мулкдори” эса ушбу жамиятнинг иштирокчиси ҳисобланади. Шундай қилиб, “ҳуқуққа нисбатан мулк ҳуқуқи” “мулк ҳуқуқига нисбатан ҳуқуқ”да бўлгани каби ҳеч ҳам зарурати бўлмаган ортиқча кўпайишни келтириб чиқаради. Қанчалик ажабланарли бўлмасин, ушбу фикрга В.А.Белов ҳам қўшилади. Чунки унинг “ҳуқуққа бўлган ҳуқуқ” конструкциясига нисбатан ёндашуви юқорида келтирилган фикрга тамомила қарама қаршидир [2; 18-с]. Ушбу тадқиқотчи мулк ҳуқуқидан ташқари, объекти

мулк ҳуқуқлар бўлиши мумкин бўлган яна бошқа бир қанча ҳуқуқлар бўлишини ёддан кўтарган кўринади. Бу эса ўз навбатида “ҳуқуққа бўлган ҳуқуқ” конструкцияси зарурлигидан далолат беради. Бунда фақатгина унинг ҳеч бир томонида мулк ҳуқуқини бўлиши мумкин эмаслигини ёддан чиқармаслик лозим. Мулк ҳуқуқлар мажбуриятларнинг ёки дастлаб ашёвий ҳуқуқ сифатида мавжуд бўлиб, кейинчалик эса, ўзларини қўлланилишини (гаров ҳуқуқи, сервитут ҳуқуқи каби) исботлаган бошқа ҳуқуқларнинг объектлари бўлиши мумкин.

Ҳар бир ҳуқуқ унинг субъектига объектига нисбатан ҳукмронлик қилиш имкониятини тақдим этади ва Д.И.Мейернинг таъбири билан айтганда “бирор бир ҳукмронлик эса энг тўлиғи бўлади” [8; 137-с]. Ашёвий ҳуқуқларда эса шундай энг тўлиқ ҳуқуқ бўлиб мулк ҳуқуқи ҳисобланади. Мулк ҳуқуқисиз бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг мавжудлигини ҳам тасаввур этиш қийин. Бинобарин, мулк ҳуқуқларга нисбатан мулк ҳуқуқини ўрнатиб бўлмаганлиги туфайли уларга нисбатан ашёвий-ҳуқуқий режимни қўлланилиши ҳам мумкин эмас. Демак, ҳуқуқларни ашёлар ёки жисмсиз ашёлар деб тан олишга бирор зарурият мавжуд эмас.

Муаллифнинг шартномаси муайян муддатга тузилади, лекин агар шартнома шартнома бўлмаса, муаллиф шартнома тугатилгунга қадар олти ой олдин ёзма равишда хабардор этилган бўлса, муаллиф тузилган санадан бошлаб беш йил ўтгандан кейин шартномани бекор қилиши мумкин. Муаллифлик шартномалари мутлақ ҳуқуқларни ва мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисида шартномаларга бўлинади. Муаллифлик шартномаси бўйича берилган ҳуқуқлар, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мутлақ бўлмаган шартномаларда ўтказилади. Шундай қилиб, муаллифлик шартномаси бўйича берилган ҳуқуқларнинг эксклюзивлиги назарда тутилган бўлиши мумкин. Шунингдек, яратилган ишлар ва буюртма шартномалари бўйича шартномалар мавжуд. Иккинчидан, шартнома ҳали тугалламаган иш учун тузилади ва муаллиф ушбу ишни маълум бир тарихда яратиш мажбуриятини олади. Табиатга ва фойдаланиш услубига қараб улар нашриёт, сахна кўриниши ва бошқаларни ажратиш турадилар. шартномалар. Ўз навбатида, ноширлик шартномаси адабий асарларни, мусликий асарларни, санъат асарларини нашр қилиш учун шартнома бўлиниши мумкин, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Шунга қарамадан, бундай таснифлаш қонун ҳужжатларида қайд этилмаган.

Халқаро ва миллий қонунчилик талабларига мувофиқ фан, адабиёт ва санъат асарига муаллифлик ҳуқуқи уни яратиш факти бўйича юзага келади. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши ва амалга оширилиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмийликка риоя этиш талаб қилинмайди[4].

Муаллиф (ҳуқуқ эгаси)лар ўз асарларидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсларга тегишли шартнома асосида маълум бир муддатга ва маълум бир шартлар асосида ўтказишлари мумкин. Муаллифлик ҳуқуқида шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни 38-42-моддалари билан тартибга солинади [5].

Ушбу Қонуннинг 38-моддасига кўра, мулкый ҳуқуқлар фақат муаллифлик шартномасини тузиш йўли билан ҳуқуқ эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказилиши мумкин. Унга кўра, муаллифнинг мулкый

ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида ёки мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин.

Муаллифлик шартномасида куйидагилар назарда тутилиши керак:

- асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида ўтказиладиган конкрет ҳуқуқлар);

- асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари.

Бундан ташқари, тарафлар муаллифлик шартномасига ўзлари зарур деб топган бошқа шартларни ҳам киритишлари мумкин.

Бугунги кунда муаллифлик шартномаси юридик назария ва амалиётдан келиб чиқиб, одатда куйидагича туркумланиши мумкин:

1. Асарнинг тури ва ундан фойдаланиш усулига кўра;

2. Асарни тайёрлаш даражасига кўра;

3. Тақдим этилаётган ҳуқуқнинг моҳиятига кўра;

4. Асардан фойдаланиш усулига кўра[6].

Тўланадиган ҳақ муаллифлик шартномасида асардан фойдаланишнинг тегишли усули учун олинадиган даромаддан фоиз тарзида белгиланади ёки агар бунинг асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада қайд этилган сумма тарзида ёхуд бошқача тарзда белгиланади. Бугунги кунда муаллифлик ҳақининг энг кам миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги ПҚ-3201-сон қарори билан тасдиқланган ставкалар ва Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 январдаги “Адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланганликнинг айрим турлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари тўғрисида”ги 10-сон қарори билан белгиланган.

Интеллектуал мулк агентлигига муаллифлар ёки ҳуқуқ эгаларидан улар билан тузилган шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб тушадиган мурожаатларни бевосита куйидаги 2 турга ажратиш мумкин.

1) Буюртмачилар томонидан муаллифларга шартномада белгиланган муаллифлик ҳақи гонорарларини ўз вақтида берилмаётганлиги;

2) Муаллифларга тўланиши лозим бўлган муаллифлик ҳақларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги ПҚ-3201-сон қарори билан тасдиқланган муаллифлик ҳақининг энг кам ставкаларидан паст фоизларда тўланиши.

Маълумки, бугунги кунда Интеллектуал мулк агентлиги томонидан муаллифлик ҳуқуқи ёки турдош ҳуқуқлар объектлари рўйхатдан ўтказилмайди. Муаллифлик ҳуқуқининг объектларидан ҳисобланган ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаси рўйхатдан ўтказилиб, тегишли муҳофаза ҳужжати (гувоҳнома) берилади. Статистик маълумотларга кўра, ЭХМ учун яратилган дастурларнинг бошқа шахсларга ўтказиш бўйича шартномалари 2016 йилда 7 та, 2017 йилда 1 та, 2018 йилда 8 та 2019 йилда эса 5 тани ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3652-сон қарори билан

Интеллектуал мулк агентлигига Молия вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда ижодкорларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мулк шаклидан қатъи назар, барча оммавий ахборот воситалари, жумладан, электрон ОАВ, нашриётлар томонидан муаллифлик гонорари тўлашни қонуний асосда таъминлаш юзасидан тегишли топшириқ берилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлаш, муаллифлик ҳақларини йиғиш ва тақсимлашда дунёда муаллифлик жамиятлари алоҳида ўрин эгаллайди. Кўплаб хорижий мамлакатларда бу каби жамиятлар муаллифлик ҳуқуқи бўйича ваколатли давлат органидан аккредитациядан ўтган ҳолда фаолият юритишади. Ўзбекистонда ҳам бу каби жамиятлар бугунги кунга келиб 5 тани ташкил этмоқда. Хусусан, 2019 йилда 4 та ушбу турдаги муаллифлик жамиятлари Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган.

Муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлаш бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун долзарб ва ечими қутаётган муҳим аҳамиятга эга масалалардан биридир. Айниқса, бу масала телекоммуникация тармоқларининг ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига кенг кириб бориши шароитида янада ўз аҳамияти ва долзарблигини ошириши айни ҳақиқатдир.

Мутасадди вазирлик ва идораларда асар яратганлик учун муаллифларни муносиб рағбатлантириш мақсадида муаллифлик ҳақининг энг кам ставкаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида тегишли идоравий комиссиялар ташкил этиш ҳамда муаллифлик ҳақи ва унга доир бошқа тўлов турларини тўлашни тартибга солувчи идоравий ҳужжатларни Интеллектуал мулк агентлиги билан келишилган ҳолда тасдиқлаш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Крвец Л.Г. Охрана патентных и авторских прав в киберпространстве. ИНИЦ Роспатента. -Москва 2002 г. 26-27 стр.
2. <https://www.riaa.com/reports/copyright-industries/>
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т.; “Адолат” нашриёти. 2015 й., 153-б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 28-29-сон, 260-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 28-29-сон, 260-модда.
6. Близнаев И.А., Леонтьев К.Б. Роль государства в области авторского права и смежных прав // Российская юстиция. -1999. - № 11.

А. Тожибоев
ТДЮУ “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси
ўқитувчиси

СТАРТАП ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ЮРИДИК ТАБИАТИ

Аннотация: бугунги кунда мамлакат иқтисодиятининг ривожланишида, унинг инвестициявий жозибдорлигини оширишда инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган стартаплар ўзига хос ўринга эга. Мақолада муаллиф томонидан стартапнинг тушунчаси, моҳияти, босқичлари ва уларнинг юридик мезонлари ўрганиб чиқилган. Мақолада мазкур масалалар юзасидан аниқ хулоса ва таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: стартап, стартап лойиҳа, стартап босқичлари, инновация, инвестиция, технопарклар, инкубаторлар, лойиҳаларни молиялаш, юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалар, венчур фондлар.

Аннотация: в настоящее время стартапы, основанные на инновационных идеях, разработках и технологиях, играют особую роль в развитии экономики страны и повышении ее инвестиционной привлекательности. В статье автор рассматривает понятие, сущность, этапы стартапов и их правовые критерии. В статье по этим вопросам были сделаны конкретные выводы и предложения.

Ключевые слова: стартапы, стартап-проекты, этапы стартапа, инновация, инвестиция, технопарки, инкубаторы, финансирование проекта, высокотехнологичные бизнес-проекты, венчурные фонды.

Annotation: nowadays startups based on innovative ideas, designs and technologies play a special role in the development of the country's economy and increase its investment attractiveness. In the article an author reviewed the concept, essence, stages of startups and their legal features. On these issues the author made certain conclusions and suggestions.

Keywords: startups, startup projects, startup stages, innovation, investment, technology parks, incubators, project financing, high-tech business projects, venture capital funds.

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шarti ҳисобланади.

Мамлакатимизда инновациялар соҳасида қатор норматив-ҳуқуқий асослар яратилиши замирида юриспруденцияда, иқтисодиётда янги тусдаги тушунчалар кириб келмоқда. Хусусан, замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган стартаплар, венчур лойиҳалар каби инновацион тушунчаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

“Стартап” термини инглизча *start-up* сўзидан олинган бўлиб, унинг “*жараённи бошлаш*”, “*ишга тушириш*” каби маънолари мавжуд. Бугунги кундаги энг машҳур стартаплар қуйидагилар саналади: Facebook, интернет-энциклопедия – Википедия, видеороликлар базаси – YouTube, фотосуратларни сақлаш хизмати – Flickr, хабарлар алмашинуви

платформаси – Twitter. Юқорида санаб ўтилган лойиҳалар интернет-стартаплар ҳисобланади.

Стартап тушунчаси юридик ва иқтисодий маънода бир қанча қарашларга эгаллиги олимлар томонидан турли илмий ишланмаларда қайд этилган. Хусусан, А.Ахмедов стартапларни инновацион фаолият олиб борувчи янгича субъектлар қаторига киритса [1], М.Мардонов стартапни бозорга аввал фойдаланилмаган услубда (ўз-ўзидан қонун билан тақиқланмаган) товарлар ёки хизматлар тақдим этишда ифодалайди [2].

Россиялик иқтисодчи олимлардан Т.Бондаренко ва Е.Исаевалар фикрича стартап – бу потенциал янги ташкилот ҳисобланиб, асосий фаолиятини ахборот технологиялари, интернет соҳаларида олиб боришга ихтисослашади. Стартапларнинг асосий хусусияти шиддатлик билан ўсишга интиладиган салоҳият (потенциал) бўлиб, унинг мақсади бозордаги янги сегментларга эришиш ёки бозорга буткул оригинал ва инновацион товар ёки хизматларни тақдир этишидир [3].

Бошқа бир россиялик олим В.Верниковнинг таҳлилича стартап – бу қисқа тарихга эга, ўзининг операцион фаолиятини олиб борадиган тадбиркорликдир. Қоида бўйича мазкур турдаги ташкилотлар (корхоналар) яқинда ташкил этилган бўлиб, улар асосан иқтиқболдаги бозорларни тадқиқ этиш ёки ривожланиш босқичида туради [4].

Хориж олимлардан Д.Беннет стартапларни кичик тадбиркорлик фаолияти деб атаса [5], И.Морони тури соҳаларда ташкил қилинадиган ташкилот ёки инсоният жамоаси бўлиб, бозорни инқилоб қилиш ниятини ўзида мужассамлаган маҳсулот ва хизматларнинг инновацион маркази саналишини [6] таъкидлайди.

Мижозлар истиқболи (customer development) методи асосчиси америкалик тадбиркор С.Бланк стартапни бизнес-модел (лойиҳа)ни амалга ошириш ҳамда кенгайтиришни кўзлаган вақтинчалик тузилма, деб ҳисоблайди.

Стартаплар таваккалчиликка асосланган ва фойда олишни мақсад қилган фаолият таъсирида вужудга келадиган лойиҳалардир. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулквий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир. Қолаверса, мазкур қонуннинг 4-моддасига кўра тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Юқоридагиларга хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, стартап – бу муайян лойиҳа ёки ташкилот бўлиб, у тадбиркорлик ва инновацион фаолият билан узвий боғлиқ бўлган, уларнинг белгиларини ўзида мужассамлаштирган, аниқ ташкил этиш ҳамда бошқариш усули, шаклига эга бўлган юридик, иқтисодий ва инновацион феномен ҳисобланади.

Стартапларнинг мамлакат иқтисодий барқарорликка эришишида ўрни ва аҳамияти катта ҳисобланади. Стартаплар мувофақиятли, самарали бўлиши учун унинг фаолият босқичлари муҳимдир.

Жаҳон тажрибаси стартапларнинг қуйидаги босқичларини назарда тутди:

1. *Ишга тушириш ёки эрта стартап босқичи (launch, or early startup stage)*; Қоида тариқасида мазкур босқичда ғоя расмийлаштириш, бизнес режа ишлаб чиқиш, бозор ва рақобатчиларни тадқиқ қилиш, шерик ва инвесторларни жалб қилиш сингари ҳаракатлар олиб борилади.

2. *Жараёни бошлаш босқичи (startup stage)*; Бу босқичда маҳсулот, товар ёки хизматлар яратиш ҳамда уларни реализация қилига қаратилган йўналишда фаолият олиб борилади.

3. *Дастлабки мижоз ёки кеч стартап босқичи (first clients, or late startup stage)*;

4. *Ўсиш босқичи (growth stage)*;

5. *Кенгайтириш босқичи (expansion stage)*;

6. *Чиқиш босқичи (exit stage)*.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгариланиш таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга ошириш баробарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакатини қаторига киришига эришишда инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида стартап лойиҳалар учун технопарк ташкил этиш орқали мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш тармоғини ривожлантириш масалалари илгари сурилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 ноябрдаги “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5583-сон фармонида тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини самарали ривожлантириш мақсадида юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалар-стартапларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондлар, венчур фондлардан биргаликда молиялаштириладиган юқори технологияли лойиҳалар-стартаплар халқаро бозорга чиқариш тизимининг барқарор занжирини яратиш ва ривожлантириш вазифалари белгилаб берилган. Қолаверса, мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган бир неча ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Улар жумласига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги “Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркин ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-5068-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3697-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги “Навий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун

эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5719-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги “Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 834-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 10 январдаги “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 17-сон қарорлари тааллуқлидир.

Юқорида санаб ўтилган ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда стартапларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва амалга оширилишида функционал вазибаларни амалга ошириб келмоқда. Чунончи, 2019 йил 24-27 сентябрь кунлари “ICTExpo-2019” ахборот-коммуникация технологиялари кўргазмаси ҳафтали доирасида Ўзбекистон, Беларусь, Россия, Хитой, Буюк Британия, Украинанинг машҳур мутахассислари иштирокида электрон тижорат, рақамли иқтисодиёт, сунъий идрок, стартап лойиҳалар масалалари муҳокама қилинди [7]. Шунингдек, технопарклар, инкубаторлар, стартап лойиҳаларини амалга ошириш, юқори технологияларга асосланган қўшма стартап лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, стартап экотизимини янги босқичга олиб чиқишда Беларусь Республикаси билан ҳамкорликда қўшма стартап лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган. Мазкур амалга оширилаётган чора-тадбирлар стартапларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатларининг шаклланиши ва ривожланишига ҳисса қўшади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, стартапларнинг юридик белгилари, мезонлари мамлакатимизда ўрганилмаганлиги ва тақдирот қилинмаганлиги унинг шу соҳадаги долзарблигини янада оширади. Чунончи, стартапларнинг юридик ва молиявий таваккалчилигини минималлаштиришда уларнинг ҳуқуқий табиатини белгилаш муҳим саналади. Хусусан, стартаплар интеллектуал фаолият натижаларини муҳофаза қилишига бўлган ҳуқуқ (стартап лойиҳаларига нисбатан), юридик шахс ва таъсис ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш (стартап компания мисолида), контрагентлар (шериклар, миждозлар, инвесторлар ва бошқа шахслар) билан шартнома тузиш каби юридик ҳаракатларни ўзида муассамлаштирилади.

Стартапларнинг келажақдаги ривожини, машҳурлигини ва самарали фаолият олиб бориши учун замановий ва профессионал юридик ёрдам зарур.

1. Стартаплар лойиҳаларни муваффақиятли йўлга қўйишдаги биринчи қадам – бу уларнинг мулкчилик шакллари тўғри белгиланишидир. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ва тадбиркорлик қонунчилигига кўра ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Стартапларнинг қайси ташкилий-ҳуқуқий шаклда таъсис этилиши унинг келажақдаги солиқ муносабатлари, лойиҳага инвестор ва ҳамкорлар жалб қилиш усуллари, стартап эгасининг жавобгарлик чегараларини инобатга олган ҳолда танланиши керак.

2. Навбатдаги муҳим вазибалардан бири стартапларга нисбатан интеллектуал мулк объектларини тасарруф этиш ҳуқуқининг мавжудлигидир. Бу босқичда вужудга келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлдаги “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош

ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августдаги “Ихтиролар, фойдали моделлар ва санаот намуналари тўғрисида”ги қонунлар билан тартибга солинади.

3. Стартапларни молиялаштиришда шерик ва инвесторлар муҳим ҳисобланади. Бунда асосан стартап компанияларининг иштирокчиси сифатида қатнашаётган инвестор томонидан унинг ички корпоратив ҳужжатлар расмийлаштирилади. Улар асосан улуш олди-сотди шартномаси (ёки улушнинг бир қисми), қарз шартномаси (қарз кўринишидаги венчур молиялаш амалга оширилган ҳолларда) ва улушлар гарови шартномаси ёрдамида амалга оширилади. Мазкур муносабатлар асосан Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрдаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 1998 йил 30 апрелдаги “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 ноябрдаги “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5583-сон фармонлари доирасида тартибга солинади.

Хулоса қилиб айтганда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида инновацион ғоялар, стартаплар, венчур лойиҳаларни молиялаштириш, илмий-техник ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилишни тезлаштириш ва инновацион маҳсулотларни халқаро бозорга чиқариш тизимининг барқарор заنجирини яратиш ва ривожлантириш каби вазибалар белгилаб берилган. Юқорида келтирилган вазибаларни амалга оширишда стартапларнинг ҳуқуқий жиҳатларини таққик қилиш ва уни қонунчиликка тадбиқ қилиш долзарб саналади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ахмедов А. Инновацион фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш. // Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Т.: 2017 йил.
2. <https://www.norma.uz/bizning-sharhlar/startap-nima-degani-va-u-nima-uchun-kerak>
3. Бондаренко Т.Г., Исаева Е.А. Стартапы в России: актуальные вопросы развития // Интернет-журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ» Том 7, №5 (2015) <http://naukovedenie.ru/PDF/83EVN515.pdf> (доступ свободный). Загл. с экрана. Яз. рус., англ. DOI: 10.15862/83EVN515
4. Верников В. А. Бизнес-планирование стартапов в контексте привлечения венчурных инвестиций // МИР (Модернизация. Инновации. Развитие). 2014. № 4(20). С. 77–87.
5. Daniel L. Bennett. Infrastructure investments and entrepreneurial dynamism in the U.S. // Journal of Business Venturing 34 (2019) 105907
6. Isabela Moroni et al. The design and technological innovation: how to understand the growth of startups companies in competitive business environment / Procedia Manufacturing 3 (2015) 2199 – 2204.
7. http://uza.uz/oz/society/akt-aftaligini-digital-uzbekistan-forumi-ochib-berdi-24-09-2019?sphrase_id=2474546

Ф.Б. Зайнобиддинова,
ЖИДУ докторанти

ИНВЕСТИЦИЙВИЙ ФАОЛИЯТНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МЕХАНИЗМИ

Аннотация: Мазкур мақолада инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари – инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизми борасидаги қарашларнинг ўзаро таҳлили асосида ўрганиб чиқилган. Муаллиф фикрига кўра, инвестициявий фаолиятнинг оптимал иқтисодий ва ҳуқуқий механизми – ички ва ташқи инвестициялар ҳажмини ошишига олиб келувчи шарт-шароитлардир. Шунингдек, илмий ишда Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини самарали ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш юзасидан таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестиция шартномаси, инвестициявий фаолият, шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш.

Annotation: In this article, the issues of legal regulation of investment activity are studied on the basis of the analysis on the main approaches to the concept mechanism of legal regulation of investment activity. According to the author, optimal economic and legal investment mechanism is a prerequisite for increasing domestic and foreign investment. In addition, the scientific work has presented some proposals to improve the effectiveness of legal regulation of investment activities in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: investment, investment agreement, investment activity, contractual regulation.

Аннотация: В данной статье, изучены вопросы правового регулирования инвестиционной деятельности на основе анализа основных подходов понятия механизма правового регулирования инвестиционной деятельности. По мнению автора, оптимальные экономические и правовые механизмы инвестирования является предпосылкой для увеличения внутренних и иностранных инвестиций. Кроме того, научной работе представлены предложения по повышению эффективности правового регулирования инвестиционной деятельности в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: инвестиция, инвестиционное соглашение, инвестиционная деятельность, договорно-правовое регулирование.

Бугунги кунда инвестиция сиёсати билан белгиланадиган инвестиция жараёнлари миллий иқтисодиёт ва жаҳон иқтисодиёти тараққиётининг энг муҳим омилларидир. Ўз навбатида, миллий инвестиция сиёсати – инвестиция манбасидан келиб чиққан ҳолда, ўз ичига миллий ва халқаро аспектларни камраб олади. Бу ҳолат эса давлат ривожининг бугунги замонавий босқичида, яъни халқаро ҳуқуқ трансформацияси ва рақобатнинг кучайиши жараёнларида, инвестиция фаолиятининг давлат-ҳуқуқий тартибга солиниши, бошқача айтганда, иқтисодиётнинг муҳим соҳаларига инвестицияларни жалб қилиш билан шуғулланадиган ваколатли тузилмаларнинг фаолиятини тартибга солиш ва мазкур турдаги фаолият иштирокчилари ўртасидаги

барча муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан камраб олиниши билан боғлиқдир.

Инвестициялар – тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ниятидаги қўйилмалар, инвестициявий фаолият эса мазкур қўйилмаларнинг реализацияси [1] бўлиб, қонун нормалари билан тартибга солинадиган, инвестицияларнинг муҳофазаси ва кафолатларини таъминлаш, инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий воситаларни яратишдир.

Ҳозирги вақтда инвестициявий фаолиятнинг фаол ўсиши кузатилмоқда. Ушбу жараённинг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлаш учун ҳамда айнан, “Инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизми” тушунчаси қонун ҳужжатларида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмаганлиги ва ўзбек ҳуқуқий адабиётларида ноаниқ талқинлар ҳам мавжудлигини инобатга олган ҳолда, албатта, инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмини яратиш зурурдир.

Ҳуқуқий адабиётларга кўра, “ Ҳуқуқий тартибга солиш механизми – бу юридик воситалар тўплами ҳисобланиб (ҳуқуқий нормалар, субъектив ҳуқуқлар ва ҳуқуқий мажбуриятлар, юридик фактлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқий актлари, давлат ва унинг органлари ташкилий фаолияти), улар ёрдамида оммавий муносабатлар тартибга солинади [2]”. Айнан, ушбу воситаларнинг сифати ва етарлилиги, қонунлар самарали ишлашининг асосий шартидир.

Мутахассис И.А. Вдовин ўзининг диссертациясида таъкидлашича: “Инвестициявий фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш механизми” - бу ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир қилувчи ҳуқуқий воситалар, усуллар, процедуралар, субъектлар ва объектлар тизими бўлиб, улар орқали инвестиция соҳасидаги оммавий муносабатларга самарали ҳуқуқий таъсир кўрсатадилади [3]. Шунингдек, мазкур илмий тадқиқотда, инвестициявий фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг асосий таркибий элементлари сифатида: “Инвестицион - ҳуқуқий нормалар, инвестициявий ҳуқуқий муносабатлар, инвестиция соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари, инвестиция ҳуқуқий муносабатлари субъектларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги”, - қайд этилган.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий тартибга солиш механизми ҳуқуқий воқеликнинг бўлақларини, яъни кетма-кет боғлиқ ҳуқуқий воситалар мажмуасини камраб олади.

Юқорида қайд этилганларга асосланиб, қуйидагича фикр қилишимиз мумкин: “Инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизми – бу турли хил соҳадаги (ҳам хусусий ҳуқуқ, ҳам оммавий ҳуқуқда фаолият соҳасида) юридик воситаларнинг (ҳуқуқий нормалар, субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар, юридик фактлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг давлат ҳужжатлари, давлат ва унинг органларининг ташкилий фаолияти) бирлашмаси бўлиб, улар орқали инвестициявий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинади”.

Ҳуқуқий тартибга солиш методи – бир қатор хилма-хил, аммо бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган таркибий қисмлардан ташкил топган мураккаб тизимли шаклланишдир [4]. Инвестицион иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг ва уларни юридик тадқиқот предметида айлантиришнинг асосий усули сифатида қонун инвестиция жалб қилиш ва

амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламидан иборат бўлган махсус инвестиция қонунчилиги каби воситани қўллайди [5].

Н.И. Матузовнинг таъкидлашича: “Ўз табиатига кўра, ҳуқуқий тартибга солиш бу - ижтимоий бошқарувнинг бир шаклидир [6]”. Замонавий жамиятда, тартибга солишнинг энг самарали ва универсал воситаси бу – махсус тарзда давлат-хокимият характерида ифода этилиб мустақамланган қонундир. Айнан, ҳуқуқ нормалари орқали (яъни, юридик тартибга солиш орқали) жамиятда тартибга солувчи ишларнинг асосий қисми амалга оширилади.

Чунончи, инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг ишлаши асосан хусусий ҳуқуқ соҳасида намоён бўлади. Оммавий-ҳуқуқий воситалар эса инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмида ҳуқуқий характерида кўра, хусусий воситаларнинг самарали ишлаши таъминловчи ва кафолатловчи ҳуқуқий стимул имтиёзлар (солиқ имтиёзлари, бюджет маблағлари, субвенциялар, субсидиялар ва бошқалар) ва чекловлар (устунликдан фойдаланишни тақиқлаш)дан иборатдир.

С.С. Алексеев оммавий ва хусусий ҳуқуқни фарқлашда, нафақат манфаат, балки мезон сифатида ҳуқуқий тартибга солиш усулини ҳам қўллаш зарурлигини асослайди [7].

Инвестициявий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмида оммавий-ҳуқуқий воситалар сифатида қуйидагиларни кўриб чиқиш мумкин.

1) “Инвестиция соҳада рухсат ва тақиқлар, рағбатлантириш ва жазо чораларини белгиловчи инвестицион-ҳуқуқий нормалар” [8];

2) Инвестиция муносабатлари субъектларининг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бажарилишини таъминловчи, юридик факт сифатида эътироф этиладиган – ҳуқуқни қўллаш актлари;

3) Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият (булар ҳам инвестиция муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг энг муҳим таркибий қисми сифатида ҳам кўриб чиқилиши керак).

Шу билан бирга, давлат инвестициявий фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш механизмида асосий субъектлардан бири бўлиб иштирок этади, яъни, қуйидагилар орқали давлат инвестициявий фаолиятни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратади:

– солиқ тизими, амортизацияни ҳисоблаш механизми ва амортизациядан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш;

– индивидуал хусусиятга эга бўлмаган инвестиция субъектлари учун махсус солиқ режимларини ўрнатиш;

– ҳисоб сиёсатини шакллантиришда тавсиялар бериш ёки таълим соҳасидаги тавсия усулини қўллаш [9];

– инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилиш;

– қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳолатда, инвестиция субъектларига ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш учун имтиёзли шарт-шароитлар бериш;

– уй-жой ва ижтимоий-маданий объектларни қуришни молиялаштиришда давлат маблағлари ва бошқа бюджетдан ташқари манбалардан фойдаланишни кенгайтириш;

– кредитлашда гаровдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

– инвестиция фаолияти субъектларига ўз инвестиция фондлари шакллантириш учун имкониятлар яратиш [10].

Таъкидлаш жоизки, ушбу юридик воситаларнинг барчаси хусусий воситалар учун қулай муҳит яратиш уларнинг самарали ишлаши таъминлайди.

Инвестиция жараёнлари турли давлатда турли хил усулларда тараққий топади. Бирок, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил орқали инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаш – қулай инвестиция муҳитини яратишга ва халқаро тажрибага асосланган ҳолда инвестиция фаолиятини самарали ҳуқуқий тартибга солишга, хизмат қилади.

АҚШ инвестиция тарихига юзланидиган бўлсак, миллий иқтисодиётни ривожлантириш манфаатларидан келиб чиқиб ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш амалиёти, ушбу давлатда аъёнавий равишда рағбатлантирилган ва рағбатлантириб келинмоқда. Инвестициялар доимо миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун “қимматли восита” сифатида қаралади. Шу билан бир қаторда, инвестиция фаолиятини тартибга солишнинг шундай тизими ишлайдики, унда мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоқларига инвестициялар киритишга имкон берилмайди [11].

Аммо, умуман олганда ушбу давлатда инвестиция фаолиятини тартибга солиш тизимини либерал характерга эга, дейиш мумкин. Чунки, бунда хорижий инвестицияларни тақиқловчи ёки чекловчи қоидалар мавжуд эмас (лицензиялашнинг йўқлиги, валюта операцияларини амалга оширишда жиддий чекловлар ва бошқалар). Қоида тариқасида, кредит олиш, капитални қайтариш, фойдани тўлаш учун молия органларининг розилиги талаб қилинмайди, хорижий инвесторларни айрим маҳаллий солиқлардан озод қилиш методи (масалан, даромад солиғи, кўчмас мулк солиғи) қўлланилади. Шунингдек, АҚШга чет ел инвесторларини жалб қилиш учун, паст фоиз ставкалари бўйича кредитлар олишга кўмаклашиш, ходимларни ўқитишни ташкил этиш хизматлари таклиф этилади.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, АҚШда EB-5 типидagi Визани олиш дастури мавжуд бўлиб, бу янги иш ўринларини яратиш учун АҚШ иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида ишлаб чиқилган. Ушбу дастурда иштирок этиш АҚШ фуқароси бўлмаган шахсга ушбу мамлакатда яшаш ва ишлашга рухсат берувчи “яшил карта” ни олиш имкониятини беради. АҚШнинг доимий резиденти мақоми инвесторнинг ўзига, унинг турмуш ўртоғига ва вояга етмаганларга болаларига (21 ёшгача) ҳам берилади.

EB-5 типидagi визалар Фуқаролик ва иммиграция тўғрисидаги қонуннинг (INA) 203(b)(5) бўлими қоидалари [12]га мувофиқ берилади. Таъкидлаш керакки, АҚШда ушбу чора-тадбирлар янги иш ўринлари яратиш ва қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга ёрдам берди [13].

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.09.2019 йилдаги ПФ-5833-сонли Фармони [14] билан бизнинг давлатимизда ҳам хорижий инвесторлар учун “Investment visa” жорий этилди.

“Investment visa” — хорижий инвестиция киритиш вақтида Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг камида 8 500 бараварида ҳўжалик жамиятларининг акциялари ва

улушларини сотиб олиш, шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этиш шаклида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестиция киритган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга расмийлаштириладиган, ушбу корхоналарнинг буюртмаси бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқмасдан муддатини узайтириш имконияти билан берилладиган, амал қилиш муддати уч йилгача бўлган кўп марталик инвестиция визасидир.

Бунда, инвесторнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи, ота-онаси ва фарзандлари)га «Investment visa» амал қилиш муддатида мос равишда меҳмон визаси республикадан чиқмасдан туриб узайтириш ҳуқуқи билан расмийлаштириб берилди [15].

Инвестициявий-ҳуқуқий муносабатлар бошқа турдаги ҳуқуқий муносабатлардан ўзининг мураккаблиги билан ўзига хос бўлиб, турли соҳаларга оид нормалар асосида вужудга келади, ўзгаради ва бекор бўлади. Айнан ушбу ҳолат, мазкур турдаги муносабатларни чуқурроқ тадқиқ этиш заруриятини намоён этади. Юқоридаги изланишлар асосида, Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида қўйидаги таклифларни илгари суриш мумкин:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмини ишлаб чиқиш ва “Инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизми” тушунчасини қонун ҳужжатларида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш;

Иккинчидан, қонун доирасида инвестиция шартномаси тушунчасини мустаҳкамлаш ва кенгроқ ёритиш, инвестиция шартномаси белгиларини қайд этиш ҳамда инвестиция шартномалари тизимини ишлаб чиқиш;

Учинчидан, инвестициявий фаолиятни тартибга солишга оид қонунчиликка “Барқарорлик ҳаволаси” (стабилизационная оговорка) хусусидаги ҳуқуқий нормани қўйидагича кўринишда киритиш лозим: “Инвестиция фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини чеклайдиган янги қабул қилинган қонунчилик нормалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги инвестициянинг устувор объектларига инвестиция киритган инвесторларга нисбатан тадбиқ этилмайди, жамоат ва давлат хавфсизлиги таъминлаш мақсадидаги ҳолатлар бундан мустасно”.

Тўртинчидан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган инвесторнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларининг қўшимча элементи сифатида – “Нотижорат инвестиция таваккалчиликларини суғурталаш” механизмини яратиш, мақсадга мувофиқ. Бу ўз навбатида, мамлакатдаги барқарор инвестиция муҳитини мустаҳкамлаш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси фаолият юритаётган маҳаллий ва хорижий инвесторлар томонидан янада кўпроқ капитал қуйилмаларга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизга ички ва ташқи инвестициялар оқимини кўпайтиришда инвестициявий фаолиятни тартибга солишнинг энг мақбул иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини яратиш зарурдир. Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун бошқа мамлакатлардагига қараганда кўпроқ қулай шарт-шароитларни яратиш, инвесторлар ҳуқуқларини таъминлашнинг замонавий усулларини жорий этиш ва

инвестициявий фаолият тараққиётига салбий таъсир этувчи мавжуд иқтисодий ва сиёсий тўсиқларни бартаф етиш, энг асосийси, барқарор, ўзгармас инвестиция қонунчилигини яратиш, долзарб аҳамиятга эга.

Адабиётлар рўйхати:

1. Духно Н.А., Цевольникова И.Ю. Правовая природа инвестиционной деятельности выражающая необходимость их регулирования комплексной отраслью права // Право и государство: теория и практика. 2015. №8 С.30.
2. Червонюк В. И. Элементарные начала общей теории права. М.: КолосС, 2003. С.544.
3. Вдовин И.А. Механизм правового регулирования инвестиционной деятельности (исторический и теоретико-правовой анализ): дис. ... докт. юр. наук. СПб., 2002. С.208.
4. Фаткуллин Ф.Н., Фаткуллин Ф.Ф. Проблемы теории государства и права. Казань: КЮИ МВД, 2013 С.82.
5. Ча Ю.Х. Правовой механизм обеспечения условий привлечения инвестиций (сравнение инвестиционного законодательства в России и Корее) // «Черные дыры» в Российском Законодательстве. Юридический журнал. 2003. № 1 С.369.
6. Матузов Н. И. Правовая система и личность. Саратов, 1987. С.13.
7. Алексеев С.С. Гражданское право в современную эпоху. М.: Юрайт, 1999. С.8.
8. Айзетулова Н.А. Система правовых стимулов и правовых ограничений инвестиционной деятельности в сфере предпринимательства: цивилистическое исследование: дис. ... канд. юр. наук. Казань, 2014. С.207.
9. Михайлов А.В. Методы правового регулирования отношений с участием предпринимателей // Ученые записки Казанского университета. 2012. Гуманитарные науки. №154/4. С.125.
10. Мингазова М.А. Механизм правового регулирования инвестиционной деятельности. // Matters of Russian and International Law. 5' 2016 С.59.
11. Киселев С.Г. и другие. Международно-правовое регулирование инвестиционной деятельности. (Международный опыт). Вестник Академии экономической безопасности МВД России. №3 / 2015. С.46.
12. Immigration and Nationality Act // <https://www.uscis.gov/legal-resources/immigration-and-nationality-act>
13. EB-5 Виза: Инвесторы-иммигранты. <https://business-visa-usa.ru/business-immigration-usa>
14. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.09.2019 й., 06/19/5833/3774-сон.
15. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.09.2019 й., 06/19/5833/3774-сон.

M. Tadjibayeva

Teacher of Business Law Department at TSUL

DISCRETION AS ONE OF THE SIGNS OF UNFAIR COMPETITION

Annotation: The article presents a detailed description and considers the signs of discrediting a competitor, which is one of the types of acts of unfair competition prohibited by the Law of the Republic of Uzbekistan "On competition". Based on the legal analysis of legal norms of the legislation of the Republic of Uzbekistan, foreign countries and specialized scientific literature, the article reveals the specifics of dissemination of false, inaccurate or distorted information that may cause losses to the economic entity or damage its business reputation.

Key words: unfair competition, discrediting, spreading false, inaccurate or distorted information, business reputation of a business entity.

Аннотация: ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг "Рақобат тўғрисида"ги қонуни билан тақиқланган ва назарияда инсофсиз рақобат турларидан бири ҳисобланган дискредитация ҳолати кўриб чиқилиб батавсил тавсиф берилган. Мақола Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, хорижий давлатлар ва илмий адабиётларнинг ҳуқуқий нормаларини таҳлил қилиш асосида, рақобатчига нисбатан ёлғон, ноаниқ ва бузилган маълумотлар тарқалитиши орқали ишбилармонлик обрўсига путур етказган ҳолда зарар етказишнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беради.

Калит сўзлар: инсофсиз рақобат, дискредитация, ёлғон, ноаниқ ёки бузилган маълумотлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик обрўси

Аннотация: в статье представлена развернутая характеристика и рассмотрены признаки дискредитации конкурента, являющейся одним из типов актов недобросовестной конкуренции, запрещенной Законом Республики Узбекистан «О конкуренции». На основе юридического анализа правовых норм законодательства Республики Узбекистан, зарубежных стран и специализированной научной литературы статья раскрывает специфику распространения ложных, неточных или искаженных сведений, которые могут причинить убытки хозяйствующему субъекту либо нанести ущерб его деловой репутации.

Ключевые слова: недобросовестная конкуренция, дискредитация, распространение ложных, неточных или искаженных сведений, деловая репутация хозяйствующего субъекта.

The concept of unfair competition under the Law of the Republic of Uzbekistan "On competition" means following: actions of an economic entity or a group of persons aimed at acquiring advantages in carrying out economic activities that are contrary to legislation, business customs and cause or may cause losses to other economic entities (competitors) or cause or may damage their business reputation [1].

In this regard, it can be said that the current legislation envisages the following four criteria for unfair competition: special privileges in doing business, committing acts contrary to the law and business ethics, harming and discrediting other business competitors.

The word "discredit" in French means "loss of trust," and it is a deliberate act aimed at undermining the reputation, authority and trust of a business entity [2].

In Article 14 Law of the Republic of Uzbekistan "On Competition" cites unfair competition as incorrect comparisons that could cause losses to another business entity or damage its business reputation.

In this case, an incorrect comparison is the comparison of the goods of an economic entity with other goods of another economic entity (competitor) by using words or designations that give the impression of superiority of the goods without specifying characteristics or comparison parameters that have objective confirmation, or when statements containing these words or designations are false, inaccurate or distorted

From the above provision, it is understood that an unfair competitor should be regarded as unfair competition when his or her comparative information is inaccurate, thereby damaging another competitor and undermining his business reputation. Also, in the second part of the norm, the words or symbols indicated in the information must be false, inaccurate and distorted to be considered a misleading comparison.

Hence, the discrediting a competitor's business reputation through false, ambiguous and distorted confirmation – the case of discredit is considered unfair competition.

In current practice, discretion is often seen in competitors' relationships as a sign of unfair competition. However, the current legislation of the Republic of Uzbekistan provides a very general definition of the concept of unfair competition, and now requires a clear and understandable explanation of the methods specified in this definition.

That is, there is no indication of the mechanism and character of discretion which can undermine competitors' business reputation. In this regard, we try to study this sign of unfair competition in the light of international norms and legislation of foreign countries.

In competition law theory, the term "competitor discretion" is used extensively. Concurrent discreditation - distribution of knowingly false, inaccurate or distorted information in a printed or otherwise duplicated text or in the mass media in order to damage the business reputation of a business entity. [3]

Discrediting (or disparagement) is usually defined as any false allegation concerning a competitor that is likely to harm his commercial goodwill. Like misleading, discrediting tries to entice customers with incorrect information. Unlike misleading, however, this is not done by false or deceptive statements about one's own product, but rather by casting untruthful aspersions on a competitor, his products or his services. Discrediting, therefore, always involves a direct attack on a particular businessman or a particular category of businessmen, but its consequences go beyond that aim: since the information on the competitor or his products is incorrect, the consumer is liable to suffer also. [4, 148 page]

Issues of discredit were also regulated in the Paris Convention "On the protection of industrial property", adopted in 1883 year. This convention is considered one of the international agreements in the regulation of economic spheres, and it covers issues of patents, trademarks, industrial designs, utility models, service marks, trade names, geographical indications and the repression of unfair competition.

According to Paris Convention An act of unfair competition is any act of competition that is contrary to

honest customs in industrial and commercial affairs. In particular, the following shall be prohibited: all actions that may in any way cause confusion with respect to the enterprise, products or industrial or commercial activities of a competitor; false statements in the course of business that could discredit a competitor, product or industrial or commercial activity; indications or statements, the use of which in carrying out commercial activities may mislead the public regarding the nature, method of manufacture, properties, suitability for use or quantity of goods. [5]

The Convention prohibits disqualification as a sign of unfair competition, that is, providing false information that could discredit a product, industry or commercial activity.

The Federal Law of the Russian Federation "On Competition Protection" dated January 5, 2016 has a broader definition of the concept of unfair competition.

This norm specifies that unfair competition should be avoided through discretion, such as dissemination of incorrect, inaccurate or distorted information that could harm the business entity and (or) damage its business reputation through discretion. [6] It also points out that in the following relationships, unfair competition through discretion should be avoided:

1) quality and consumer properties of goods offered for sale by other competing business entities, purpose of such goods, methods and conditions of their production or use, results expected from the use of such goods, their suitability for certain purposes;

2) quantity of goods offered for sale by other business entities-competitors, availability of such goods at the market, possibility of their purchase under certain conditions, actual demand for such goods;

3) conditions under which goods are offered for sale by other business entities-competitors, in particular, the price of goods. [6]

The Law of the Republic of Germany "On Fighting Unfair Competition" of March 3, 2010 (Gesetz gegen den unlauteren Wettbewerb, UWG) is aimed at enhancing consumer protection, limiting unfair competition, and providing greater transparency of the rules for people who do not have a legal education, business. It was adopted to give freedom to Section 7 of the Law states that disqualification and insult of a person with his or her competitor's distinctive features, goods, services, activities or personal or business circumstances are considered unfair competition., adopted to give freedom for business.

In Chapter 7 of Section 3 of the Law, discredits or denigrates the distinguishing marks, goods, services, activities, or personal or business circumstances of a competitor are considered unfair competition. [7]

The United States Act of July 5, 1946, the Lanham Act, is a Federal Law regulating competition relations, which includes trademark infringement, trademark dilution, and false advertising. The chapter 43 of law is named False designations of origin, false descriptions, and dilution forbidden According to the chapter:

1. Any person who, on or in connection with any goods or services, or any container for goods, uses in commerce any word, term, name, symbol, or device, or any combination thereof, or any false designation of origin, false or misleading description of fact, or false or misleading representation of fact, which—

(A) is likely to cause confusion, or to cause mistake, or to deceive as to the affiliation, connection, or association of such person with another person, or as to the origin, sponsorship, or approval of his or her goods, services, or commercial activities by another person, or

(B) in commercial advertising or promotion, misrepresents the nature, characteristics, qualities, or geographic origin of his or her or another person's goods, services, or commercial activities, shall be liable in a civil action by any person who believes that he or she is or is likely to be damaged by such act. [7]

In order to establish a state of discredit as a dishonest competition, the following conditions must exist:

- The action should have the appearance of distributing information;

- Information should be vague, false;

- Information should be broken

- Damage to the commercial activities of the competitor by causing unpleasant consequences.

When we say "dissemination of information", any behavior that causes it to become known to third parties is understood. In this case, the form of information dissemination does not matter. Information can be in the form of public speech, in the form of public speech in the media, in the form of interviews or in the form of letters in business work. Norms against the dissemination of inaccurate information are widely expressed in our national legislation. According to Article 100 of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan, a citizen has the right to demand a refutation by court if the person who has disseminated such information cannot prove that they are right to the truth on the basis of information that violates his honor, dignity or business reputation.

It is understood that such information will be disclosed to the general public, more than one or at least to a single person, as disseminating information that would undermine the case. Reporting can be carried out in public or private, in a written or oral form, with the use of mass media, as well as in a pictorial way (photo, photomontage)[8].

Also, Article 6 of the law "On mass media" of the Republic of Uzbekistan prohibits the insult of honor and dignity of citizens or the business reputation, interference in their personal lives through mass media.

According to Paragraph 8 of Article 5 of the Supreme Court Plenum of the Republic of Uzbekistan dated 19.12.1992 "On the application of laws on the protection of honor, dignity and business reputation of citizens and organizations in judicial practice" Dissemination of information that denigrates the honour, dignity and business reputation of a legal entity or individual should be understood as publication in the mass media, presentation in official records, public speeches, statements addressed to officials or other communication, including orally to several persons or at least one person.

However, in the law of the Republic of Uzbekistan "on competition" it is not clear whether the dissemination of false information, that is, how the information will be disseminated. In other norms that regulate this situation, this issue is approached in a narrow circle.

Information distributed as a mechanism of dissemination of data can be provided through a printed method, audio or video recordings, radio or television programmes, cinemachronics, speech and application and telecommunication sets of information [9-31 page].

It is also necessary that in order to find out the information as a discredit, its character should have an evaluation character, which is called false, ambiguous and distorted. As false information is understood intentionally distorted information that does not correspond to the truth in whole or in part. As for ambiguous information, it is understood that information that partially does not

correspond to reality, but corresponds to the thoughts of the person who distributed it. As distorted information, it is understood that information that is actually completely wrong, but that corresponds to the concepts of the person who distributes them [9-33 page].

From this it is possible to conclude that the basis for the occurrence of the discredit there must be the breach of the information and the intent to cause harm.

Dissemination of information by a competitor that reduces the level of trust in an business entity, but is reliable, is not unfair competition [10].

In the case of discretion, the subject matter is controversial, and some people argue that the subject only refers to competitors, while others argue that any individual may create discretion.

According to the national legislation, article 13 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Competition" an incorrect comparison is the comparison of the goods of an economic entity with other goods of another economic entity (competitor) by using words or designations that give the impression of superiority of the goods without specifying characteristics or comparison parameters that have objective confirmation, or when statements containing these words or designations are false, inaccurate or distorted.

Thus, the law provides that both parties should be business entities - competing in the event of disqualification through false, inaccurate or distorted information as a sign of unfair competition.

Also, according to some Western experts, even a person who "attacks" through discredit is considered to be an opponent. Most states protect the law on unfair competition from disproportionality in cases where there is at least some kind of competitive relationship between the plaintiff and the respondent.

In some countries, however, the requirement of a competitive relationship has been totally abandoned, and this has led to a considerably broader concept of discrediting: not only competitors but also consumer associations or the media can be held liable under unfair competition law if they make derogatory statements about an individual businessman.[4-148]

Thus, it is clear that not only the competitor, but also other individuals, can create a discretionary situation and thereby allow unfair competition. In this regard, the other party is the supporter of one party competing in the conduct of actions that may damage the business reputation.

Хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва чет эл рақобат ҳуқуқи назарияси ва амалиёти инсофсиз рақобат сифатида дискредитация ҳолати субъектлари доирасини кенгайтиришлари миллий қонунчиликка ҳам шундай тақлиф берилишни тақозо этади.

Foreign legislation and the theory and practice of foreign competition law extend the scope of discretion entities as unfair competition to the national legislation.

The following may be mentioned as object of discretion:

- The object of discredit is the goods themselves (their quality, consumer properties, purpose, methods and conditions of manufacture or application, results, expected from use, suitability for certain purposes);

- state of the goods market on which the goods are sold (quantity of goods offered to sale, availability of goods at the market, possibility to purchase them under certain conditions, the actual size of demand for such goods); sales conditions

- goods (price and other) [10].

Indeed, if discretion is carried out with respect to the competitor's goods, namely the market of the commodity market in which the product is sold and the terms of the sale, this may be regarded as unfair competition.

According to the article 192 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, Discrediting a competitor, that is, disseminating knowingly false, inaccurate or distorted information in a printed or otherwise multiplied text or in the media with the aim of harming the business reputation of an economic entity, is punishable by a fine from fifty to one hundred basic calculation values or by obligatory community service up to three hundred and sixty hours or correctional labor up to three years.

From the foregoing, it can be said that in the case of discretion as a sign of unfair competition, there must be a purpose to undermine the reputation of the entrepreneur, his product or service. Also, the discretionary information must not represent the true nature of the competitor's activities, and must have the characteristics of distortion. Thus, the discretionary status must seriously harm the activities of the business entity, which is discredited by the competitors and those who support them.

Bibliography:

1. Law of the Republic of Uzbekistan "On competition" dated November 14, 2011, No. LRU-319, Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2011.

2. Райзберг Б.А. Современный экономический словарь – М.: ИНФРА – М, 2017. Ст. 108.

3. Сухарев А. Я., Крутский В.Е. Большой юридический словарь. М.: ИНФРА – М, 2003. Ст.108.

4. WIPO Intellectual Property Handbook: Policy, Law and Use WIPO publication WIPO, 2004.

5. Paris Convention for the Protection of Industrial Property (as amended on September 28, 1979) (Official translation) <https://wipolex.wipo.int/ru/text/379398>

6. Федеральный закон от 26.07.2006 N 135-ФЗ (ред. от 27.12.2019) «О защите конкуренции» <http://www.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc&base=LAW&n=342023&fld=134&dst=753,0&rnd=0.6920216187748132#014001142718921034>

7. The new German Act Against unfair competition <https://germanlawarchive.iuscomp.org/?p=822>

8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: «Vektor-Press», 2010. –816-б. (Профессионал (малакали) шарҳлар).

9. Городов О.А. Прямая дискредитация конкурента как вид недобросовестной конкуренция. Правила конкуренция Журнал. 2010/1 (19).

10. Татьяна Пономарева. Дискредитация как инструмент в конкурентной борьбе. «Новая бухгалтерия». №08, 2017.

И.Салимова,
ТДЮУ докторанти

ФРАНЦИЯ ВА ГЕРМАНИЯ СУД ТИЗИМИДА ТААЛЛУҚЛИЛИККА ОИД НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада Франция ва Германия суд тизимида низоларнинг тааллуқчилиги билан боғлиқ зиддиятларни ҳал қилишнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Шунингдек, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судларга тааллуқли ўзаро боғлиқ бўлган талабларни ҳайъатда кўриб чиқиш амалиётини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: суд тизими, умумий юрисдикция судлари, ихтисослашган суд, тааллуқчилик, тааллуқчиликка оид низолар, ўзаро боғлиқ талаблар, Зиддиятлар бўйича трибунал, Умумий сенат.

Аннотация: в данной статье рассматриваются особенности разрешения конфликтов, связанных с подведомственностью споров в судебной системе Франции и Германии. В связи с этим разработаны предложения по внедрению практики рассмотрения в коллегиальном порядке связанных между собой требований, которые подведомственны гражданским, экономическим и административным судам.

Ключевые слова: судебная система, суды общей юрисдикции, специализированный суд, подведомственность, споры о подведомственности, связанные между собой требования, Трибунал по конфликтам, Общий сенат.

Annotation: this article discusses the features of resolving conflicts related to the jurisdiction of disputes in the judicial system of France and Germany. In this regard, proposals have been developed to implement the practice of collegially reviewing related requirements that are subordinate to civil, economic and administrative courts.

Keywords: judicial system, courts of general jurisdiction, specialized court, jurisdiction, jurisdiction disputes, related claims, Tribunal of Conflicts, General Senate.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 4966-сон Фармонига кўра, 2017 йил 1 июндан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди. Процессуал қонунчиликнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб, янги таҳрирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Иқтисодий процессуал кодекслари тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритуш тўғрисидаги кодекси қабул қилинди. Ушбу процессуал кодекслар билан фуқаролик ишлари бўйича суд, иқтисодий ва маъмурий судлар ваколатига тааллуқли бўлган низо(иш)лар доираси аниқ белгилаб берилди. Қайд этишимиз лозимки, миллий ҳуқуқ тизимизда муайян ваколатли органлар ўртасида низоларнинг тааллуқчилиги оид зиддиятлар вужудга келган

тақдирда, ушбу низоларни ҳал этишга ваколатли бўлган органни аниқлаб берувчи махсус тузилма(орган) мавжуд эмас. Бироқ, процессуал қонунчиликимизда турли судлар ваколатига тааллуқли бўлган ўзаро боғлиқ бир нечта талаблар бирлаштирилган тақдирда ушбу талабларни кўришга ваколатли бўлган суд аниқ белгиланган. Жумладан, ўзаро боғлиқ бўлиб,

– баъзилари фуқаролик ишлари бўйича судга, баъзилари эса иқтисодий судга ёки маъмурий судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилганда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судга кўрилиши(ЎЗР ФПКнинг 27-моддаси, ЎЗР ИПКнинг 25-моддаси 5 қисми, ЎЗР МСИЮТКнинг 26-моддаси 4- қисми).

– баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмаслиги мустаҳкамланган (ЎЗР ИПКнинг 25-моддаси 6-қисми, ЎЗР МСИЮТКнинг 26-моддаси 5- қисми).

Кўриб турганимиздек, ўзаро боғлиқ бирлаштирилган талабларни ҳал этишда устунлик фуқаролик ишлари бўйича судларга берилган. Шунингдек, фақатгина иқтисодий ва маъмурий судларга тааллуқли бўлган ўзаро боғлиқ талаблар бир-биридан ажратган ҳолда кўрилиши мустаҳкамланган. Бизнингча, ўзаро боғлиқ бирлаштирилган талабларнинг бир вақтнинг ўзида фуқаролик ишлари бўйича суд, иқтисодий суд ва маъмурий суд ваколатига тегишли бўлган ҳолатда ушбу талабларни кўрувчи суд аниқлаштирилиши керак. Бир вақтнинг ўзида учала судга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган ўзаро боғлиқ талабларга мисол қилиб, давлат органини ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш, мансабдор шахсдан етказилган зарарни ундириш ва ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги талабларни келтиришимиз мумкин. Процессуал қонунчиликнинг ҳозирги мазмунидан ушбу ҳолатда ишлар фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўрилиши лозимлиги англашилади. Бироқ мазкур хулоса кодекс нормасига шарҳ ҳисобланиб, унинг турлича талқин этилмаслиги учун ушбу масала кодексда аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ. Қолаверса, ҳуқуқнинг оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлиниш принципини ҳисобга олган ҳолда ушбу ҳолатда фуқаролик ишлари бўйича судга устунлик берилиши нотўғри.

Фикримизча мазкур ҳолат юқоридаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда процессуал қонунчилигимизга бир вақтнинг ўзида фуқаролик ишлари бўйича суд, иқтисодий суд ва маъмурий судга тегишли бўлган ўзаро боғлиқ бўлган бирлаштирилган талабларни кўришнинг ўзига хос моделини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

Бу борада Франция, қонунчилиги алоҳида ажралиб турилиши ва жуда мураккаб суд тизимига эга эканлиги билан эътиборга лойиқ. Чунки, Франция суд тизими умумий юрисдикция судлари ва маъмурий суд каби икки бир-бирдан мустақил бўлган суд ҳокимияти органидан иборат.

Францияда умумий юрисдикция судлар (ordinary courts; ordre judiciaire) тизими кассация суди, апелляция суди ва биринчи инстанция бўйича турли тоифадаги ишларни кўрувчи судлардан иборат. Кассация суди умумий судлар тизимига раҳбарликни амалга оширади ва олтита палатадан иборат: бешта

фуқаролик ишлари бўйича ва битта жинойт ишлари бўйича. Ўз навбатида “фуқаролик” палаталари фуқаролик ишлари бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи палаталарга, савдо ва молия масалалари бўйича палатага ва ижтимоий масалалар бўйича палатага бўлинади [1]. Бундан ташқари, Францияда умумий юрисдикция судлари тизимида кирувчи: вояга етмаганлар ишлари бўйича судлар; савдо (тижорат) судлари; ижтимоий (меҳнат) судлари; қишлоқ хўжалиги ерларининг ижараси масалалари бўйича трибуналлар каби ихтисослашган судлар ҳам фаолият юритади.

Маъмурий суд (*ordre administratif*) тизими маъмурий трибуналлар, маъмурий апелляция суди ва Давлат кенгашидан иборат. Яъни Н.Боональ таъкидлаганидек, француз суд тузилмалари маъмурий суд ва умумий юрисдикция судларидан иборат иккита пирамидани ташкил қилади. Маъмурий суд тизимининг чўққисидан Давлат кенгаши турса, умумий юрисдикция судлари тизимида Кассация суди туради [2].

Бироқ, икки мустақил суд тизимининг мавжудлиги Францияда улар ўртасида тааллуқлилиқ (судловлилиқ) масалаларида зиддиятлар келиб чиқиши мумкинлигини истисно этмайди. Шунинг учун ҳам умумий юрисдикция ва маъмурий суд ўртасида тааллуқлилиқ (судловлилиқ) масалалари билан боғлиқ зиддиятларни ҳал этишга ихтисослашган, ҳар иккала суд тизимидан мустақил бўлган суд органи ташкил этилган. Мазкур орган дастлаб “Судловлилиқ низолари бўйича суд (трибунал)” дея номланиб, илк бор 1848 йилдаги Франция Конституциясининг 89-моддасига мувофиқ таъсис этилган. 1848 йилдаги Франция Конституциясининг 89-моддасида маъмурий ва суд ҳокимияти ўртасида тааллуқлилиқ масалаларига оид келишмовчиликлар Кассация суди ва Давлат кенгаши аъзоларидан тенг таркибда, ҳар уч йилда тайинланган махсус суд томонидан ҳал этилиши мустаҳкамланиб, суд раиси этиб Адлия вазири белгиланган. Адлия вазинининг фикри ишни кўришда овозлар тенг бўлиб қолганда, ҳал қилув қарорини чиқаришда ҳал қилувчи овозга эга бўлади. Демак, Трибуналнинг мустақиллигини ва ҳолислигини таъминлаш мақсадида трибунал аъзолари ҳар иккала суд тизимидан тенг таркибда шакллантирилган ва Адлия вазири ҳар иккала томонлар тенг овоз олганда ҳал қилув қарорини чиқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган.

Ҳозирда ушбу орган вазифасини 1972 йилда қайта ташкил этилган “*Tribunal des conflits*” – “Зиддиятлар бўйича трибунал” (айрим манбаларда [3] “*The Jurisdictional Court*” – “Юрисдикция суди”) бажаради. Гарчи унинг ҳуқуқий мақоми Конституция билан алоҳида мустаҳкамланмаган бўлсада, Франция суд тизимида ўзига хос ўринни эгаллайди. Зеро, ушбу орган А.Соловьев таъкидлаганидек, компетенция масаласини аниқлашда суд тизимининг икки мустақил тармоғи кесишувида туради [4].

Кассация суди ёки Давлат Кенгаши Трибуналга ишни кўришда вужудга келган ҳокимиятлар бўлиниши билан боғлиқ компетенция масалаларида мурожаат қилади. Зиддиятлар бўйича трибуналнинг асосий вазифаси эса умумий юрисдикция судлари ва маъмурий судлар ўртасида судловлилиқ (тааллуқлилиқ) бўйича келиб чиққан зиддиятларни ҳал этишдан иборат. Зиддиятларнинг ижобий (“*positive conflict*”) ва салбий (“*negative conflict*”) каби икки тури фарқланади. Ижобий зиддиятда: ҳар иккала суд тизими муайян ишни кўриб чиқишда ўзини

компетентли деб ҳисобласа, салбий зиддиятда аксинча, ҳар иккала суд тизими муайян низони кўришга ўзини ваколатли эмас деб ҳисоблайди [3]. Шунингдек, ушбу юрисдикциялардан бирининг бошқасининг фойдасига ўз компетенциясидан воз кечиши, ҳар иккисининг мазкур ишни кўриб чиқишга ваколатли эмас деб ҳисоблаши билан бир хил ҳолат (салбий зиддият) сифатида эътироф этилади [5].

К.Чудиновских Зиддиятлар бўйича трибунални тааллуқлилиқка оид низоларни ҳал этишга жалб этишнинг қуйидаги йўлларини ажратади. Биринчи ҳолатда, муайян ишни тааллуқли эмаслиги тўғрисида ҳам маъмурий суд, ҳам фуқаролик суди томонидан қарор чиқарилиб, манфаатдор шахснинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи рад этилган бўлса, Трибунал иккала суд қарорининг бирини ноқонуний деб топиб, ушбу судга мазкур ишни ўз иш юритишга қабул қилиш мажбуриятини юклаши лозим. Иккинчи ҳолатда эса ижро органларининг фикрича, маъмурий судга тааллуқли бўлган иш фуқаролик суди томонидан кўрилаётган бўлса, лекин тарафлар ишнинг тааллуқли эмаслиги тўғрисида эътироз билдирмаган бўлсалар, ижро органи вакили суддан иш юритишни тугатишни талаб қилиши лозим. Суд томонидан иш юритиш тугатилмаган тақдирда, иш тўхтатилиб тааллуқлилиқ масаласи Зиддиятлар бўйича трибунал томонидан кўриб чиқиши лозим [6]. Кўриб турганимиздек, ҳар икки ҳолатда ҳам манфаатдор шахсга суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи рад этилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам зиддиятлар бўйича трибунал мазкур низони ҳал этиш айнан қайси суд тизими компетенциясига кириши тўғрисида якуний қарорни чиқаради.

Ўз навбатида С. В. Боботов таъкидлаганидек, ушбу орган икки одил судлов тизими учун олий инстанция бўлиб ҳам ҳисобланмайди. У фақат мустақил равишда улар ўртасидаги қарама-қаршилиқларни бартараф этади ва бу иккала тизимнинг олий суд органлари ўртасидаги ҳамкорликни уйғунлаштиради [7].

Демак, Зиддиятлар бўйича трибунал низоларни мазмунан ҳал этмайди, балким унинг фаолияти суд ҳокимияти органларининг компетенциясини аниқлаш ва суд ишлари юритишнинг умумий принципларини белгилаш билан чегараланади [8]. Бироқ, 1932 йил 20 апрелдаги қонун билан ушбу судга турли суднинг бир-бирига қарама-қарши бўлган қарорлари чиқарилишига олиб келган тааллуқлилиқ тўғрисидаги низо бўйича ишни мазмунан кўришга рухсат берилган. Шунингдек, 1960 йилга қадар Зиддиятлар бўйича трибунал тааллуқлилиқ тўғрисидаги низони иккала суд тизимининг олий органлари томонидан кўриб чиқилгандан кейингина кўриб чиқишга ваколатли бўлган [6].

Бундан ташқари, Трибунал умумий юрисдикция ва маъмурий суд инстанцияларида, шунингдек агар лозим топса Трибуналнинг ўзида ҳам ишларнинг тааллуқлилигини белгилаш бўйича келишмовчиликлар юзасидан суд муҳокамаларининг ҳаддан ташқари узайтирилганлиги муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъволарни ҳам ҳал қилиши мумкин [9].

Трибунал уч ой ичида низонинг қайси суд органига тааллуқли эканлиги тўғрисида қарор қабул қилиши лозим ва ушбу муддат икки ойгача узайтирилиши мумкин. Судлар ўртасидаги ижобий зиддиятни ҳал этишда ушбу муддат ўтгандан сўнг бир ой ичида Трибунал томонидан жавоб берилмаса, ишни кўрган

дастлабки суд ишни кўришга киришишга ваколатли хисобланади.

Бу борада Франция тажрибасига яқин амалиётни Германия Федератив Республикасида учратишимиз мумкин. Германия Федератив Республикаси ҳам жаҳонда тан олинган мураккаб ихтисослашган суд тизимига эга бўлган давлатлардан биридир. Ихтисослашган суд тизимига эга дейишимизга сабаб ГФРда Федерал Конституциявий суддан ташқари бешта бир-бирдан мустақил ўзининг олий органига эга бўлган умумий (Федерал суд палатаси), маъмурий (Федерал маъмурий суд), меҳнат (Меҳнат ишлари бўйича Федерал суд), молиявий (Федерал молия суди) ва ижтимоий (Ижтимоий ишлар бўйича Федерал суд) судлар фаолият юритади. Бундан ташқари, ГФР конституциясида парламент томонидан махсус судлар ҳам ташкил этилиши назарда тутилган.

Мураккаб ихтисослашган суд тизимига эга бўлганлиги сабабли улар ўртасида ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида 1968 йил қонун билан Федерация Олий судларининг Умумий (қўшма ёки бирлаштирилган) сенати таъсис этилган. Умумий сенат йиғилиши Олий федерал судининг қарори билан ҳуқуқ тўғрисидаги низо бошқа Олий федерал суддан ёки Умумий сенат қароридан фарқ қилган ҳолда қабул қилинган тақдирда қақрилади. Умумий сенат таркибига Олий федерал суд раислари ва судьялари киради. Яъни, олий федерал судлардан бири муайян иш бўйича худди шу даражадаги бошқа суд ёки мавжуд Умумий сенат қарорига мувофиқ бўлмаган қарор қабул қилган тақдирда, иш бўйича якуний қарорни Умумий сенат чиқаради. Хусусан, 2009 йилда Умумий сенат иш берувчининг банкротлиги туфайли ходимларга иш ҳақини тўлаш масаласи меҳнат судлари томонидан кўрилиши тўғрисида якуний қарорга келган. 2010 йилда эса суд қарорларини ижро этиш билан боғлиқ масалалар кўрилган бўлиб, Умумий сенат суд қарорлари расмий эълон қилинган кундан эътиборан беш ой муддат ичида ижро қилиниши лозимлигини белгиланган [10].

Кўриб турганимиздек, Францияда “Зиддиятлар бўйича трибунал” ва ГФРда “Федерация олий судларининг умумий сенати” каби мустақил тузилманинг суд ҳокимиятида мавжудлиги, биринчидан, судлар ўртасида тааллуқлилик (судловлилик) бўйича низоларни келиб чиқишини бартараф этса, иккинчидан, бир нечта суд тизими мавжудлигига қарамасдан ягона суд амалиётини таъминлайди, учинчидан, манфаатдор шахсларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фикримизча, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди фаолият юритган даврда Франция ва Германия тажрибасини қўллаш амалиётда ўзаро боғлиқ бўлган талабларнинг тааллуқлилиги билан боғлиқ низоларни бартараф этишга хизмат қилиши мумкин эди. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг Олий суди фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи бўлиб хисобланар экан, суд тизимида тааллуқлилик тўғрисидаги низоларни ҳал этиш бўйича махсус органни таъсис этиш мақсадга мувофиқ эмас деб

хисоблаймиз. Чунки ҳозирда суд ҳокимияти икки мустақил тармоқ: Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий судидан иборат. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида” конституциявий Қонуннинг 2-моддасида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мақоми аниқ белгиланган бўлиб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи суд ҳокимияти органидир. Яъни, ҳар иккала суд ҳокимияти органи одил судлов функциясини амалга оширсанда, ҳуқуқий мақоми ва ваколатлар доираси жиҳатидан бир-бирдан фарқ қилади. Демак, моҳиятан улар ўртасида низоларнинг тааллуқлилигига оид зиддиятлар вужудга келиши мумкин эмас. Шундай экан, тааллуқлилик низоларини ҳал қилишга ихтисослашган махсус органни ташкил этишга зарурат йўқ.

Шунингдек, бизнинг фикримизча фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судлар ўртасида тааллуқлилик тўғрисидаги низоларни ҳал этишга ихтисослашган тузилмани Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ҳам таъсис этиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, бу биринчидан, манфаатдор шахслар учун ноқулайликлар туғдириб, ортиқча сарсонгарчиликларни келтириб чиқарса, иккинчидан, ишни кўриш билан боғлиқ процессуал муддатларнинг ҳаддан ташқари узайишига олиб келади. Бироқ, бу ўзаро боғлиқ талаблар бир вақтнинг ўзида фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судларга тааллуқли бўлган тақдирда ушбу низоларни кўриб чиқишнинг махсус процессуал механизмини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Демак, ўзаро боғлиқ талаблар бир вақтнинг ўзида фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судларга тааллуқли бўлган тақдирда ушбу низолар ҳар уччала суднинг судьялари иштирокида ҳайъатда кўриб чиқиши амалиёти жорий этилиши мақсадга мувофиқ. Бунда аризани ўз иш юритувига қабул қилиб олган судья ишни бошқа судьялар иштирокида ҳайъатда кўриб чиқиш тўғрисида ажрим чиқариши лозим ва ажрим нухаси процессуал муддатларга риоя қилган ҳолда тегишли судларга юборилиши лозим. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш аризани ўз иш юритувига қабул қилиб олган судья томонидан амалга оширилиши лозим. Муайян процессуал ҳаракатлар амалга оширилгандан сўнгра судья тегишли судьяларни суд муҳокамаси вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиб ишни уччала суднинг судьяси иштирокида ҳайъатда кўриб чиқишини таъминлайди.

Хулоса ўрнида айтишимиз лозимки, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судларга тааллуқли ўзаро боғлиқ бўлган талабларнинг ҳайъатда кўриб чиқиш амалиётининг жорий этилиши ушбу арз қилинган талаблар бўйича яқдил якуний қарорнинг қабул қилинишига, манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг ўз вақтида ишончли ҳимоя қилинишига, ортиқча сарсонгарчиликка чек қўйилишига, шунингдек фуқароларимизнинг одил судловга бўлган ишончини ортиши ҳамда адолатни қарор топишига хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Борискова И.В. Судебная система Франции // Территория науки. – 2015. – № 5. <https://cyberleninka.ru/article/n/sudebnaya-sistema-frantsii-1>.
2. Бонналь Н. Французские судебные учреждения // Судебная система и судебные учреждения / Под ред. П. Трюша / Посольство Франции в России. – М.: Гнозис/Логос. – 2003. – С. 45.
3. https://en.wikipedia.org/wiki/Judiciary_of_France.
4. Соловьев А. Правовой статус отдельных органов судебной власти Французской Республики, обладающих особой компетенцией. // Власть. – 2014. – №1. – С.112.
5. Судебные системы европейских стран. Справочник 1 Перевод с франц. Д.И. Васильева и с англ. О.Ю. Кобякова.- М.: Междунар. отношения, – 2002. - 280 с.
6. Чудиновских К.А. Подведомственность в системе гражданского и арбитражного процессуального права. Монография. - СПб.: Юридический центр-Пресс, – 2004. – С. 88-89.
7. Боботов С.В. Правосудие во Франции. М., – 1994. - 95 стр.
8. Рену Т.С., Константе Х.М. Специальные конституционные суды // Судебная система и судебные учреждения / Под ред. П. Трюша / Посольство Франции в России. – М.: Гнозис/Логос, – 2003. – С. 44.
9. Официальный сайт Трибунала по конфликтам. Информация по состоянию на 31.07.2019г. \\<http://www.tribunal-conflits.fr>
10. https://studref.com/403548/pravo/obedinenny_s_enat_vyshshih_federalnyh_sudov

Ш.А.Исмоилов,
ТДЮУ докторанти

**ЎН САККИЗ ЁШГА ТЎЛМАГАН ШАХСЛАР
МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳририда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини белгилаш билан боғлиқ муаллифнинг фикр-мулоҳазалари, тақлифлари ўрин олган.

Калит сўзлар: айрим тоифадаги ходимлар, ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар, имтиёзлар, кафолатлар, чекловлар, тақиқлар, махсус нормалар.

Аннотация: в данной статье приведены мнения и предложения автора по определению особенностей правового регулирования труда лиц до восемнадцати лет в новой редакции Трудового кодекса Республики Узбекистан.

Ключевые слова: отдельные категории работников, работники в возрасте до восемнадцати лет, льготы, гарантии, ограничения, запрет, специальные нормы.

Annotation: the offers and opinions on defining the legal features of labor regulations of workers under age eighteen years in the new edition of Labor Code of the Republic of Uzbekistan were introduced.

Keywords: individual categories workers, workers under the age of eighteen years, privileges, guarantees, limitations, interdict, special norms.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари уларнинг вояга етмаганлик билан боғлиқ жисмоний ҳолати, касбий малака ва кўникмаларининг зарур даражасига эга эмаслиги каби омиллар билан боғлиқ. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари вояга етмаганларни меҳнат ҳуқуқининг субъекти сифатида эътироф этиш, уларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш тартиби, иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат муҳофазаси, моддий жавобгарлик каби институтларда намоён бўлади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни меҳнат ҳуқуқининг субъекти сифатида тан олиш бўйича ўзига хослик мавжуд. Бундай ўзига хослик уларнинг фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқий лаёқати вужудга келиш ўртасидаги фарқлар мавжудлиги билан тушунтирилади. Ҳуқуқшунос олим А.Иноятовнинг таъкидлашича, ҳар бир ҳуқуқ соҳасининг меҳнатга оид ҳуқуқий лаёқат ва ҳуқуқий муомала лаёқатида эга бўлган ўзига хос субъектлари мавжуд. Меҳнатга оид ҳуқуқий лаёқат деганда, меҳнат қонунчилиги нормаларига биноан субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўла олиш қобилияти тушунилади. Меҳнатга оид ҳуқуқий муомала лаёқати тушунчаси негизда қонунчиликка мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларни муайян хатти-ҳаракатлар орқали амалга ошириш қобилияти, имконияти тушунчаси ётади. Меҳнат қонунчилигига кўра умумий ҳуқуқий лаёқат ва ҳуқуқий муомала лаёқати бир вақтда, яъни фуқаро 16 ёшга тўлган вақтда вужудга келади ва айни

шу жиҳати билан фуқаролик ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатидан фарқ қилади[1]. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳуқуқидаги тўла ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиш ёшига етмаганлик бошқа ҳуқуқ соҳаларида ушбу шахсларни қўшимча ҳуқуқий ҳимоя чораларини кўришни талаб қилади. Чунончи, меҳнат ҳуқуқида ўн олти ёш меҳнат ҳуқуқ ва муомала лаёқатини тўла вужудга келтиради, аммо уларга ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги сабабли бошқа ходимларга қараганда қўшимча имтиёз ва кафолатлар белгиланади. Шунингдек, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан меҳнат соҳасида тақиқ ва чекловлар ҳам амал қилиб, бу улар учун махсус ҳуқуқий тартибга солиш амалга оширилишини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 6-моддаси 2-қисмига мувофиқ меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида ғамжўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмайди. Вояга етмаганлар меҳнатининг бошқа ходимларникидан фарқ қилишига оид мазкур қоида уларни махсус субъект эканлигини ва меҳнатини тартибга солишда ўзига хос хусусиятлар мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 240-моддасида қайд этилишича, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёزلардан фойдаланадилар. Айтиш мумкинки, мазкур модданинг нормалари ҳам ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни меҳнат соҳасида имтиёزلарга эга бўлиши ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб, уларни айрим тоифадаги ходимлар тоифасига киритади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар вояга етмаганлиги сабабли меҳнат ҳуқуқининг турли институтлари бўйича имтиёزلарга эга бўлади. Шу билан бирга меҳнат ҳуқуқининг бошқа институтлари бўйича эса бошқа ходимлар билан тенг ҳуқуқли ҳисобланади. Шунга ўхшаш қоида Тожикистон Республикаси Меҳнат кодексининг 207-моддасида ҳам учратилиши мумкин ва унга асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнат муносабатларида бошқа ходимлар билан тенглаштирилади[2]. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 240-моддасининг камчилиги шундан иборатки, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўлиши белгиланган. Бироқ “катта ёшдаги ходимлар” тушунчаси бўлмаганлиги сабабли уни “бошқа ходимлар” жумласига алмаштириш талаб этилади.

Меҳнат муносабатларида имтиёз ва кафолатлар, тақиқ ва чекловлар субъект ёши билан боғлиқ ҳолда турлича бўлади. Ходим меҳнат муносабатларида субъект сифатида иштирок этиш учун қонунда белгиланган ёшга тўлган бўлиши талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77-моддаси 1-қисмига мувофиқ ишга қабул қилишга 16 ёшдан йўл қўйилади. Бироқ ушбу қоидадан истиснолар ҳам мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77-моддаси 2-қисмига мувофиқ

ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади. Мазкур моддада белгиланган асосий жиҳат шундан иборатки, муайян шартлар мавжуд бўлганда (ўқувчи бўлиши ва ота-онасининг бири ёки уларни ўрнини босувчи шахснинг розилиги олинishi) вояга етмаган шахснинг меҳнат ҳуқуқи ва муомала лаёқати бошланади. Бироқ миллий меҳнат қонунчилиги 15 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат муносабатларига кириша олиши ҳақида ҳеч қандай қоидадан назарда тутмайди. Бу эса мазкур ёшдаги шахсларнинг меҳнатидан фақат фуқаролик-ҳуқуқий битимлар орқали фойдаланишга имкон қолдиради. Бироқ ушбу масалада хориж давлатлари меҳнат қонунчилигининг позицияси бошқача шаклланган. Хусусан, Грузия Меҳнат кодексининг 4-моддасида ишга қабул қилиш учун минимал ёш ва меҳнат лаёқати ҳақидаги муҳим қоидалар ўрин олган. Мазкур моддага мувофиқ жисмоний шахсларнинг меҳнат муомала лаёқати 16 ёшдан бошланади. Агар меҳнат муносабатлари вояга етмаган шахснинг манфаатларига зид бўлмаса, унинг ахлоқий, жисмоний ва ақлий ривожланишига зарар етказмаса ҳамда мажбурий бошланғич ва базавий таълим олиш ҳуқуқи ва имкониятини чекламаса 16 ёшга тўлмаган вояга етмаган шахсларнинг меҳнат муомала лаёқати уларнинг қонуний вакиллари ёки васийлик-ҳомийлик органлари розилиги билан бошланади. Қонуний вакил ва васийлик-ҳомийлик органининг розилиги шунга ўхшаш тусдаги бошқа меҳнат муносабатларига ҳам татбиқ этилади. Жумладан, 14 ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар билан меҳнат шартномалари фақат спорт фаолияти, санъат ва маданият соҳаси фаолияти, шунингдек, реклама ишларини бажариш учун тузилиши мумкин[3]. Шунга ўхшаш қоида Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 63-моддасида ҳам мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра ота-онадан бирининг ёки васийнинг розилиги ҳамда васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан ўн тўрт ёшга тўлмаган шахслар билан уларнинг соғлиғи ва ахлоқига зарар етказмаслик шarti билан киноматография ташкилотлари, театрлар, театр ва концерт ташкилотлари, циркларда асарларни яратиш ва ижро этиш бўйича меҳнат шартномаси тузилиши мумкин. Бундай ҳолда меҳнат шартномасини ходимнинг номидан унинг ота-онаси ёки васийси имзолайди [4]. Юқоридагилардан хулоса қилиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 77-моддасини қуйидаги мазмундаги 3-қисм билан тўлдириш тақлиф этилади:

“Ўн беш ёшга тўлмаган вояга етмаган шахслар билан меҳнат шартномалари спорт, санъат ва маданият соҳаси фаолияти, шунингдек, реклама ишларини бажариш учун тузилиши мумкин. Бунда вояга етмаганлар томонидан меҳнат шартномасини уларнинг ота-оналари ёки васий имзолайди”.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 239-моддасида минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни иш берувчи ишга қабул қилиш шартлиги, ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда судга шикоят қилиш

мумкинлиги белгиланган. Албатта, миллий меҳнат қонунчилигидаги ушбу нормани ижобий баҳолаган ҳолда, бошқа давлатлар меҳнат қонунчилигида (Грузия, Тожикистон, Россия Федерацияси) бундай қонуннинг мавжуд эмаслигини таъкидлаш ўринлидир. Шунингдек, мазкур модданинг 3-қисмида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тиббий кўриқдан ўтказишга оид қоидалар ҳам ўрин олган. Хорижий тажрибани ва мантикий изчилликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 239-моддасидан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда харажатларни иш берувчи ҳисобидан қоплаш ҳақидаги нормаларни чиқариб, уларни бошқа алоҳида моддада белгилаш лозим. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 239-моддасига ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни уларнинг ёши ва касбий малакаси етарли эмаслиги туфайли ишга қабул қилмаслик тақиқланиши ҳақидаги қоида билан тўлдирилиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича қонунчиликнинг камчиликларидан яна бири ўн беш ёшга тўлган шахсларни ишга қабул қилишда ота-онасидан бирининг розилигини олиш масаласида тенглик тамойили бузилганлигини таъкидлаш ўринлидир. Ушбу масалада тенглик тамойилини таъминлаш мақсадида қонунчиликка ҳам ота, ҳам онанинг розилигини олиш ҳақида тегишли ўзгартириш киритилиши лозим.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятларидан яна бири улар меҳнатидан фойдаланиш бўйича айрим тақиқларнинг мавжудлигидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 241-моддасига асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан уларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шaroити ноқулай бўлган ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланган. Шунингдек, уларга белгилаб қўйилган нормадан ортқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига қўл қўйилмаслиги белгиланган. Мазкур соҳада “Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқлангандаги ноқулай меҳнат шaroитлари ишлари рўйхати” (рўйхат рақами 1990, 29.07.2009 й.), “Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш тўғрисидаги низом” (рўйхат рақами 1954, 12.05.2009 й.) тасдиқланган бўлиб, улар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатини муҳофаза қилишда муҳим ўрин эгаллайди. Шу ўринда айрим давлатлар меҳнат қонунчилигида вояга етмаган шахслар ишлаши мумкин бўлган рухсат этиладиган ишлар рўйхати амал қилади. Масалан, Беларусия Республикаси Меҳнат кодексининг 272-моддасида 14-16 ёшгача бўлганлар бажариши мумкин бўлган энгил иш турларининг рўйхати ҳукумат томонидан тасдиқланган[5]. Бундай амалиётни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари орқали белгилаш имкониятини кўриб чиқиш лозим. Таъкидлаш лозимки, миллий қонун ҳужжатларида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланишга оид тақиқлар уларнинг соғлиғини ҳимоя қилишга қаратилган. Бироқ уларнинг ахлоқий ривожланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, бир қатор давлатларнинг меҳнат қонунчилигида ушбу тоифадаги ходимларни ахлоқини муҳофаза қилиш билан боғлиқ нормалар ўз аксини топган. Хусусан, Россия Федерацияси Меҳнат

кодексининг 265-моддасининг 1-қисмида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан уларнинг ахлоқий ривожланиши ва соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган қимор ва бошқа таваккалчиликларга асосланган ўйинлар, тунги клублар, спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, наркотик ва бошқа заҳарли воситаларни ишлаб чиқариш, ташиш ва сотиш каби ишларда фойдаланиш тақиқланган[6].

Худди шунга ўхшаш қоидалар бошқа давлатлар меҳнат қонунчилигида ҳам назарда тутилган. Масалан Грузия Меҳнат кодексига мувофиқ вояга етмаган шахслар билан қимор бизнеси, тунги дам олиш масканларида ишлаш, эротик ва порнографик маҳсулотлар, фармацевтик ва заҳарли моддаларни тайёрлаш, ташиш ва сотиш бўйича меҳнат шартномалари тузиш чекланган. Шунингдек, вояга етмаган шахслар билан оғир, зарарли ва хавфли меҳнат шaroитларда ишлаш бўйича меҳнат шартномаси тузиш ҳам тақиқланади[7]. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланишга қўйилган чекловлар кўп мамлакатлар меҳнат қонунчилигида ўрнатилган. Бу борада миллий меҳнат қонунчилигининг камчилиги унда умумий қоидалар (соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шaroити ноқулай бўлган ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишлар) белгиланган бўлса, хориж давлатларида аниқ соҳалар (қимор бизнеси, тунги дам олиш масканларида ишлаш, эротик ва порнографик маҳсулотлар, фармацевтик ва заҳарли моддаларни тайёрлаш) ҳам кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 242-моддаси эса вояга етмаган шахслар иш вақтининг давомийлиги муддатини белгилайди. Иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан иборат, ўн беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар (таътил даврида ишлаётган ўн беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар) учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланган. Таъкидлаш лозимки, мазкур моддада иш вақтининг ҳафталик максимал муддати кўрсатилган бўлсада, вояга етмаганларнинг бир кунлик иш вақтининг давомийлиги аниқ белгиланмаган. Чунончи, ҳуқуқшунос М.Махаматовнинг фикрича, мазкур ҳолат ХМТнинг “Ишга қабул қилишда энг кичик ёш тўғрисида”ги 146-сон Тавсияси 13.1.b қисмига қисман мос келмайди. Унга кўра, таълим ва тайёргарлик, кун давомидида дам олиш ва кўнгил очишга етарли вақт бўлиши учун меҳнат куни ва меҳнат ҳафтаси давомийлигининг қатъий чекланиши ҳамда иш вақтидан ташқари ишни тақиқлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Шу сабабли ҳафталик иш вақтининг кунлик давомийлигини қонун йўли билан белгилаб қўйиш ва Меҳнат кодексига буни акс эттириш мақсадга мувофиқ[8]. Шунингдек, худди шундай қоида “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциянинг 32-моддасида ҳам қайд этилган бўлиб, унга кўра конвенцияга иштирокчи давлатлар болалар меҳнати учун кундалик ишнинг аниқ муддатини белгилаб қўйишлари лозим[9].

МДХ давлатлари меҳнат қонунчилигида ҳам вояга етмаганларга нисбатан қисқартирилган иш вақти белгиланган. Бироқ кундалик ишнинг давомийлиги муддати белгиланмаган. Фақат Қозоғистон Республикасининг Меҳнат кодексига 14-16 ёшгача бўлган ишни ўқиш билан олиб борувчиларга бир кунлик иш вақтининг давомийлиги 2,5 соат, 16-18 ёшгача бўлганларга бир кунда 3,5 соат қилиб

белгиланган. Шунингдек, Тожикистон Республикаси Меҳнат кодексининг 211-моддасида ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчилар учун кунлик иш вақтининг муддати белгиланган, бўлиб, унга кўра 14-16 ёшгача бир кунда 2,5 соат, 16-18 ёшгача бир кунда 3,5 соат бўлиши мустаҳкамланган[10]. БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги, ХМТнинг “Ишга қабул қилишда энг кичик ёш тўғрисида”ги конвенциялари талабларини ҳисобга олиб вояга етмаганларнинг кундалик иш вақти муддатини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 242-моддаси 1-қисми қуйидаги таҳрирда баён этилиши лозим: “Иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати олти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида етти ярим соатдан ортиб кетмаслиги, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан, 6 кунлик иш ҳафтасида тўрт соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида беш соатдан ортиб кетмаслиги лозим”.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексиди меҳнатни нормалашга оид нормалар мавжуд эмас. Ваҳоланки, бошқа МДҲ давлатлари (Тожикистон Республикаси Меҳнат кодексининг 212-моддаси, Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 270-моддаси) меҳнат қонунчилигида ҳатто ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун ҳам алоҳида меҳнат нормалари белгиланган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун ишлаб чиқариш нормаларини назарда тутувчи модда билан тўлдириш керак.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 243-моддасида 18 ёшга тўлмаган ходимларга гарчи кундалик иш вақти қисқартирилсада, иш вақти тўлиқ бўлган чоғда тегишли тоифадаги ходимларга бериладиган миқдорда ҳақ тўланишини белгиланган. Бу эса халқаро стандартларга тўла мувофиқ бўлиб, айрим МДҲ давлатлари меҳнат қонунчилигидаги худди шундай нормаларга нисбатан имтиёзли қоидаларни ўзида акс эттирган. Тожикистон Республикаси Меҳнат кодексининг 212-моддаси[11], Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 271-моддаси[12]да Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 243-моддасидан фарқи равишда қисқартирилган иш вақти учун тўлиқ иш ҳақи тўлаш назарда тутилмаган. Аксинча уларда иш берувчининг шахсий воситалари ҳисобидан тўлиқ иш ҳақини амалга ошириш мумкинлиги қайд этилган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 243-моддасига шу ҳақидаги тегишли ўзгартиш киритиш масаласини ўрганиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 244-моддасида ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга камида ўттиз календарь кундан иборат йиллик таътил берилиши ва улар бу таътилдан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтида фойдаланишлари мумкинлиги қайд этилган. Вояга етмаган ходимларга янада қулай шароит яратиш мақсадида меҳнат таътилини олиш ҳуқуқи ўзлари учун қулай бўлган хоҳлаган вақтда бериш лозим. Мисол учун Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 267-моддасида вояга етмаган ходимларга муддати 31 календарь кундан иборат меҳнат таътилини ўзлари хоҳлаган вақтда олиш ҳуқуқи берилган. Бундан ташқари вояга етмаган ходимларни меҳнат таътилидан чақириб олишга йўл қўйилмаслигига оид

махсус қоида киритилиши лозим. Масалан, Тожикистон Республикаси Меҳнат кодексининг 213-моддасида ушбу тоифадаги ходимларни меҳнат таътилидан чақириб олишга тақиқ ўрнатилган[13].

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 245-моддасига асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш тақиқланади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга қўшимча кафолат сифатида жамлаб ҳисобга олинадиган иш вақти қўлланиладиган ишларга, вахта усулидаги ишларга жалб қилиш ва хизмат сафарига юборишни қонун орқали тақиқлаш лозим. Бундан фақат ижод билан боғлиқ айрим соҳаларда рухсат этилишини назарда тутиш талаб этилади. Ушбу масалада Тожикистон Республикаси Меҳнат кодексининг 213-моддаси, Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 268-моддасини қоидаларидан фойдаланиш имкониятини кўриб чиқиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли қарори билан тасдиқланган ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг

4-бандига асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланган[14]. Шунингдек, ёшларни тўлиқ моддий жавобгарлик билан боғлиқ ишларга, вахта усулида бажариладиган ишларга қабул қилиш ҳам ман этилади. Бундай тақиқлар, мисол учун, Грузия Меҳнат кодексининг 45-моддаси 2-бандида ҳам белгиланган бўлиб, унга мувофиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги ёзма шартнома фақат вояга етган ходимлар билан тузилиши кўрсатиб ўтилган[15]. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 994-моддасига асосан ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан етказилган зарар учун ота-она ёки васий ҳам зарарнинг қопланмаган қисми учун жавобгар ҳисобланади. Шу сабабли ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларни тўлиқ моддий жавобгарлик билан боғлиқ ишларга қўйиш мумкин эмас.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар ўриндошлик бўйича ишлашларига йўл қўйилмайди. Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларни корхонадаги навбатчиликка жалб этиш, хизмат сафарига юбориш ҳам тақиқланади. Мисол учун, Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 268-моддасида 18 ёшга тўлмаган шахсларни хизмат сафарига жўнатиш, иш вақтидан ташқари, тунги, дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб қилиш тақиқланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 247-моддаси вояга етмаган шахслар соғлиғини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати саналади. Мазкур моддага мувофиқ ота-оналар ва васийлар (ҳомийлар), шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар, агар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар бажараётган ишни давом эттириш улар соғлиғига зиён қиладиган ёки уларга бошқача тарзда зарар етказадиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақли эканликлари белгиланган. Ушбу модданинг камчилиги шундан иборатки, у агар шахс бажараётган иш унинг соғлиғи учун зарарли бўлса, уни зарарсизроқ жойга ўтказиш мумкинлигини тартибга солмайди[16]. Мазкур фикр ҳуқуқшунос М.Махаматов томонидан ҳам қўллаб-қувватланган. Хусусан, унинг

фикрича, модданинг камчилиги шундан иборатки, агар шахс бажараётган иш унинг соғлиги учун зарарли бўлса уни зарарсизроқ жойга ўтказиш мумкинлигини тартибга солмайди. Шунингдек, Меҳнат кодексининг Меҳнат шартномасини ўзгартириш параграфиди ҳам ота-оналар ва васийлар (ҳомийлар), меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар ҳамда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар бошқа доимий ишга ўтказишда ташаббускор бўлиши масаласи тартибга солинмаган[17].

Меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича вояга етмаган шахсларга қўшимча кафолатлар назарда тутилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 246-моддасида ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилиши белгиланган. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатишдан олдин маҳаллий меҳнат органининг розилиги олиниши керак. Аммо қонунчиликда бундай розилик сўраб мурожаат қилиш тартиб ҳамда муддатлари кўрсатиб ўтилмаган. Шунинг учун меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги параграфга иш берувчининг маҳаллий меҳнат органи билан ўзаро муносабатлари ҳуқуқий тартибга солиб қўйилиши лозим. Мазкур ҳолатда иш берувчи вояга етмаган ходимни ўз ташаббуси билан ишдан бўшатишда уни икки ой аввал ёзма равишда огоҳлантириш билан бирга унинг ишдан бўшатишга рухсат беришни сўраб бандликка қўмаклашиш марказларига ёзма равишда мурожаат қилиши лозим бўлади. Бунда албатта ишдан бўшатиш асослари ва вояга етмаган ходимларга тақдим этилган кафолатлар кўрсатилган бўлиши керак.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, хусусий бандлик агентликлари фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб “Ёлланма меҳнат тўғрисида”ги қонун саналади [6]. 2003 йилда хусусий бандлик агентликлари фаолиятини сифат жиҳатдан таъминлашга қаратилган стандартлари ишлаб чиқилган. 2004 йил 13 февралдаги хусусий бандлик агентликлари фаолияти бўйича ҳисоботга мувофиқ сифат бўйича стандартларга юқори профессионал малака, бизнес юритишнинг шаффофлиги, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш воситалари ва махфий маълумотлар ва бошқалар киритилган [11; 1-5- б.]. Агентликнинг фаолияти лицензия асосида амалга оширилади ва рухсат бериш тартиб-таомилларига мувофиқ белгиланади [12; 17-21-б.].

Агентлик фаолияти учун лицензия Федерал хизмат томонидан бир йиллик муддатга агентликнинг ёзма мурожаатига асосан берилади. Агентлик лицензия муддати тугашидан қаида уч ой олдин ариза бериш йўли билан лицензия муддатини яна бир йилга узайтиришга ҳақли. Қонунга биноан уч йил давомидида лицензия муддатини муваффақиятли узайтириб келган агентликка чекланмаган муддатга лицензия тақдим этилиши мумкин. Лицензия олганлик учун минг евро миқдориди, номуайян муддатга лицензия олиш учун эса икки ярим минг евро давлат божи ундирилади.

Лицензия олиш учун агентлик томонидан ариза топширилганидан сўнж, Бандлик ва меҳнат масалалари Федерал хизмати томонидан мазкур компаниянинг фаолияти ва унинг мулкдори тўлиқ текширувдан ўтказилади.

“Ёлланма меҳнат тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида қандай ҳолатларда Федерал хизмат томонидан агентликка лицензия беришни рад этиш ёки уни узайтиришни рад этиш асослари кўрсатиб ўтилган.

Жумладан, қонунчиликни ижтимоий таъминот бўйича талабларини (бадал, иш ҳақи бўйича солиқларни тўламаслик), меҳнат соҳасидаги қоидаларни, шу жумладан ходимларни меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилишга, меҳнат шартномаси асосида доимий ишловчи шахслар ва вақтинчалик ишга қабул қилинган шахслар учун тенг меҳнат режимларини тақдим этишга оид талабларни бажара олмаслик лицензия беришни рад этишнинг асосий шартлари саналади.

Лицензия беришнинг рад этишнинг қўшимча асослари бўлиб Германия меҳнат қонунчилигида иш берувчиларга юклатилган функцияларни бажариш имкониятини мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилади.

Бундан ташқари, қонун талабларига кўра хусусий бандлик агентликлари фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи Германия фуқароларига тақдим этилади, агар юридик шахс бўлса Германия ҳуқуқи асосан ташкил қилинган компанияларга берилади (Қонуннинг 3-моддаси, 3-банди).

Чет эл фуқароларига ушбу фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи оид истиснолар учинчи давлатлар билан тузилган икки тарафлама келишувларга асосан Европа иттифоқи доирасидаги тақдим этилади ҳамда ушбу чет эл фуқароларига нисбатан Германия қонунчилигида назарда тутилган энг кўп қулайлик яратиш режими татбиқ этилади.

Ходимларни ишга жойлаштириш бўйича фаолият билан хусусий агентликлар шуғулланиши мумкинлигига оид қонунчиликда рухсат бўлишига қарамадан, Германияда ҳали-ҳануз меҳнат бозорида асосий ўрин Бандлик ва меҳнат масалалари Федерал хизматига тегишли бўлиб қолмоқда.

Ушбу Хизматнинг хусусий агентликлардан устунлиги шундан иборатки, мазкур хизмат қонунга кўра ишга ёлланаётган ходимларнинг профессионал ривожланишига ва ишга қафолатли жойлашишига жавоб беради. Давлат органи сифатида ушбу хизмат Германия меҳнат ва ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига бўйсунди.

Бундан ташқари, Федерал хизмат нафақат барча хусусий бандлик агентликларини назорат қилувчи орган сифатида намоён бўлади, балки ушбу хизмат Германияда меҳнат қонунчилиги ва ишга ёллашга оид нормаларни ижроси устидан назорат қилади.

Федерал хизмат ўз ваколатларини ҳудудий таркибий бўлинмалари орқали амалга ошириши мумкин. Хусусий агентликлар фаолиятини назорат қилиш икки шаклда амалга оширилади: фаолиятини текшириш ва доимий равишда ҳисоботларни олиш орқали таҳлил қилиш.

Германия амалиётида муддатли лицензияга эга бўлган агентлик муддатсиз лицензия олган агентликларга қараганда кўпроқ текширувлардан ўтказилади. Қонунчилик талабларига кўра лицензия турларидан қатъий назар барча агентликлар Федерал хизматнинг ҳудудий таркибий бўлинмаларига ҳар йили икки маротаба ҳисобот топшириши шарт.

Қоида тариқасида ушбу ҳисобот иш қидираётган шахсларнинг умумий сони, миллати, жинси, профессияси ва бошқа маълумотларни қамраб олиш лозим. Бундан ташқари, мазкур ҳисоботларда ишга ёллаётган компанияларнинг сони, ҳар бир ходим билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатига оид маълумотлар ҳам кўрсатилиши зарур.

Хусусий бандлик агентликлар томонидан текширув жараёнида ёки ҳисоботларни таҳлили жараёнида тез-тез аниқланадиган камчиликлар сифатида меҳнат қонунчилиги ва ходимларни ижтимоий таъминотига оид мажбуриятларга оид талабларни бажармаслик ёки етарли даражада бажармаслик, тегишли рухсатномаларсиз чет эллик ходимни ишга ёллаш ва бошқалар кузатилади. Мазкур аниқланган қоидабузилишлар лицензияни чақириб олишга ёки келгусида уни муддатини узайтиришни рад этишга асос бўлиши мумкин.

Юқоридаги қонуннинг 4-моддасида агентликларнинг лицензиясини бекор қилишга қаратилган махсус қоидалар ҳам мустаҳкамланган. Унга кўра агар давлат органини айби билан, яъни мансабдор шахснинг тартиб-таомилларга тўлиқ риоя қилмаслиги натижасида тақдим этилган лицензия бекор қилинса, агентлик давлат ўрганидан кўрган зарарини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Германия қонунчилигига кўра хусусий бандлик агентликлари томонидан лицензиясиз фаолият кўрсатганлик учун жавобгарлик қатъий белгиланган.

Агар ушбу ҳолат Федерал хизмат томонидан аниқланган тақдирда, хусусий бандлик агентлигини фаолиятини тўхтатиш, уни мулкдорини ушбу соҳада фаолият кўрсатиш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда 30 минг евро миқдоридан жарима тўлаш ҳақида қарор чиқарилади.

Ушбу ҳолатда ходимларни ёллаган компанияда ҳам жавобгарлик юзага келиб, хусусий бандлик агентликлари тугатилиши натижасида ходим билан бўладиган барча меҳнатга оид муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш зиммасига юклатилади.

Буни сабаби Германияда таҳлил қилинаётган қонуннинг 11-14-моддаларига мувофиқ хусусий бандлик агентликлари иш берувчи сифатида тан олинади ва уни мажбуриятларини бажариши шарт. Бу дегани улар оддий иш берувчи каби ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади ҳамда ўз фаолияти юзасидан жавобгар саналади.

Хусусан, агентлик ва ишга ёлловчи компания тенг даражада меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилиниш ҳолати учун жавобгар саналади. Ушбу жавобгарлик гарчи ходим командировка шаклида ишга ёлловчи компания воситаларидан фойдаланган ҳолда бошқа аъзо-давлат ҳудудида меҳнат қилган тақдирда ҳам татбиқ қилинади. Мазкур мажбурият Европа кенгашининг меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги 92/58/ЕЕС қоидалари асосида юзага келган [13; 23-42-б.].

Меҳнатга ёллаш тўғрисидаги қонунда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, ёлланма ходимларга миллий режим принципи татбиқ қилинади. Унга кўра агентлик ишга ёллаётган компаниянинг ходимлари учун белгиланган барча ҳуқуқларни, жумладан тенг меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат шароитларини тенг яратиш ва бошқа кафолатланган ҳуқуқларни кафолатлаши шарт.

Миллий режим принципига тушувчи асос бўлувчи меҳнат ҳуқуқларига иш вақтини давомийлиги, меҳнат таътиллари ва дам олиш вақтлари, қўшимча ишлаганлик учун ва тунги вақтларда ишлаганлик учун қўшимча ҳақ тўлашни кафолатланиши ҳамда бошқаларни киритиш мумкин.

Қайд этиш зарурки, агентлик ва ходим ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар германия меҳнат ҳуқуқи билан тартибга солинади. Шу билан бирга юқорида кўрсатиб этилганидек, “Ёлланма меҳнат тўғрисида”ги қонунинг асосий мақсади ҳам айнан ёлланаётган ходимларни меҳнатини ҳимоя қилиш саналади. Шу боис ҳам, хусусий бандлик агентликлари бошқа хусусий ташкилотлардан фарқли равишда давлат органлари томонидан жиддий назорат остида фаолият кўрсатадилар.

Шу билан бирга, қонунчиликда кўрсатиб ўтилганидек хусусий бандлик агентликлари бу – тижорат ташкилоти саналади ва нафақат меҳнат қонунчилиги билан, балки фуқаролик қонунчилиги билан ҳам тартибга солинади.

Қонунчилик агентлик ва ишга ёлланаётганлар ўртасида меҳнатга оид муносабатларни келишиб олиш учун жамоа шартномалари тузишлари мумкин. Германия қонунчилигидан маълумки, хусусий бандлик агентликлари билан боғлиқ масалалар қонунчиликда фақат умумий масалалари баён қилинган бўлиб, тузиладиган жамоа шартномалари ушбу муносабатлар алоҳида тарзда кўрсатилиши мумкин. Жумладан, меҳнат шартлари, ходимларга бериладиган алоҳида

имтиёзлар ва кафолатлар, шунингдек меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган ўзаро бошқа масалалар белгиланади.

Хусусан, юқоридаги қонун талабларига мувофиқ агентлик ходим билан ҳафтасига 37 соатлик иш режимига эга бўлган меҳнат шартномасини номуайян муддатга тузадилар. Муддатли меҳнат шартномалари фақатгина агентлик ва ишга ёлловчи компания ўртасида тузилган ҳамкорлик шартномасида бу борада нормалар назарда тутилган ҳолатлардагина амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, ходим билан тузиладиган шартномада кўрсатилган вақт масалалари объектив зарурат бўйича юзага келган бўлиши зарур [14; 288-б.].

Қайд этиш зарурки, қонунга кўра агентлик ва ходим ўртасидаги меҳнат шартномасини муддати ишга ёлловчи компанияга ходимни хизмат сафарига юбориш муддатига боғлиқ бўлмаслиги керак.

Бундан ташқари қонунчиликда қайси ҳолатларда тузилган меҳнат шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш масалалари ҳам кўрсатилган. Ушбу ҳолатлар сифатида ишга ёлловчи компания ва ёлланувчи ходим ўртасида меҳнат шартномасини меҳнат фаолияти якунланганидан сўнг амалга ошириш ёки хусусий бандлик агентлиги ишга жойлаштиргани учун тўлов ёки компенсация тўловларини тўлаш каби ҳолатлар кўрсатиб ўтилган.

Сўнги йилларда Германияда меҳнат қонунчилиги соҳасида сезиларли ислохотлар амалга оширилган. Айниқса, ушбу ислохотлар натижасида хусусий бандлик агентликлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда ўзгаришлар сезилди. Қонунчиликдаги ушбу янгилик 2017 йил 1 апрелдан кучга кирган бўлиб, унинг натижасида “Ёлланма меҳнат тўғрисида”ги қонун нормаларида жиддий ўзгаришлар юз берган. Хусусан 2017 йил 21 февралдаги мазкур қонуннинг қабул қилинган янги таҳририга кўра ёлловчиларни ишга қабул қилиш тартиби ва муддатларига ўзгартишлар киритилди [15; 155-157-б.].

Қонун талабларига кўра ходимларга бошқа компанияларга ишга юборишнинг энг кўп миқдори 18 ой деб белгиланган. Бу ўз навбатида агентлик томонидан ходимларни айнан бир компанияга ишга юборишнинг энг максимал муддати бўйича чеклов ўрнатилган. Мазкур талаб дастлаб 3 ой деб белгиланган бўлса, кейинчалик 24 ой деб белгиланган, 2003 йилдан бошлаб эса ушбу муддат бўйича чеклов тўлиқ олиб ташланган. Лекин, 2017 йилдан бошлаб ўрнатилган 18 ойлик чеклов аввало, меҳнат ҳуқуқини таъминлашга қаратилганлиги билан характерланади. Ушбу муддат тугаши билан агентлик ходимни компаниядан чақириб олиши шарт.

Миллий режим принципини қўллаш жараёнида ёлланаётган ходимларни меҳнатига яраша ойлик иш ҳақини тўлаш масалалари янги таҳрирдаги қонун билан аниқлаштириб берилган. Унга кўра ёлланиб ишлаётган ходимларнинг иш ҳаққи ишга ёлловчи компанияларда доимий ишлаётган ходимлар билан тенг даражада кўрилиши учун ёлланиб ишлаш вақти тўққиз ойни ташкил қилиши зарур.

Янги таҳрирдаги қонуннинг яна бир ўзига хослиги шундаки, унга кўра ишга ёллаш бўйича агентлик ва ходим ўртасида тузиладиган шартномада уни меҳнат фаолияти, ишининг ўзига хослиги аниқ кўрсатилиши зарур. Агар шартнома бўйича қўйилган ушбу талаб лозим даражада бажарилмаган тақдирда агентликка

нисбатан 30.000 евро миқдорида жарима солиниши мумкин.

Қонунда алоҳида масала бу иш ташлаш натижасида фаолияти тўхтаб қолган корхонага агентлик томонидан ходимларни юбориш масаласидир. Ушбу ҳолатда агентлик ходимни иш ташлаш натижасида тўхтаб қолган корхонага юбораётганлиги ҳақида огоҳлантиришлари зарур, ушбу ҳолатда лланувчи ходим ушбу ишдан бош тортиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланган.

Юқоридагилардан қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

Биринчи, Германияда ёлланувчи ходимларинг меҳнати агентлик, ёлловчи компания ва ходим ўртасидаги уч тарафлама меҳнат муносабатлари асосида қурилган. Агар ходим чет эл фуқароси бўлса, ушбу муносабатларга нисбатан коллизия нормаларни қўллаш масалалари шартномада ҳал қилинган;

Иккинчи, ушбу муносабатларда Германия қонунчилиги хусусий бандлик агентликларининг ҳуқуқий мақоми, мажбуриятларини аниқ белгилаш орқали ёлланувчи ходимларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш энг муҳим принцип эканлигини федерал даражада белгилаб беради. Чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларда шартнома бажариладиган жой давлати коллизия нормаларни қўллашга асос бўлади;

Учинчи, агентлик ва ёлланувчи ходимлар ўртасидаги қўшимча кафолатлар нафақат қонунчилик даражасида, балки жамоа шартномалари орқали ҳам аниқ белгилаб қўйилганлигини кузатиш мумкин;

Тўртинчи, қонунчиликда давлат томонидан агентликларни фаолиятини мониторинг қилиш каби назорат турлари ўрнатилган бўлиб, бу борада иқтисодий сакциялардан тортиб агентликни лицензиясидан маҳрум қилишгача бўлган масалалар камраб олинган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Закон о коммерческом регулировании 1883 г. [Gewerbeordnung] // Сборник имперских указаний Германского Рейха, 1883, С. 177 - 240; Закон о трудоустройстве 1910 г. [Stellenvermittlungsgesetz] // Сборник имперских указаний Германского Рейха, 1910, С. 860; Закон о бирже труда от 1922 г. [Arbeitsnachweisgesetz] // Сборник имперских указаний Германского Рейха, 1922, С. 657; Закон о трудоустройстве и защите от безработицы от 1927 г. [Gesetz ueber Arbeitsvermittlung und Arbeitslosenversicherung] // Сборник имперских указаний Германского Рейха, 1927, С. 187; Закон о содействии трудоустройству и профессиональному образованию 1969 г. [Arbeitsfoerderungsgesetz] // Собрание Германского законодательства, 1969. - С. 582, 584.

2. Федеральный Конституционный Суд [BVerfG], Решение от 04 апреля 1967, Новый юридический еженедельник 1967. - № 84/65. - С. 974.

3. Закон о бирже труда от 1922 г. [Arbeitsnachweisgesetz] // Сборник имперских указаний Германского Рейха, 1922. - С. 657.

4. Закон о трудоустройстве и защите от безработицы от 1927 г. [Gesetz ueber Arbeitsvermittlung und Arbeitslosenversicherung] // Сборник имперских указаний Германского Рейха, 1927, С. 187; Закон о содействии трудоустройству и профессиональному образованию 1969 г. [Arbeitsfoerderungsgesetz] //

Собрание Германского законодательства. - 1969. - С. 582, 584.

5. Закалюжная Н.В. Правовое регулирование нетипичных трудовых отношений: монография. М., 2013. Доступно в СПС КонсультантПлюс. – С. 74-76.

6. Закон о заемном труде [Arbeitnehmerueberlassungsgesetz] // Собрание Германского законодательства. - 1972.- С. 1393.

7. Германский кодекс социального обеспечения, Книга первая [Sozialgesetzbuch I] // Собрание Германского законодательства, 1975. С. 3015; Закон о командировании работников 2009 г. [Arbeitnehmer-Entsendegesetz] // Собрание Германского законодательства. - 2009. - С. 799.

8. Решение Европейского суда от 23 апреля 1991 г. № Rs. C-41/90 (Хёфнер и Эльзер против Макротрон ГмбХ [Hofner u. Elser / Makrotron GmbH]) // Собрание судебной практики. - 1991. - С. I-01979.

9. Изменение в Закон о содействии трудоустройству и профессиональному образованию [Erstes Gesetz zur Umsetzung des Spar-, Konsolidierungs- und Wachstumsprogramms] // Собрание Германского законодательства, 1993, С. 2353; Германский кодекс социального обеспечения, Книга третья [Sozialgesetzbuch III] // Собрание Германского законодательства, 1997. С. 594; Закон о реформе содействия трудоустройству 1997 г. [Gesetz zur Reform der Arbeitsfoerderung] // Собрание Германского законодательства. - 1997. - С. 594.

10. Отчет о разработке стандартов качества в отношении частных агентств занятости от 13 февраля 2004 г. [Bericht zur Entwicklung von Qualitätsstandards in der privaten Arbeitsvermittlung] // Формуляр Бундестага. - № 15/2521. - С. 1-5.

11. Герман П., Бережнов А.А. Правовое регулирование "заемного труда" по законодательству России и Германии // Трудовое право в России и за рубежом. - 2016. - № 3. – С. 17-21.

12. Директива Совета ЕС об охране труда 92/58/ЕЕС // Официальный вестник Европейского союза, 1992, L 245/23. С. 23-42.

13. Закон о частичной и срочной занятости 2000 г. [Teilzeit- und Befristungsgesetz] // Собрание Германского законодательства. - 2000. – С 288.

14. Новая редакция Закона о заемном труде 2017 г. // Собрание Германского законодательства. - 2017. –С. 155-157

Х.Б. Абдурахмонова,

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона институти профессори в.б., ю.ф.д. (DSc)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЁЛГИЗ
ОНАЛИКНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
ҲИМОЯЛАНИШИ: МИЛЛИЙ ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ВА
РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР АМАЛИЁТИ
МИСОЛИДА**

Аннотация. ушбу мақолада аёлларнинг ҳуқуқлари ва уларга белгиланган имтиёзлар атрофлича ёритиб ўтилган. Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқ тизими ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили билан бир қаторда ривожланган мамлакатлар амалиёти ҳам ўрганилди ва таҳлил этилди. Ёлғиз онадан туғилган болаларнинг расмийлаштирилиши ва оналарга бериладиган имтиёзлар баён этилди.

Муаллиф томонидан таҳлиллар асосида таклифлар баён этилди. Хусусан, ёлғиз она жумласига ҳуқуқий таърифни яратиш ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига акс эттириш мақсадга мувофиқдир. Иккинчидан, ёлғиз она сифатида қаралиши учун фақатгина қонуний никоҳда бўлмаганлик ҳолатига эмас балким, қонуний никоҳда бўлган аёл турмуш ўртоғи билан қонуний ажрашмаган ҳолатда, субъектив сабабларга кўра боласини ёлғиз ўзи парвариш қилиши; қонуний никоҳи мавжуд бироқ турмуш ўртоғининг эрта вафот этиши каби ҳолатлари ҳам инobatга олиниши лозим. Учинчидан, миллий ҳуқуқ тизимида ёлғиз оналарни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатларни унификация қилиш мақсадга мувофиқдир.

Калит сўзлар: ёлғиз она, бола, қонуний никоҳ, ҳомиладорлик, имтиёз, Оила кодекси.

Аннотация. в этой статье подробно описываются права и привилегии женщин. Наряду с анализом национальной правовой системы и нормативных актов был изучен и проанализирован опыт развитых стран. Описаны регистрация детей, рожденных от матерей-одиночек, и пособия матерям. Автор сделал предложения на основе анализа. В частности, желательно создать юридическое определение приговора для одинокой матери и отразить его в Семейном кодексе Республики Узбекистан. Во-вторых, чтобы считаться матерью-одиночкой, она не только не вступает в законный брак, но и женщина, состоящая в законном браке, может предоставить своего ребенка в одиночку по субъективным причинам, если только она не развелась по закону; Существует законный брак, но такие обстоятельства, как ранняя смерть супруга, также должны быть приняты во внимание. В-третьих, желательно унифицировать нормативно-правовые акты, защищающие правовую защиту матерей-одиночек в национальной правовой системе.

Ключевые слова: мать-одиночка, ребенок, законный брак, беременность, льгота, Семейный кодекс Республики Узбекистан.

Annotation: this article describes in detail the rights and privileges of women. Along with the analysis of national legal system and regulations, the experience of developed countries was studied and analyzed. There were described the registration of children born to single mothers and benefits to mothers. The author made suggestions

based on analysis. In particular, it is desirable to create a legal definition for the single mother sentence and to reflect it in the Family Code of the Republic of Uzbekistan. Second, to be considered as a single mother, not only is it not in a legal marriage, but a woman in a legal marriage can provide her child alone for subjective reasons, unless she is legally divorced; There is a legal marriage, but such circumstances as early death of a spouse must also be taken into account. Third, it is desirable to unify normative legal acts that protect the legal protection of single mothers in the national legal system.

Keywords: single mother, child, legal marriage, pregnancy, privilege, Family Code of the Republic of Uzbekistan.

Миллий ҳуқуқ тизимининг устувор жиҳатларидан бири ҳуқуқ назарияси ва амалиётини изчилликда бир хил тадбиқ этилиши билан белгиланади. Бу эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини амалиётда аниқ қўлланилишига олиб келади. Хусусан, фуқаролик, оила, меҳнат, тадбиркорлик, божхона ҳуқуқи йўналишларида устувор вазифалар ҳамда мақсадлар белгиланган.

Бугунги кунда оилавий муносабат субъектларининг ҳуқуқларини ҳимояланиши жамиятда қонунарга қатъий ва оғишмай амал қилишларини ҳамда умуммиллий вазифаларни ҳал қилишга оид мажбуриятларини лозим даражада ва самарали бажаришларини таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда давлат сиёсатининг барча йўналишларида кенг қамровли дастурий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш” каби муҳим вазифалар белгиланган[1].

Шунингдек, Муҳтарам президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам “Биринчи навбатда аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади. Худудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда”[2], дея таъкидлаб ўтилди. Зеро, “Оила кичик ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, ватан тинч бўлади”. [3]

Бу эса, мамлакатимизда оилавий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради.

Аёллар хусусан, оналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида таълим, меҳнат, тадбиркорлик, соғлиқни сақлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда имтиёзлар белгиланган бўлиб улар қуйидагилар:

1. Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомиладор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш

рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт.

2. Тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтиради ёки улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади.

Ҳомиладор аёлга енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан ҳоли бўлган иш бериш масаласи ҳал этилгунга қадар, у ана шу сабабдан ишга чиқмаган барча иш кунлари учун ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилиши лозим.

3. Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар аввалги ишини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда, боласи икки ёшга тўлгунга қадар аввалги ишидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади.

4. Ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиғи учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

5. Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

6. Ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоаб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилашга мажбурдир.

7. Ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ва ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига йиллик таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра ёз вақтида ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилади.

8. Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили уч иш кунидан кам бўлмаган муддат билан ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

Ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уларнинг хоҳишига кўра, ҳар йили ўн тўрт календарь кундан кам бўлмаган муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Бундай таътил йиллик таътилга қўшиб берилиши ёки иш берувчи билан келишиб белгиланадиган даврдан ундан алоҳида (тўлиқ ёхуд қисмларга бўлиб) фойдаланилиши мумкин.

9. Аёлларга туққунга қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда – етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича нафақа тўланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилниң неча кунидан фойдаланилганидан қатъи назар аёлга тўлиқ берилади.

10. Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади.

Болани парваришlash таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллари меҳнат стажига лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан уч йил, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

11. Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари, болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар ҳам берилади. Бу танаффуслар камида ҳар уч соатда бир марта ҳар бири ўттиз минутдан кам бўлмаган муддат билан берилади. Икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камида бир соат қилиб белгиланади.

Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига киритилади ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича ҳақ тўланади.

Боласи бор аёлнинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг (иш сменасининг) бошига ёки охирига қўчирилиб, иш куни (иш сменаси) шунга яраша қисқартирилиши мумкин.

12. Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно, бундай ҳолларда меҳнат шартномаси уларни албатта ишга жойлаштириш шarti билан бекор қилинади. Мазкур аёлларни ишга жойлаштиришни маҳаллий меҳнат органи уларни ишга жойлаштириш даврида қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ижтимоий тўловлар билан таъминлаган ҳолда амалга оширади.

13. Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган ҳомиладор аёллар, болани икки ва уч ёшгача парвариш қилиш бўйича таътилда бўлган аёллар, улар ишга чиққандан кейинги биринчи йил давомида аттестациядан ўтказилмайди.

14. Тегишли иш стажига эга бўлган аёллар эллик тўрт ёшга тўлганда пенсияга чиқиши мумкин.

Мамлакатда хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватlash жамоат фонди ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифалари хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватlash, шу жумладан, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ташкил этишда, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашда қўмаклашиш ҳисобланади.

Бундан ташқари қонунчиликка мувофиқ, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга имтиёзли уй-жойлар берилади. Бунда бошланғич бадал (25%) махсус фонд ёки талабгор ишлаётган ташкилот томонидан тўлаб берилади.

Жиноят қонунчилигига кўра ҳам аёлларга айрим жазоларни қўллаш бўйича чекловлар мавжуд.

Хусусан жиноий жазо тариқасида мажбурий жамоат ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан қўлланмайди.

Бундан ташқари, ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёллар эҳтиётсизлик оқибатида ёки қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этса уларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.

Аёлга нисбатан узоқ муддатга (20 йилдан ортиқ 25 йилдан кўп бўлмаган) ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмас.

Шунингдек, ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобланади.[4]

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилиниши муносабати билан, қонунларнинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлашга олиб келди.

Хусусан, болаларнинг туғилишини қонуний қайд этишни ФХДЁ органлари ва судлар томонидан тўғри ҳал этилиши болалар ҳуқуқларининг муҳофазасини, ота-оналарнинг болаларини тарбиялашдаги масъулиятлари оширилишини таъминлашга имконият туғдиради, ота-оналарнинг болалари манфаатларига зид бўлган ҳуқуқларидан фойдаланишларига барҳам беради.

Жумладан, туғилишни қайд этиш билан боғлиқ бўлган муаммоли вазиятларни ҳал қилишда манфаатдор органлар, яъни, ФХДЁ ходимлари ва судьялар томонидан ўз вақтида ва тўғри ҳал қилиш болалар ва оила манфаатлари ҳимоясининг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексининг 60-моддасида “боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи томонидан тиббий муассасанинг ҳужжатларига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса, бошқа далилларга асосан белгиланган,” деб белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йил 31 декабрдаги 400-мх-сонли буйруғига асосан қабул қилинган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома ёлғиз онадан туғилган боланинг туғилишини қайд этиш тартиби белгиланган. Йўриқномага биноан, туғилишни қайд этиш учун ёлғиз (қонуний никоҳда бўлмаган) она томонидан ФХДЁ органига онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма ариза тақдим этилади. Агар туғилган боланинг онаси вояга етмаган бўлса, туғилишни қайд этиш боланинг туғилганлиги ҳақида тиббий маълумотнома ҳамда васийлик ва ҳомийлик органининг аризасига асосан онанинг яшаш жойидаги ФХДЁ органи томонидан қайд этилади. Бунда болани туққан онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси билан бирга яшаш ва ўқиш жойидан расми елимланган ҳолдаги маълумотномалар тақдим этилиши лозим. Ёлғиз онанинг аризасида она ва отанинг фамилияси бир хилда онанинг фамилияси бўйича кўрсатилиши лозим. Боланинг фамилияси эса онанинг фамилияси ёки миллий анъаналарга кўра она томонидан бобонинг исми бўйича берилиши мумкин. Туғилганлик ҳақида далолатнома ёзувини қайд этишда ёлғиз она шахсан иштирок этолмаган тақдирда онанинг аризадаги имзоси тиббий муассаса ёки жазони ижро этиш муассасаси мансабдор шахсининг имзоси ва ушбу муассасанинг гербли муҳри билан ёхуд нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши

шарт. Ёлғиз онага фарзандининг туғилганлиги ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилганлиги тўғрисида маълумотнома берилади. [5]

Ривожланган давлатлар амалиётида ҳам ёлғиз оналарга давлат томонидан имтиёзлар белгиланган. Хусусан, Францияда ёлғиз оналар тўлиқ давлат томонидан ҳимояга олинган. Ёлғиз оналарни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича ҳар йил алоҳида дастурлар ҳукумат томонидан қабул қилинади. Ушбу дастурларда ёлғиз оналар ишлайдиган ва ишламайдиган ёлғиз оналар турларига бўлиниб, алоҳида алоҳида имтиёзлар белгиланган. Хусусан, солиқ, уй-жой, мактаб тўловларида чегирма ва имтиёзлар мавжуд. Масалан, Франция ҳукумати давлат бюджетидан 2019 йилда ҳар бир ёлғиз она учун 177,5 евро пул ажратган. Бундан ташқари, ҳукумат ҳар бир ойда ёлғиз оналарнинг болалар учун ҳар ойда кўшимча ҳаражатларига ўртача 87 евро пул ажратади. Шунингдек, давлат томонидан ёлғиз онанинг болалари ҳар август ойида мактабга боришдан аввал мактаб ҳаражатлари учун 300 евро ажратилади. Мактаб учун ажратилган тўлов миқдори болаларнинг ёш цензига қараб белгиланади.[6]

Хитойда ёлғиз оналар учун давлат томонидан ҳомийлар тайинланади. Шунингдек, бола туғилиши биланоқ туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани берилиши шарт. Ёлғиз оналардан туғилган болаларга “хукоу” деб номланган ҳужжат берилиб, унда боланинг доимий турар жойи алоҳида кўрсатилади. Давлат томонидан ёлғиз оналар учун қатъий сумма белгиланган бўлиб, 10 минг юан (1560 доллар) тўланади. “Хукоу” ҳужжатида кўра бола шахар жойларда яшаш жойи кўрсатилган бўлса уй-жой ва бошқа ижтимоий ҳимоялари тўлиқ равишда кафолатланади. Агар шахардан ташқари манзиллар ёзилган бўлса, уй-жойдан ташқари бошқа ижтимоий ҳуқуқлари тўлиқ кафолатланади. Агар ёлғиз она харбий йўналишда ёки давлат хизматчиси сифатида фаолият юритса ҳукумат томонидан ҳар ойда 5000-9000 юангача пул тўлаб берилади. Бундан ташқари болалар учун боғча, мактаб, олий таълим йўналишида имтиёзлар белгиланган. [6]

АҚШда 83 фоиз ёлғиз оналар расмий давлат рўйхатидан ўтган. Ҳар бир штатнинг ёлғиз оналарни ҳимоя қилиш юзасидан ўз дастурлари ишлаб чиқилган. Бу дастурларни ўз вақтида ижро этилиши учун штат мэрлари масъул ҳисобланади. Ёлғиз онани ҳомиладорлик вақтидан то боланинг вояга етиш ёши (18-20)га қадар, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий жиҳатдан тўлиқ ҳимоя қилинган. Ҳар ойда ижтимоий муҳофаза қилиш хизматлари томонидан тўлиқ кафолатлар амалга оширилиши таъминланади. Ҳар бир бола учун тиббий суғурта ва алоҳида шифокор ҳамда хамширалар хизмати ва 300 долларгача бўлган дори дармонлар билан бепул таъминланади. бундан ташқари оналар учун штатларнинг буюжети ошишига қараб ваучер чеклар ҳам тақдим этилади.[7]

Полшада ёлғиз оналар аҳолининг 25 фоизини ташкил этади. Ёлғиз она деб эътироф этилиши учун жиддий сабаблар аниқ кўрсатилиши шартлиги белгиланган. Агар боланинг отаси аниқ бўлса ёки тахмин қилинса давлат томонидан ДНК тести ўтказилиб, оталиги белгиланиб, отадан бола ва она учун алимент тўланиши қатъий назорат қилинади. Ҳар бир ёлғиз она учун ҳар ойда 40 евро давлат томонидан тўлаб борилади. Бу сумма боланинг ёшига қараб, 12-17 еврогача кўшиб борилади. Агар ёлғиз она ишласа давлат томонидан 25 евро кўшимча тўланиб, уй-жойи

бўлмаган тақдирда ижтимоий ҳимоя хизматлари томонидан унинг ярим нархи тўланган ҳолатда яшаш жой билан таъминланади. Агар ёлғиз она меҳнатга лаёқатсиз бўлса ойига қўшимча 70 евро тўланиб, бепул уй-жой билан тўлиқ таъминланди. Бундан ташқари ҳар бир боланинг коммунал тўловлари учун 300 евро ҳар ойда ҳукумат томонидан тўлаб борилади.

Японияда ёлғиз оналарга ҳар ойда 230 йен тўлаб борилади. Болаларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тўлиқ ҳукумат томонидан кафолатланади. Ёлғиз она иш билан таъминлаш давлат томонидан кафолатланади.

Германияда ёлғиз оналар учун турли дастурлар қабул қилинган улар, она ва болаларнинг соғлиғи дастурлари, таълим дастурлари, ижтимоий ҳимоя ва уй-жой билан таъминлаш дастурлари, ишсиз ёлғиз оналарни иш билан таъминлаш дастурлари, солиқда имтиёзлар берилиши дастурлари белгиланган. Давлат томонидан ҳар ойда ёлғиз оналар учун 235-300 еврогача тўловлар тўланади. Ҳар бир дастурда ёлғиз оналар учун қўшимча тўловлар белгиланиб, улар учун очилган махсус ҳисоб-рақамга тўлаб борилади.

Англияда давлат томонидан ёлғиз оналар учун уларнинг иш билан таъминланганлик, турар жой билан таъминланганлик ҳолатларидан келиб чиқиб, давлат ҳимояси белгиланган. Давлат томонидан 250-300 фунд тўловлар тўланади. Бундан ташқари ҳар бир ҳукумат вазифа ва ваколатларидан келиб чиқиб, ўзининг йиллик ижтимоий ҳимоя дастурларини белгилайди.[7]

Юқоридаги таҳлилларга асосан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан, ёлғиз она жумласига ҳуқуқий ҳуқуқий таърифни яратиш ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, ёлғиз она сифатида қаралиши учун фақатгина қонуний никоҳда бўлмаганлик ҳолатигина эмас балким, қонуний никоҳда бўлган аёл турмуш ўртоғи билан қонуний ажрашмаган ҳолатда, субъектив сабабларга кўра боласини ёлғиз ўзи парвариш қилиши; қонуний никоҳди мавжуд бироқ турмуш ўртоғининг эрта вафот этиши каби ҳолатлари ҳам инobatга олиниши лозим.

Учинчидан, миллий ҳуқуқ тизимида ёлғиз оналарни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатларни унификация қилиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.
2. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
3. <http://xs.uz/uz/site/newspaper>
4. <https://lex.uz/> ;
5. <https://www.minjust.uz/uz/activity/bringing>
6. <https://lex.uz/docs/2308332>
7. <http://www.demoscope.ru/weekly/2011/0449/analit03.php> ва <https://rg.ru/2011/06/10/tam.html> электрон Сайтга мурожаат қилинган вақт 12.08.2019 й. Маълумотлар рус тилида баён этилган.
7. <https://iq.hse.ru/news/177669903.html> ва <https://rg.ru/2011/06/10/tam.html> электрон Сайтга мурожаат қилинган вақт 12.08.2019 й. Маълумотлар рус тилида баён этилган.

Sh.Ishmetova,
PhD Researcher at TSUL

CONTEMPORARY DEVELOPMENT TRENDS OF INTERNATIONAL TRADE LAW

Annotation: this article is devoted to the analysis of contemporary development trends of international trade law, namely the reduction of state participation in legal regulation of relations between subjects of private international trade, harmonization, unification and modernization of norms of international trade law.

Key words: model laws, unification, modernization, harmonization, legal system, international cooperation, UNIDROIT, UNCITRAL, globalization.

Аннотация: данная статья посвящена анализу современных тенденций развития международного торгового права, а именно снижению роли государства в регулировании правовых отношений между субъектами международного торгового права, гармонизации, унификации и модернизации норм международного торгового права.

Ключевые слова: модельные законы, правовая система, международное сотрудничество, УНИДРУА, ЮНСИТРАЛ, глобализация.

Аннотация: ушбу мақола халқаро савдо ҳуқуқини ривожланишнинг замонавий тенденциялари, хусусан халқаро савдо ҳуқуқи субъектлари ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда давлатнинг ролини камайтириш, халқаро савдо ҳуқуқининг нормаларини уйғунлаштириш, бирхиллаштириш ва модернизация қилиш масалаларини таҳлил қилишга бағишланган.

Калит сўзлар: модель қонунлар, бирхиллаштириш, уйғунлаштириш, модернизация қилиш, ҳуқуқий тизим, халқаро ҳамкорлик, УНИДРУА, ЮНСИТРАЛ, глобализация.

For all the times economy was of crucial importance for all the states in the world. Governors always wanted to provide richer economy for their citizens whether by wars or by stimulation and development of their national economies, or by making agreements with foreign countries to foster their economic growth.

Nowadays we can see that the most developed industrial countries have decisive influence not only on global economic processes in the world but also on political processes. They own fundamental economic, financial and technical resources.

Economic power is a very strong mechanism that can be used as an instrument to achieve political goals. Moreover, it defines International Economic Law. The more powerful a country's economy is - the higher is its role in international relations and in formation of most important international norms. Industrialized countries occupy a central position in trade, finance, foreign investment, in the transfer of the results of scientific and technological progress. "Their official legal positions, as well as the results of the work of these countries' press, covering the practice, are widely disseminated and reflected in scientific concepts and textbooks and, as a result, it influences on professional approach to certain problems" [1]. Lawyers from industrially developed countries also note these moments.

Trade is perhaps the most dynamic area of the social relations. Competition compels trade participants to create new products and services, to seek out and develop new markets, to expand contacts on international level. Trade is usually associated with a high risk. Therefore, it requires clear, predictable, stable and fair rules that can be adapted to the changing economic situation in order to preserve the balance of interests of the parties. However, the differences between the regulation of business turnover by the national legislation often creates unnecessary legal obstacles to cross-border trade. Many legal orders do not sufficiently take into account the current level of business turnover. As a result of the application of different norms to the same type of relations, the rights of different states are subject to conflicts and discrepancies. As a result, international transactions prove to be devoid of a reliable legal basis. Meanwhile, without the trade development - there is no growth in welfare. Trade relations firmly connect states with common interests. Thus, they contribute to the maintenance of peace, stability and progress much more effectively than political declarations, assurances, appeals and slogans. Realizing such a primary role of international trade, the international community, from the end of the XIX century, took measures to jointly improve its rules in the interests not only of its participants, but also of the whole society.

Since the end of the XIX century, international economic ties have intensified. The number of foreign trade transactions has grown significantly, and they themselves have become more diverse and more complex. There was a need for international cooperation in the field of trade law. As a result, the unification of the international trade law started its formation between the states. In some cases, model rules were applicable only to international transactions, and in others - also to national ones. One of the most important events for the development of the international trade law was the establishment in 1893 of the Hague Conference on Private International Law, the main task of which was the development of model conflict of laws rules [2]. At the same time, the Conference was created with the expectation of a limited number of states that are similar in terms of economic, social, cultural and legal development and political structure. The attempts were made to unify the legal norms at the regional level: in Scandinavia in the middle of the 19th century and in America, the Inter-American Council of Jurists, which developed model rules in the field of trade and transportation of goods.

In the twentieth century, the methods used were directed not only at the development of model conflict of laws rules [3], but also at the creation of model rules of substantive law [4]. It was achieved through the conclusion of international conventions, the use of model contracts and general conditions of sale (supply). As a result of the growing interdependence of national economies and economic integration, a certain degree of unification in certain key areas (negotiable instruments, maritime transportation, arbitration) was achieved through international conventions. The rules governing international trade in all national systems, regardless of politics and ideology, have acquired considerable similarity. Such principles as autonomy of the will of the parties in concluding contracts, binding compliance with *pacta sunt servanda*, and the settlement of disputes through negotiations and other procedures, as well as arbitration, have become universally recognized.

The rules of international trade law have now been formulated by international governmental and non-governmental organizations: the International Institute for the Unification of Private Law (UNIDROIT), UN bodies and specialized agencies, including the Economic Commissions for Europe, Asia, Africa, Latin America, the United Nations Conference on Trade and Development, The International Bank for Reconstruction and Development, ICAO, WIPO, the Hague Conference on Private International Law, trade bodies - The International Chamber of Commerce, the International Maritime Committee, associations of international lawyers - the Association of International Law and a number of others.

Each of the organizations that formulate the rules of international trade law conducted this activity in its own limited area and out of communication with others. This in many cases led to duplication of work. Activities in the field of international trade law were uncoordinated. In addition, many conventions were of only regional importance [5], none of the standard-setting organizations had universal membership, and the rules developed by non-governmental organizations, were subject to application only in case of non-contradiction to the imperative norms of law. As a result, the unification, security and predictability necessary for world trade were very limited. In this regard, there was a need to address the issue of the development of international trade law at the universal level, namely, the level of the UN General Assembly. To accomplish this task, a special Commission on International Trade Law (UNCITRAL) was established, which became the main universal center for the joint development of norms that take into account the interests and characteristics of all common legal systems of the world.

In parallel with the activation of the different forms of international cooperation, the cooperation without the participation of governments started developing. For this purpose, standard contracts, the general principles of contract law, formulated by international organizations, and other instruments started being widely used. Chambers of commerce and business associations started working out the rules of international trade.

The era of globalization has caused new problems associated with the processes of convergence of societies' lifestyle in different countries. It is becoming increasingly obvious: for sustainable development, the priority should be the preservation of the diversity of national cultural characteristics, along with the creation and application of model rules in a number of areas, primarily in the field of international commerce. In other words, there are those spheres of social relations where it is necessary to maintain diversity, preserve differences, and above all it is a field of culture. At the same time, there are those areas of social life in which unification is appropriate, desirable and even necessary - this is private law, especially trade law, as well as human rights. In the framework of trade law, it has also become generally accepted to address the regulation of specific areas of trade, rather than trying to cover the whole range of trade relations.

Describing the development of the international trade law in general, it is necessary to point out the inherent contradictions. These contradictions do not indicate a crisis of international trade law, but serve as a source of its development. There is a contradiction between the dynamism of international trade and the static nature of legal norms. The internationally-agreed method of unification is often criticized. It is noted that an international treaty is concluded at a certain qualitative and quantitative level of

